

Ғайбулла
Ҳожиёв

Ҳотиралар
таълимчи



Ғайбулла
Ҳожиев

Ҳотиралар
тўғрисида

ТОШКЕНТ
«O'ZBEKISTON»
2016



УЎК:91.44.071.2(575.1)(092)

792.071(575.1)(092)

КБК 85.374(5Ў)-8

85.334(5Ў)-8

X-59

Нашрга тайёрловчи
Орзиқул ЭРГАШЕВ

ISBN 978-9943-28-571-2

© Ф.Ҳожиёв, 2016

© «O'ZBEKISTON» НМИУ, 2016

АЗИЗЛАРИМ ЁДИ

Илк ғалабам...

Эсимда, биринчи синфга ўқишга борганман-у, унчалик хурсанд эмасман. Сабаби – мен опаларимни биринчи синфда ўқитган Раҳимахон Мўминова синфида ўқимоқчи эдим. Бўлмади. Бошқа муаллимга кўнглим илимай, истар-истамас мактабга катнай бошладим. Ихтиёримга қўйиб беришса-ку, ўзим билардим. Индамайгина Раҳима опанинг синфига ўтиб кетардим (Гап шундаки, мен бундан аввал ҳам мактабга опаларимга эргашиб бориб, уларнинг дарсига кириб ўтирардим, Раҳима опа, сени ҳам ҳали ўзим ўкитаман, деб эркалаб қўяр, шунинг учун уларни яхши кўриб қолгандим. Болалик экан-да). Шу сабабдан, дарсларда эътиборсиз ўтирадиган, бебошлик қиладиган одатлар чиқардим.

Тез орада бунинг учун таъзимимни едим: баджаҳл ўқитувчимиз кўрсаткич таёқчаси билан уч-тўрт ўйинқароқ болага қўшиб мени ҳам жазолади. Ўқитувчимга нисбатан «адоват»да эмасманми, баҳона топилиб, синфни бошимга кўтардим. Мени овутишолмай отамни чақиртиришди. Отам тарафимни олиш ўрнига қўлидаги хипчин билан тушириб қолди. Алам устига алам... овозимни баралла қўйиб йиғлашга, йиғлаб туриб, «мен Мўминовада ўқийман, Мўминовада ўқийман», дея ҳикқилай бошладим.

Бир маҳал десангиз, ичкаридан Мўминова чиқиб келди-да, мени бағрига босди.

– Вой, болажоним-ей, менда ўқимоқчимисан? Майли, майли, сени ўқитганим бўлсин...

У шундай дея бағрига босди-да, ўз синфига бошлаб кетди. Бу менинг ҳаётимдаги илк исёним ва илк ғалабам эди, десам адашмайман.

Мактаб ҳангомалари

Адабиётни яхши кўрардим, аълога ўқирдим. Мен асосан гуманитар фанларга қизиқардим. Биологиядан яхши ўқиганман. Физика ўқитувчимиз, биз уч оғайнилар – мени, жўраларим Яхёев билан Саъдуллаевни доска олдига бирга чиқариб, учаламизга битта савол берарди, баъзида амаллаб жавоб берардик, баъзида анқайиб тураверардик. Шунда домламиз профессор Хожиюф, академик Яхёюф, фан номзоди Саъдуллаюф – сизларга жавоб, бориб ана шу саволнинг жавобини топасизлар, деб синфдан чиқариб юборарди. Ваҳобов деган математика ўқитувчимиз бир куни мени алоҳида чақириб сулҳ тузди. Сен – Файбулла адабиётдан бешга ўқийсан, драмтўғаракка қатнашасан, биламан, маладес. Лекин менинг предметимдан нўноқсан-да, шунга ачинаман, деди. Иккимиз келишиб олсак: мен КВН, викторина ўтказаман, сен бадий жихатдан қизиқарли бўлишига ёрдамлашасан. Театрдан кийимлар, гримлар опкеласан, ўзинг роль ўйнайсан. Бунинг эвазига, мен сенинг имтиҳонингга минус тўрт қўйиб бераман, деди. Мен рози бўлдим. Бир куни уч синфни бирлаштириб, викторина ўтказди. Менга Лобачевскийни ўйнайсан, деди. Расмини кўрсатди. Пушкинга ўхшаб кетадиган кўнғироқ сочли, бакенбард қўйган, зодагонсифат бир одам, XVIII асрларда яшаган буюк математик экан. Бунақа кийимларни тополмайман, дедим. У уйдан шляпа, макентош келтирди. Қора кўзойнак берди. Доска олдида турибман. Катта синф тирбанд – 120 бола. Ҳаммаси менга анграйиб, ажабланиб қарайди. Файби, нима

қилиб турибсан, дейишади енгимдан тортиб. Миқ этмай туравераман хайкалдай.

Ваҳобов домла шахдам кириб келди-да, қўлидаги синик кўрсаткич таёғи билан столни уриб, ҳаммани тинчитди. Бошқа ўқитувчилар, директор ҳам кириб, доска ёнида терилган стулларга ўтиришди. Мен ҳамон тек турибман. Ваҳобов томоқ кириб, энди гап бошламоқчи эди, бир бола қўл кўтариб, савол берди: Нима дейсан? Файби ким, домла, у нега ўтирмаяпти? Синфда шовқин бошланди. Ўқитувчи новурни босди ва: «Билиб қўйинглар, бу Файби эмас, бу буюк математик Лобачевский!» – деди тантанали қилиб. Ҳамма кулиб юборди. Ҳатто қовоқ уйиб ўтирган директор ҳам илжайишдан ўзини тиёлмади. Шу-шу мактабни битиргунча лақабим Лобачевский бўлиб қолди.

Бобомнинг ўғитлари

Она тарафимдан бобомни Муҳаммад Сафо Махсум Бухорий дейишарди. У киши Самарқанд, Бухоро мадрасалари таҳсилини олган, донишманд, зукко киши бўлган. Шеър ёзган, лекин шоирлик даъво қилмаган, ўзини гулчин – шеърят бўстонида гул терувчи мухлис деб билган. Ажабки, шундай зиёли, илмли бобомни, мен улғая бошлагач, оддийгина мактаб қоровули қиёфасида кўрганман. Истикомат жойи мактабимиз қоровулхонаси – мўъжазгина кулбача эди. Сабабини кейин тушунганман: бу шўро қатағонига боғлиқ ҳолат бўлиб, аксари зиёли одамлар ўзларини саводсиз, оми кўрсатиб, оддийгина касб-корларда ишлашни маъқул кўришган экан.

Бобом қорачадан келган, ихчамгина гавдали, мош-гуруч соқоли калта кузалган, юзида доим нимтабассум, қўллари кўксида, нуроний бир мўйсафид эди. Адабиёт дарсликларидан Садриддин Айний домла суратини кўрган бўлсангиз,

бобом куйиб кўйгандай ўша кишига ўхшарди. Бир оёғи хиёл оқсарди. Ҳар эрта сахар бомдод намозидан сўнг мактаб ҳовлисига чиқиб, қишда қор кураб, йўлаклар очар, ёз бўлса сув сешиб, супуриб-сидириб озода килиб кўярди.

Кўпинча мени ёнига чақириб олиб, кўлимга кириллда ёзилган китоб тутқазарди-да: «Бачам, шуни ўқиб берсанг», – дерди. Бу мумтоз шоирлар ғазаллари, баъзан ана шу ғазаллар ҳақидаги олимларнинг таҳлилий мақолалари бўларди. Бобом ғазалларни кўз юмиб, бош тебратиб эшитар, ғазаллар тўғрисидаги мақолаларга эса диққат билан қулоқ солар, айрим жойларида тўхтатиб, қайтадан хижжалатиб ўқитар, баъзида маъқуллаб бош ирғаса, баъзан норози қиёфада «ғалат, ғалат» деб кўярди. Демак, бобом нафақат ғазалнавис, балки нозикфаҳм, нуктадон ғазалшунос ҳам бўлган экан-да, ҳозир ўйлаб қарасам. Бобо-набира мулоқоти шу зайлда давом этар, мен китобдан ўқиб бераман, бобом ёддан ўзбекча, форсча ғазаллар айтади, кейин фикримни сўрайди. Ўзимча нималардир дейман, балли, балли дейди-да, кейин турли ҳолвалар, майиз, туршаклар билан сийлайди. Шу тариқа ўзи билганини менга ўргатишга интиларди...

Бобомнинг хотирамга қаттиқ ўрнашган ўғитларидан бири шу эдики, болам, бир сўм топсангиз ҳам ҳалол топинг. Ҳалол топилган бир сўмингиз минг сўмнинг баракасини беради, дерди. Мен ёш йигит пайтимда давлати беҳисобликдан манманликка берилиб кетган бир бойвачча бўларди. Ўша бойвачча бир куни жўралари билан баҳслашиб, самовар тагига червон пул ёқиб, чой қайнатганини кўрганман. Охиروқибат ўша одам бир тийинга зор бўлиб, ўлиб кетганидан ҳам хабарим бор...

Бобом яна: «Ҳаргиз пардадаррон бўлманг. Бировнинг пардасини йиртманг, айбига пириохан, яъни кўйлак (ёпинчик) бўлинг», – дерди.

Мабодо ҳузурига келган одам (у кишини йўқлаб келгувчи кўп бўларди) бировни ёмонласа ёки ундан шикоят қилиб қолса, хомуш бўлиб эшитарди-да, кейин беозор қулумсираб эътироз билдирар эди:

«Э, сиз бекорга ранжиб юрибсиз, худди кеча эди, ўша фалончи келиб эдилар. Мана шу сизнинг ўрнингизда ўтириб, дуойи жонингизни қилиб, обдан олқадилар. Сизнинг хизматингиздан чунон миннатдорки, қўяверасиз...»га ўхшаган гаплар билан суҳбатдоши кўнглидаги гина-кудуратларни тумандек тарқатиб юборарди. Шунда ҳалиги одам бобомнинг ҳузуридан қушдай енгил тортиб чиқиб кетарди. Бошқа бир сафар эса бу одам ҳақидаги шунақа яхши гапларни нариги кишига гапириб, уни ҳам қувнатиб ўтирганини неча марта-лаб шоҳиди бўлганман.

– Болам, одамлар ўртасига кўприк ташланг, ҳаргиз жарлик пайдо қилманг, – дея насиҳат қиларди раҳматли бобом.

Томтешар болалар ҳимоячиси

Менинг болалик даврларим (ўтган асрнинг эллик-олтмишинчи йиллари)да биз томонларда негадир етим болалар кўп бўлар ва уларнинг аксари мактабда тарбияси оғир ўқувчилар ҳисобланарди. Бир куни шундай ўқувчилардан учтаси мактаб буфети томини тешиб, ичкарига тушибди. Ўғирлашга нарса топилмаганми ёки бундай ниятлари бўлмаганми, улар каттагина идишдаги мураббо солинган идишни ўртага олиб, нонга суртиб еб турганда қўлга тушиб қолишади. Тўдабоши Исмоил деган ўқувчи мактабдан ҳайдаладиган, қолган иккитасига ҳайфсан бериладиган бўлди. Шунда, мактабимиз қоровули, бобом ўртага тушади. «Томни ўзим тузатиб бераман, болалар еган нону мураббо

пулини моянамдан чегириб қоласизлар», — деб томтешар болаларнинг гуноҳини сўраб олади.

Шу воқеадан сўнг Исмоилни ва унга ўхшаган ўн беш-йигирма нафар ўқувчи бола тарбиясини директор билан келишиб, ўз зиммасига олган экан. Амак Махсумнинг (бобомга шундай мурожаат қилишарди) таъсирига берилган бу болалар ҳаммаси кейинчалик ҳаётда ўз ўрнини топиб кетади. Жумладан, Исмоил Ҳусайнов Тошкентда — консерваторияда таҳсил олади. Машҳур созанда (кларнет чолғучиси) бўлиб етишади. Бухоро мусиқа билим юртида узоқ йиллар дарс беради. Исмоил ака бобомни ўз отасидай кўриб, ҳар байрамда, хусусан, Наврўз ва Ҳайит байрамларида узлуксиз йўқлаб, зиёрат қилиб кетганлари ёдимда.

Қадамжога айланган ҳужралар

Баъзида ажабланаман: бобом бор-йўғи мактаб қоровулхонасида яшарди. Кичиккина бир ҳужрага кимлар келиб кетмас эди. Қизиқ-да, бобомни зиёрат қилгувчилар орасида доврукли одамлар кўп бўларди. Одатда ҳамма ерда азиз меҳмон сифатида қарши олинадиган, шинам меҳмонхона, таомхоналар билан сийланадиган бундай инсонлар бобомнинг мўъжазгина ҳужрасига бош суқиб ўтишмаса, Бухорога келганлари татимасди. Бошқача айтганда, Бухоронинг ҳеч бир кошонасида бобомнинг ҳужрасидагидек яйрашмасди. Бу гапда муболаға йўқ, азиз ўқувчим, бундай эътирофларни ўшанда ҳам, кейинчалик ҳам кўп бор ўз қулоғим билан эшитганман. Шуларни ўйлар эканман, жой одамнимас, одам жойни азиз қилади, деган ҳикмат нақадар топиб айтилганига амин бўламан.

Раҳматли Темур Норов деган бухоролик шоир акамиз бир куни Шариф Нурхонни бошлаб келди. Бобом би-

лан Шариф Нурхон хужра эшигида бир-бирига рўпара бўлишди. Салом-алиқдан сўнг Шариф Нурхон турган ерида бобом шаънига шеър ўқиди. Бобом ҳам унга жавобан ғазал ўқиди. Шундан мушоира бошланди. Бири Машрабдан, иккинчиси Фузулийдан ўқиди. Бири Навоийдан ўқиса, бошқаси Жомийдан, Ҳофиздан ё Румийдан ўқийди. Лоф эмас, икки соат остонада, тик оёқда турганча мушоира қилишди. (Хужра атрофига одам йиғилиб кетди, эркак-аёл ўқитувчилар, ўқувчилар). Ниҳоят Шариф Нурхон тиззалади-да, бобомнинг кўлларини ўпиб, кўзига суртар экан, сиз менинг устозимсиз, деди. Бобом дарҳол унинг кўлларидан тутиб, кўтарди-да, йўқ, таксиржон, уялтирманг, сиз менинг устозимсиз, деди...

Бундай хаяжонли учрашувларнинг неча-нечасига гувоҳ бўлган қоровулхона-хужра кунларнинг бирида бобомга торлик қилиб қолди. Гап шундаки, мактабга Хусайнзода деган одам директор бўлиб келади. Бошида шапка, эгнида сталinka кийиб юрадиган қориндор бу кимса биринчи кунийёк бобомни менсимайди. Бобом индамай хужрасига кириб, бир кўлида ариза, бирида янги ёзилган шеър билан чиқиб келади. Бу орада ёши каттароқ ўқитувчилар Хусайнзодага танбеҳ бериб, яхши иш қилмадингиз, бу киши ҳаммамизнинг устозимиз эдилар, дейишади. Директор бобомни ўз хонасига чақириб, стул кўрсатади. Бобом ўтирмай аввал аризани, кейин завқийнамо битилган сатирик шеърни амалдор кўлига тутқзади-да, индамай чиқиб кетади.

Шундан сўнг бобом Калобот гузари болалар боғчасига ишга ўтди ва энди боғчага кираверишдаги қоровулхона яна қанчадан-қанча зиё аҳлининг навбатдаги қадамжосига айланди.

Тугунча боиси

Бобомнинг Фуломжон деган дўсти бўларди. Негадир тўк яшил ойнали кўзойнак тақиб юрар, зиёли, нозик таъбли тузуккина отахон эди. Лекин, бир қусури бор эдики, қачон бобомнинг олдига келмасин, гапи орасида нохуш бир хабари бўларди: кимдир вафот этган, кимнингдир уйини ўғри урган ёхуд қай бир эр-хотин ажрашганга ўхшаган...

Бир сафар бобом қизиқ иш қилди: дўсти Фуломжон билан узок чакчаклашиб ўтирди-да, у хайрлашиб, йўлга отланган маҳали, бир нафас ўлтира турасиз, деди унга. Кейин мени ёнига чақириб, қўлимга пул бериб, гузарга югуртирди. Исмат ҳолвагардан ҳалвойи сабуний, лафз ҳалво харид қилдим. Новвойдан тўртта иссиқ нон олиб, зумда изимга қайтдим. Бобом буларнинг ҳаммасини янги белбоққа тугди-да, дўстига тутқазди. Фуломжон бобо ажабланиб сўради:

– Э, Сафо Махсум, бунинг боиси не?..

– Боиси шулки, мулло Фуломжон, бугун нохуш хабар келтирмадингиз, шунинг суюнчисига сизга ҳадя, — деди бобом нимтабассум билан.

Фулом отанинг ҳам шўхлиги тутиб, «э, шундоқ бўлдим, бугунам биттаси бор эди, хотирдан фаромуш бўпти, яхши эсга солдингиз», деди.

Бобом уни гапиртирмай:

– Худо хайрингизни берсин, бугун қайтариб кетинг хабарингизни, қайтариб кетинг, — деди.

Икки дўст баралла кулиб юборишди.

Шу воқеани эсласам, бобомнинг бир ўғити ёдимга тушади, у киши ҳар доим: «Болам, қаерга борсанг ҳам, қуруқ бормагин, қўлингда бирор совғанг бўлсин — нонми, ширинликми, китобми... ҳеч бўлмаганда бир хушхабаринг бўлсин», — деб насиҳат қилиб турарди.

БОБОМ ВА БУВИМ РИВОЯТИ

Сафо Махсум бобом билан Сиддиқа бувимнинг ҳаётлари чинданам ривоятнамо кечган. Анча-мунча китоб ўқиганман, фильмлар, театр томошаларини кўрганман. Лекин бирортасида бобом-бувимларникига ўхшаш тақдирларни учратмаганман.

Бобом 1893 йил туғилиб, бир ҳафталигида онасидан, уч ойлигида отасидан жудо бўлиб, бувисининг кўлида қолади. Ўн ёшларида бувиси ҳам вафот этгач, бобомни тоғасининг аёли, яъни янгаси ўз тарбиясига олади. Бобомнинг тоғаси Арқда – аркони давлат хизматида бўлиб, эрта ўлиб кетган экан. Янгаси у кишини йўқлаб, марсиялар айтиб юраркан. Бундан ташқари, жуда кўп ғазалу маталларни бобом ана шу аёлдан эшитиб катта бўлган. Юқорида айтганимдек, бобом ўн етти йил Самарқанду Бухоро мадрасаларида ўқийди. Қизиллар босқини (1920й.) бошланганда у дунёқараши шаклланган йигирма етти ёшли йигит бўлган. Мадраса кўрган бўлса-да, ўз билимини ёшларга етказиш, мударрислик қилиш, муллаликка нисбатан муносабат ўзгаради. Бухоро бутун Туркистон каби эгасиз, бенаво бир аҳволга тушган, жоҳилнинг дови юрган, оқиллар ўзини пана-пастқамга урган талотум бир замонлар экан-да. Нима бўлади-ю, бобомга Арқдан чиққан, амир хизматида бўлган, аниқроғи, сомсапазлик қилган бир одам йўлиқиб қолади. У қочқинда бўлиб, у даврда саройга зиғирдаккина алоқаси бор одам, сўроқсиз-истовсиз отиб ташланаверган. Бобом

шу кишини ўз уйига яширади. Ундан сомсапазликни ўрганеди ва кейинчалик қирқ йил давомида Лаби Ҳовузда сомсапазлик билан кун кечиради. Бобом пиширган учбурчак сомса «Самбўсаи Тешавойи», ўзи эса Махсуми самбўсапаз деган ном билан машҳур бўлган.

Сиддиқа бибим (бувини бизда биби дейишади) 1906 йилда туғилган. Бобом билан турмуш қуриб, икки ўғил, икки қиз кўради. Ҳалимжон, Ҳаётжон, Мунираҳон исмли фарзандлари нобуд бўлиб, биргина Музайямаҳон қизларини – менинг онамни сақлаб қолишади. Шу биргина норасида ҳам оғир хасталикка йўлиқади. Шунда бобом уни кўтариб Бухоро кўчаларига чиқиб кетади. Саргардон бўлиб, табибми, азайимхонми излайди. На табиб, на дам урувчи домла топилади. Табиблар, муллалар тум-тарақай бўлган – отилган, қамалган, қочиб кетган, яширинган. Ниҳоят, бир кекса кишига учраб қолади. Бобом шунга бориб юкинади: «Бобожон, шу норасидани онасининг кўлидан олиб чиққанимда тирик эди. Бир нима қилингки, шунни эсон-омон шўрлик волидаси кўлига топширай. Кейин нима бўлса пешонасидан», – дейди. Шунда ҳалиги одам кулади: «Э, Махсуми девона, нима деяпсан?! Ҳали сен, худо хоҳласа, бу фарзандингдан эвара ҳам кўрасан. Кўнглинг тўқ бўлсин», – деб бобомни тинчитиб, расм-русумини қилиб жўнатган экан.

Чинданам қизалоқ яшаб кетади.

Энди, бобомнинг шундан кейин уйдан бош олиб чиқиб кетгани масаласига келсам... очиги, буни тушунмайман, тушунтириб беролмайман. Улар расман ажралишмаган. Ўртада нари-бери гап ҳам бўлмаган. Лекин, бобом уйдан чиқиб кетиб, ҳар ерда яшаб юрган. Ҳали айтганимдай, Лаби Ҳовузда сомсапазлик, ёши ўтгач мактабда, болалар боғчасида қоровуллик қилган, шунингдек бибимга узлуксиз

қарашиб турган. Айни чоқда бибим ҳам бобомнинг кирчири, иссиқ-совуғидан бохабар бўлиб турган. Бу ишларга аввал онам Музайямахон, кейинчалик неваралар – Хайрулла акам, Муқаддам, Муҳтарама опаларим, Зулфия синглим ва мен воситачилик қилиб турганмиз. Бу ҳолатнинг асл сабаби бир Худою ва уларнинг ўзига аён. Менинг фаҳмимча, балки бунга жувонмарг кетган фарзандлар доғи сабаб бўлгандир. Яна фарзанд кўриб, бу нотанти замонга ем қилишни ишташмаганидан, ортиқча жудоликларга тоқатлари қолмаганидан шундай қарорга келган бўлишлари эҳтимол, яна Ўзи билгучидир.

Саксон беш ёшларида хасталаниб, ўзини эплолмай қолгач, бобомни ҳовлимизга кўчириб келишди. Уйимиздан одам аримай қолди. Қариндошлар, катта-кичик таниш-билишлар, шогирдлар мунтазам хабар олиб туришарди. Эсимда, бир сафар Фуломжон Фаниев деган ошналари ташриф буюрди. У Ўзбекистонда хизмат кўрсатган агроном эди. Мен ўсмир йигитчаман, нон-чойдан бохабар бўлиб турибман. Бир сафар кирганимда қулоғимга чалинган гапдан хушёр тортиб, таққа тўхтаб қолдим ва секингина пойгакка чўкдим. «Фаниев, энди Ҳайит куни омонатни топширамиз», – деди бобом. «Э, амак Махсум, унақа деманг, – деди Фуломжон амаки кулгига олиб, – Ҳайит байрам бўлса, ҳамма хандону шодон юрсаю биз қўлимизда рўмолча тутиб, гирён бўламизми, Махсумни бериб қўйдик, деб». Шунда бобом, ҳа, ундай бўлса, арафа куни экан-да, деди яна бемалол охангда. Бобом бу гапни хотиржам айтди, Фуломжон амаки ҳазил йўсинида қабул қилди. Лекин мен ич-ичимдан зил кетдим. Бобом ҳеч қачон шунчаки, йўлига гапирмас, айтгани тасдиғини топмай қолмасди...

Ўзимдан ўтганини ўзим биламан. Ҳайит яқинлашиб қолган. Илгари бунақа вазиятларда кунлар имилласа, энди аксинча,

вақт тезлашиб кетаётгандай эди назаримда. Ҳар бир янги кунни нохушлик билан қарши оламан. Лекин, барибир бир илинж учқуни юрагимнинг бир четида милтиллаб туради. Зора, бобом адашган бўлса, зора ўртоғига ҳазиллашган бўлса (ахир, Фаниев амаки ҳазил қабул қилди-ку бу гапни!).

Йўқ, бобом ҳар галгидек бор гапни айтган экан! Ҳазил қилмаган экан!..

Минг тўққиз юз етмиш бешинчи йил, 5 октябрь, якшанба кунини эрталаб, Ҳайитдан бир кун аввал, яъни бобом айтган ва мен мислсиз кўрқув билан кутганим (тўғрироғи, кутмаганим) арафа кунини... Бобом алаҳсирагандай бўлди: «Ҳалимжон деди, бирпас туриб Ҳаётжон, яна бироздан кейин Мунираҳон деди». Миямда бир ўй чакнади: «Ие, бобом норасида чоғида ўлиб кетган болаларини йўқлаяптику, бўлди, тамом энди!..»

– Муқаддам, қизим! – бобом кўзини очиб, атрофга аланглади. Дарров тушуниб, югуриб ховлига чиқдим. Йиғламсираб опамга:

– Опа, сизни бобом чақиряптилар! – дедим.

Опам менинг аҳволимни кўриб, анграйиб қолди-да, кейин дарҳол қўлидаги супургисини отиб юбориб, ичкарига югурди. Орқасидан эргашдим.

– Муқаддам, келдингми, қизим. Эсликкина неварамдан ўзим... Болам, сан бориб бибингдан сўра-чи... Мандан розимикан, мандан хафа эмасмикан...

– Нимага унақа дейсиз, бобожон. Сиздан нимага хафа бўладилар?..

– Майли-да, бир сўраб кўр-чи... Ўз оғзи билан айтсин-чи...

Опам йиғлагудай бўлиб, ховлига судралиб чиқди. Мен ҳам эргашдим. Сиддиқа бишим кўзойнак тақиб, ишқом тагидаги чорпояда бир нарса тикиб ўтирарди. Қўлидагини дарҳол ёнига қўйди-да, каравотдан тушиб, оёғига кавушини

илди, илдию бирдан шахти сўниб, чорпоя четига беҳол ўтирди. Шунда опам бобомнинг гапини айтди. Бибим чуқур уф тортди. «Биби!» деди опам, нима дейсиз, деган маънода. «Нимага хафа бўлай, қизим... Мингдан минг розиман, – деди бибим, овози титраб кетди. – Бобонгга айт, рози эканлар деб айтгин, болам...» Опам баралла йиғлаб, бобомнинг олдига кириб кетди. Бибим бўлса, бошини сараклатганича, «розиман, дадаси, розиман, мингдан минг розиман», деганча чорпояда қолаверди. Ҳозиргача мен ҳам, опаларим ҳам армон қиламиз: нега бибимизни ичкарига киритмаганмиз, бобом чақиряптилар, демаганмиз. Бироз далда берганимизда-ку, ичкарига кирарди. Бобом билан видолашарди. Ўзича киришга эса шарм-ҳаёси йўл бермаган. Биз, эси йўқлардан ийманган. Аксига олиб, катталар – отам, онамлар уйда бўлишмаган. Мен худди туш кўраётгандек эдим. Бир зумда бобомнинг бошида пайдо бўлдим. Опамнинг етказган гапларидан юзлари нурланган бобом, ўзича секингина: «Биз энди боғи биҳиштга кетяпмиз. Муҳрга махталмиз, муҳрга. Ҳужжат тайёр, муҳр босилса, бас... Бай-бай, бу нонларни қаранг, бўйини қаранг, бай-бай, бирам хушбўйки...» Бирпас жим қолди-да, яна лаблари пичирлади. Секин ўтириб, кулоқ тутдим. Калима қайтаряпти...

* * *

Устозлар бобом ҳақида

(Бобом Муҳаммад Сафо Махсум Бухорий ҳақида мен ҳар қанча гапирмайин, ёзмайин, кўнглим тўлмайди. Бобом ижодкор эди. Ижодкор қалб дунёсини ижодкоргина теран ҳис қила олади. Шу сабабдан, мен бу ўринда ўткир қалам соҳиблари бўлмиш ижодкор устозларимиз ёдномаларини келтириб ўтишни жоиз деб билдим)

САФО МАХСУМ

1968 йил. Бухорои шариф. Эрта куз. Қизаловим Дилбарни Калобот гузаридаги болалар боғчасида қолдириб ишга ўтаман. Ўшанда вилоят радиоқўмитасида ишлардим. Дарвоза ёнидаги қоровулхонанинг деразаси дўкон пештахтасидек доим очик турарди. Ҳар эрталаб йўлакдан ўтаётганимда ичкаридан бир бош кўринарди-ю, кўз илғарилғамас ўша заҳоти ғойиб бўларди. Ким бўлдийкин? Ҳар гал шундай. Мен ҳам бу ғалати ҳолатга эътибор бермай, қарамасликка ҳаракат қилиб, ўтиб кетардим. Иттифоқо, бир куни Дилбарни боғча опасига қолдириб, дарвоза йўлагидан шошилиб чиқаётган эдим, дераза томондан овоз келди.

– Ассалому алайкум, тақсир!

Қарадим. Ниҳоят мени неча кунлардан буён ўйлантираётган ўша сирли кишини кўрдим. Мош-гуруч соқоллари бир текис кузалган, дудоқлари қалмоқларникидек баланд, дўнг пешонали бир киши илжайиб турарди. «Нега бу киши мени «тақсир» дейди? Қизик...» Яқинлашиб салом бердим. Қария дераза оша икки кўлини менга чўзди. Кўришдик. Миқти, думалоқ жуссали киши эди. Эғнида нимча. Қарашларида алоҳида кузатувчанлик, сирли бир хайрат ҳукмрон эди.

– Марҳамат қилсинлар! – Аввалдан қуйиб қўйилган бир пиёла чойни узатди. Олмасликнинг иложи йўқ. У киши сўзида давом этди. – Сизни мен танийман, сиз мени танимайсиз, тақсир! Радиода гапирасиз-а? Шойиахси гузаридаги оҳангар Усто Аминнинг ўғиллари экансиз. Садриддинжон (Садриддин Салим Бухорий) айтдилар. Мен Салимжоннинг бобоарўслари (аёлининг бобоси) бўламан... Намозгар қизалоқни олгани келганда, бизни хужрага бир кириб ўтсангиз...

Ўша куни хужрага кириб ўтдим.

Хужрада менга аввалдан таниш Сафо Махсумнинг неvara куёвлари Салимжон, у кишининг ихлосмандлари Садриддинхон ва Гиёсжонлар хизмат қилиб юришарди. Хиёл ўтмасдан кичкина декчадан майизли ош сузилди. Ош ширин, ошдан ҳам суҳбат ширин. Суҳбат ўз-ўзидан шеърга уланиб кетди. Шеърхонлик икки тилда – ўзбек ва форсчада давом этарди.

– Шеър ҳам ёзиб турасизми, тақсир?

– Биродаржон, – дедилар Сафо Махсум бирпас тин олиб, – энди бизни ким деб билсангиз, билинг, ихтиёрингиз. Бировлар бизни Амак Махсум, бировлар Бобо Кайфий дейди, яна бошқа бировлар, э, бир кўкнори-да, деб маломат қилишади. Ўзимга қолса, камина Гулчинман. Шеър бўстонида гул тераман. Гулдасталаб дўстларга тутаман. Ахли шуаронинг руҳларини шод қилиб юраман-да.

Амак Махсум Ҳофиз, Саъдий, Бедил, Румий, Хўжа Исмаи, Навоий, Сабҳо ғазалларидан ўқиб, шарҳлаб берардилар. У кишининг ғайритабиий қуввайи ҳофизаларига таҳсин айтиб, хайрлашар эканмиз, қуйидаги байтни ўқидилар:

Э, дўст, аввал ошной макун,
Баъд аз ошной бевафой макун.

Яъни:

Э, дўст, аввал ошнолик қилма,
Ҳар ошнолик қилган бўлсанг, бевафолик қилма.

– Демакки, шундай экан, бизни ҳолимиздан тез-тез хабар олиб тулинг. Ҳа, сиздан яна бир илтимос, яқинда соли нав – Наврўз келади. 21 мартда. Ўша куни қаерда бўлсангиз ҳам, албатта келинг, хосиятини кейин биласиз, – деб қолдилар...

Бир қарашда Амак Махсум жуда камтар ва камгап эдилар. У киши Ҳазрат Баҳовуддиннинг «Кам е, кам де...» ҳикматларига доим амал қилардилар. Кўнгиллари тусаган даврада эса эрталабдан кечгача шеър тилида гаплаша олардилар.

Эсимда, ўша кунни ҳам бизни аввал эшитмаган бир рубоийни ўқиб қарши олдилар ва:

– Бу рубоийни мен Хожа Исмаи Бухорийнинг яқинда бузиб ташланган қабр тошларида ўқиган эдим. Эшитингларчи, – деб уни ўқиб бердилар:

Дар ин сарчашмаи кавсар фитат аввал таҳорат кун,
Дароу қабри поки Хожа Исмаи зиёрат кун.
Агар ҳосил нагардад мақсуди ҳар ду ҷаҳони ту
Дар ин саҳро биёу сайиди бечораро ҳақорат кун, –

деб ўзлари яна ўзбек тилига таржима қилдилар:

Бу кавсарсифат сарчашмага келишдан аввал таҳорат қил,
Киргину Хожа Исмаи қабри покени зиёрат қил.
Икки жаҳоннинг муроди ҳосил бўлмаса гар,
Бу саҳрога қайтгин-у, сайиди бечорани ҳақорат қил.

Даврадагилар қойил, дея бош чайқадилар. Шундан кейин Амак Махсум зангли соатни бураб, стол устига қўярканлар:

– Ана энди муножотхонлик қиламиз. Сизлар жимгина тинглаб ўтирсаларингиз кифоя, – дедилар. Сўнг кўзларини юмиб олиб, Жалолиддин Румий «Маснавий»сидан ўқишга киришдилар. Маснавий оҳанглари хужра бўйлаб янгради. Даврадагиларнинг айримлари дам-бадам хўрсинишар, ора-орада «Ё Оллоҳ», «Ё Парвардигор» деб қўйишарди. Мисраларга яширинган муножот даврадагиларнинг юракларига бир олам ҳаяжон соларди.

Маснавий ўқишлар, соат миллари эса тинимсиз илгариларди. Икки соатлардан кейин бировлар ўтирган ерида чарчаб

инграй бошлади. Амак Махсум худди маст булбулдек чағчағлаб, мисраларни ёдаки қалаштириб ташлардилар. Энди овозлари сал бўғик эшитила бошлади. Ҳамон муножот янграб, рухларни жунбишга келтирар, қалбларни гўё охират сирларидан воқиф қиларди. Шу ҳолда яна ярим соатча муножот ўқилди. Кимдир оғир хўрсиниб:

– Оҳ... бўлди-е, юрагим эзилиб кетди, – деди. Амак Махсум бу хўрсиниш ва инграшларни эшитмас, ҳамон берилиб муножот қиларди. Ниҳоят ҳалиги киши соатнинг занг милини олдинга сурди. Баланд жиринглаш эшитилиб, Амак Махсум беихтиёр ҳушёр тортиб, тўхтаб қолдилар.

Даврадагилар уст-устига олқишлаб, отахоннинг қуввайи ҳофизаларига таҳсин ва тасаннолар айта бошладилар.

– Икки ярим соат бўлди, – деди кимдир.

Яна биров:

– Амак, сир бўлмаса неча соат муножот ўқий оласиз? – деди.

Амак Махсум ўша бўғик овозда жавоб бердилар.

– Ёшлиқда, таъбидил давра бўлса, оғзимдан кўпик кетиб, йиқилиб қолгунимча маснавий ўқирдим. Энди у даврлар ўтди, биродар...

...Онадан етти ойлик туғилган эканман, – дея гап бошлагандилар бошқа бир сафар Амак Махсум бизнинг қистовимиз билан. – Вақтидан илгари. Беш кечамда отамнинг телпакларида кўзим очилиб, биринчи марта «инга» деб овоз чиқарибман. Еттинчи кун волидам қазо қилган эканлар. Яъни камина ҳафтак (онадан етти кунлик қолган гўдак) бўлибман. Етти кунлик етимчани боқиш бибимни маҳрларига тушибди. У киши ҳар кун бозордан ярим қадоқ илик, обиноввот олдириб келиб, аралаштириб, докага тугиб, сийна ўрнида менга тутарканлар. Шундай қилиб, то уч ёшгача иликхўрлик қилган эканмиз.

Энди, ана қарабсизки, ўша хафтакча гўдак икки кам саксонга кириб қолибмиз. Бу бошдан не савдолар ўтмади. Ўн етти йил мадрасанинг шўр тупроғини яладик. Умримиз кўрқув ва ҳадикда ўтди. Кейин китобу тасбеҳни йиғиштириб, самбўсапазлик (сомсапазлик) қилдик. Ёмон кўрганим мутаассиблик. Дунёни мутаассиб бузади. Хайриятки, шу шеър бор экан. Шеър бизга бамисоли ҳаводек, у билан тирикмиз. Умрнинг ўтганини ҳам билмай қоларкан киши. Парвардигор умр берса, бандаси яшайвераркан-да. Яна мен сизга айтсам, узоқ умр кўришнинг энг катта бир сири бор. Бу сирни ҳамма билади-ю, лекин унга амал қилмайдилар. Узоқ умр кўриш учун уч нарсага афсусланиб, пушаймон қилиб юрмаслик керак. Буни мардум зап топиб айтган: сўнгги пушаймон – ўзингга душман. Аввало, айтилган сўзга пушаймон қилмаслик керак. Чунки, айтилган сўз – отилган ўқ. Отилган ўқни милтиққа қайта жойлаб бўлмаганидек, айтилган сўзни ҳам қайтиб оғизга солиб бўлмайди. Шунинг учун аввал ўйлаб, кейин сўзлаш лозим.

Соний қилинган ишга нега шу ишни қилдим, дея пушаймон бўлиб, ўз-ўзингни қийнаб юрмаслик даркор. Ўша ишни қилмасдан аввал, етти ўлчаб бир кесиш керак. Иш қилиб бўлинди. Энди ўша хатони такрорламаслик ҳаракатини қил.

Баъд, ўлган одамга кўп куйиб, ёнмаслик керак. Тўғри, бу анча мушкул. Лекин, ёшми, қарими, охири бир кун ўлади. Тирик жон борки, бошида ўлим бор. Ўлганга ачиниб, қанчалик куйиб-ёнсанг, қайғурсанг, ўз ўлимингни шунча тезлаштирасан. Шунинг учун ўлган кишига ачингандан кўра, тирикларнинг, яхшиси, тирикликнинг қадрига етиш тузукроқ.

1969 йил 21 март тонг отари ҳамон эсимда. Амак Махсум ҳужралари эшигида одам гавжум. Менга кўзлари

тушиши билан яйраб кетдилар. Бошдан-оёқ оппоқ кийимда, соқоллари чиройли таралган, бошларида яп-янги чуст дўппи. Юзлари ялтираб турибди. Хонадан хуш бўй таралади. Иккита стол бир-бирига тақаб қўйилиб, оппоқ дастурхон ёзилган. Дастурхон ниҳоятда дид билан безатилган. Ўртада қадимий мис баркаш. Унда сабзаранг буғдой майсаси. Фақат ширинликнинг ўзидан йигирма бир хил. Кунжут ҳолва, пашмак ҳолва, ҳолвайи кўфта, ҳалвойи бодом, рангоранг қандолатлар, мураббою шиннилар: узум шинниси, тут шинниси, қовун шинниси... кўк сомсалар, қовурилган кўк чучвара, пиёзли патирлар, тешавойи самбўсалар, қилтиксиз қовурма балиқлар. Хитойи чинни косаларда «ҳафт салом»ли (Қуръоний оят ёзувлари аралаштирилган) шарбатлар. Катта бир тоғорада ҳар хил рангга бўялган тухум чошланган. Ингичка, буюртма шамлар порлаб турибди. Косаларда туршак шарбати (ғўлиноб), алоҳида тақсимчаларда обиновот қўйилган. Киши бошига мўъжаз идишларда сумалак ва ҳалиса тортилди. Хонага мучал ёшидаги оппоқ кийинган ўғил ва қиз болалар тўп-тўп бўлиб кириб, ҳафт саломдан етти қултумдан хўплаб, атрофга қараб етти марта таъзим билан салом бериб, дуо кутиб туришди. Булар Амак Махсум ва дўстларининг неваралари. У киши болаларни дуо қилиб ҳар қайси болага дастурхондаги ширинликлардан улашди. Дастурхон тузашда «етти» рақамига алоҳида урғу берилганга ўхшарди.

(Амак Махсумнинг неваралари, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Ғайбулла Ҳожиевнинг айтишича, Наврўз дастурхонига у киши йил бўйи тайёргарлик кўрар эканлар. Масаллиқларнинг қиммат-қимматидан олиб, ўзларига таниш амирнинг рикоби (хос) ҳолвапазига ёки қандолатчига буюртма берарканлар.)

Шундан сўнг ёши улуглар дастурхон атрофига тизилишди. Ҳамма бир-бирига шакаргуфторлик қилади.

Шу кун мен Амак Махсумнинг зиёратларида манаман деган зиёлиларни кўрган эдим. Булар – Бухоро тарихининг билимдони «Акамулло» Ҳамрошоев, Республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи Ҳусайн Ёқубов, машҳур пиллачи, агроном Саломжон Ғаниев, Ўзбекистон халқ хофизи Муше Бобохонов, Бухоро фидойиси, машҳур археолог Сергей Николаевич Юренъев (уни бухороликлар «Бобокалон» дейишарди), бадий сўз устаси Махмуджон Воҳидов, машҳур тарихчи, «Кашкўли Салимий» китобининг муаллифи Мирзо Салимбекнинг ўғиллари Қорижон Роғиб, Қори Ҳасан, Иноят Махсум ва яна ўнлаб кишиларни учратганман. Улар хонадон соҳибидан навбатма-навбат дуо олиб, Наврўз дастурхонидаги неъматлардан тотиниб, хужрани янги меҳмонларга бўшатиб беришарди.

Саломжон Ғаниев:

– Бай-бай, тасанно-тасанно, – деди қойил қолиб, – Амак Махсумнинг дастурхонлари мунча тўкин, мунча файзиёб...

Амак Махсум ҳам:

– Мен учун муҳими, дийдор тўкин бўлсин, – дедилар камтаринлик билан, ҳар Наврўзда бир марта бўлсаям дўстлар дийдорига тўйсам дейман. Афсуски, таомдан тўйиш бор-у, дўстлар дийдоридан тўйиш йўқ экан.

Амак Махсум давраларида турли дин ва миллат вакиллари бўларди. Уларнинг айримлари бир-бирларининг тилларига тушунмасалар-да, негадир узок суҳбатлар давомида сира зерикишмасди. Гўё уларни шеър, ғазал, донишмандликнинг кўринмас ришталари боғлаб турарди...

1975 йил 5 октябрь, ҳайит арафасида, якшанба кунини у кишини Бухорои шариф сўнгги йўлга кузатиб қўйди.

Яна Наврўз келди. Сафо Махсумдек дилкаш, донишманд, фидойи инсонларни соғиниб...

Оллоҳ у кишини раҳмат қилган бўлсин!..

Садриддин Салим БУХОРИЙ,
таниқли шоир, олим, таржимон

Бухорода бир беназир шоир бор эди...

Бухорода бир ажиб, беназир шоир бор эди, бироқ умрида битта ҳам шеърини чоп эттирмаганди. У зоти шариф Сафо Махсумдир. Сафо Махсум Бухоро шаҳридаги Хожа Порсо гузарида истиқомат қиларди. У шуҳратдан ҳазар қиларди. Унинг бутун вужуди шеър эди гўё. Сафо Махсум дунёвий ва ухровий шеърларни соатлаб, кунлаб ёддан айта оларди. Ҳазрат Жалолiddин Румийдан тортиб Навоийгача, Ҳазрат Навоийдан Садриддин Айнийгача ўтган шоирлар шеърларини ёддан айтиб, уларнинг маъноларини шарҳлаб берарди.

Сафо Махсум варақчаларда араб имлосида ўз шеърларини ёзиб қўяр ва у мисралар ёдланиб, қалбига жо бўлгандан сўнг, варақчаларни ёқиб ташларди. Ҳозиржавобликда, ширингуфторликда, дарёдилликда унга тенг келадиган киши Бухорода йўқ эди.

Сафо Махсум боши гавдасига нисбатан катта бўлиб, кичик гавдага катта бош қизиқ туюларди. Унинг қирра бурни, бежирим соқол-мўйлови, ўткир кўзлари ўзига ярашарди. Ўз кулбасини ҳар куни икки марта супурар, ҳаддан ташқари озода юрарди. Сандал устида албатта соат, гул, дафтари қалам, тақсимчада ҳолва, чойнагу пиёла турарди. Сафо бобо ўз яқинларига тайинлаб: «Бу кулбага кираётганда очик чехра ва хушхабар билан киринг!» – дерди

У нохуш хабар тарқатиб юрувчилар, ҳаётдан нолийдиган, ношукур одамларни ёмон кўрарди. Ундай кимсалар суҳбатдан қочарди. Унинг асосий шиори Пайғамбаримиз (с.а.в) нинг: «Аҳмоқдан қочинг!» ҳадислари эди. Сафо Махсумдан

шундай ривоятни эшитганман. Қадимда бир ношукур эр-хотин яшаган экан. Хотини тукқани хақида эрига доя кампир хушхабар етказиб: «Муборак бўлсин, сизларга Худо эгизак фарзандлар ато этди!» – дебди хаяжон билан. «Ие, нега энди Худо бошқаларга биттадан фарзанд беради-ю, биздай қашшоқларга иккитадан бераркан, қани адолат?!» – дебди эр норози бўлиб. Шу пайт доя кампир шумхабар етказибди: «Эгизакларнинг елкалари бир-бирига ёпишиб қолган экан, ногирон экан!» Хотин фарёд чекибди: «Войдод! Ҳаммага гулдай ўғил берадиган Худо нега биздай камбағалга ногирон ўғил бераркан, шу хам адолатданми?!»

Хуллас, ногирон Ҳасан-Ҳусанлар улғайибди. Лекин улар хам ота-оналари каби ношукур бўлиб ўсишибди.

Кунларнинг бирида кўпқари бўлиши хақида жарчи хабар берибди. Ҳасан-Ҳусанни хам аравага ўтқазиб, томошага олиб боришибди. Кўнгли ярим ногиронларнинг дили ёзилсин, хурсанд бўлишсин, дейишибди-да. Кўпқари айни қизиган пайтда олатасир билан келаётган уюрдан бир от ажралиб чиқиб, ўзини тўхтатолмай, Ҳасанга туёғи билан урилиб туртиб кетибди. Ҳасан шу заҳоти жон таслим қилибди. Ҳасанни кўмамиз десалар, Ҳусан тирик. Кўммаймиз десалар, ўлик ҳидлана бошлабди. Оқсоқоллар бир қарорга келишиб, ўлик Ҳасан билан тирик Ҳусанни кимсасиз сахрога элтиб ташлабдилар. Ҳусан йиғлай-йиғлай елкасида сасиётган Ҳасанни кўтариб, боши оққан томонга кетибди. Ҳаётдан умидини узган, озиқ-овқати тугаган Ҳусаннинг кўзи бир чашмага тушибди. Росаям чанқаган эмасми, чашма сувидан қониб-қониб ичибди ва умрида биринчи марта сидкидилдан: «Худога шукур!» дебди. Узоқдан келган бир овоз, Ҳусанга: «Чашманинг ичига тушиб чўмил!» дебди. Ҳусан чашмада чўмилибди ва ҳайратдан қотиб қолибди. Чунки димоғидаги бадбўй хид йўқолган ва елкасидаги юк – ўликдан хам қутулган экан.

Бир борагина шукур қилганнинг шарофатидан Хусан барча ғам, азоб, дардлардан бир йўла қутулиб, дунёга қайта келгандай навқирон, гўзал йигитга айланибди...

Сафо Махсум Уста Аминбобо, Шариф Нурхон, аллома Салимбек Салимийнинг ўғиллари Қорижон ва Бухоро шахридаги машхур Гулобод гузарида истиқомат қилувчи Фуломжон танбур, шунингдек, Фуломжон Фаниев, қори Абдурахмонлар билан ҳамсухбат эди. Сафо Махсум шундай дерди: «Дунёда мукофот ва жазодан ҳеч ким қочиб қутулмас. Бухородаги Бўйрабобон гузарида бир ҳолвапаз бобо яшарди. Иттифоқо, бир куни шом пайти ҳолвапаз бобонинг уйи ёнидан ўтиб кетаётганимда, бобонинг дарвозаси ёнидаги супачада йиғлаб ўтирганига гувоҳ бўлдим. Маълум бўлишича, бетавфик ўғил маст бўлиб, ўз отасини бир мушт урган экан.

Йиллар ўтди. Ҳолвапаз бобо вафот этди. Ўғил эса уйланди. Ўнта ўғил кўрди. Ота қариганда ўнг кўли билан ўнг оёғи фалаж бўлди. Ўғиллари эса, бири пианиста, бири банги, бири қиморбоз бўлиб, ҳар куни ўғиллар отани бир муштдан урадиган бўлишди. Ҳар гал ота фарёд чекканида, кўз олдимда ҳолвапаз бобонинг йиғлаб ўтирган ҳолати намоён бўлади. Қулоғимга эса бобонинг қарғиши эшитилади... Бунини қарангки, ўз падари бузрукворини бир мушт ургани учун ҳар куни ўн муштдан «мукофот» оляпти.

Йиллар ўтди, ота ҳам қазо қилди. Лекин ўғилларининг ҳаммаси жувонмарг бўлди. Ҳолвапаз бобо ҳовлисининг чироғи ўчди. Оқпадарнинг чироғи ўчади, деганлари шу бўлса керак!

Сафо Махсумдан сўрадилар: «Таксир, нега Бухородаги мадраса гумбазлари, дарвозахоналари, пештоқлари баланд, маҳобатли-ю, лекин мадраса ҳужралари эшиклари пастак? Бунинг қандай ҳикмати бор?»

Сафо Махсум деди: «Бир кун хорижлик кеккайган сайёҳ мадрасанинг хужрасига кираман деб, бошини эшик тўсини, яъни болодарисига чунонам уриб олдики, кўзларидан ўт чиқди, чамаси. Бир неча муддат бошини чангаллаб ўтириб қолди. Сўнг... Сўнг аста-секин таъзим қилиб, эгилиб, хужрага кирди.

Донишманд боболаримиз кеккайган, такаббур кишиларни мана қандай жазолаган. Хужра эшигининг паст бўлишида ҳикмат шуки: «Эй инсон фарзанди! Камтарин бўл, ичкарига эгилиб кир. Бошинг осмонга етган бўлса ҳам бу илм даргоҳида кибр, манманликка берилма!

Мана шу хужраларга таъзим қилиб кирганларнинг юксак даражаларга эришганига эътибор бер. Улар муҳаддисларнинг султони, авлиёларнинг султони бўлди, бутун дунё табибларининг султони бўлди!»

Сафо Махсум қоғозга қараб шеър ўқийдиганларни нимча шоир (нотугал шоир) дерди. У шеърни тушунадиганларни авлиё деб биларди.

У шўролар ғояси денгиз юзидаги кўпиклар каби пуч эканлигини билар, шу боис қизил гапларга, қизил шиорларга эътибор бермасди. У невараларини, шогирдларини, суҳбатдошларини келажак замонга, Мустақиллик замонига тайёрлаб ўтди...

Бутун умри давомида ўзи ёзган шеърларининг бир мисрасини ҳам чоп эттирмай ўтган шоир бор эди Бухорода. Унинг номи Муҳаммад Сафо Махсум Бухорий эди.



БОБОМНИНГ РИВОЯТЛАРИ

Аллоmani қойил қолдирган болакай

Афлотуннинг олдига кўплаб оталар ўз фарзандларини шогирдликка олиб келишаркан. Фарзандимга устозлик қилинг, зора, сиздай алломан замон бўлиб етишса, дейишаркан. Афлотун ҳеч кимга йўқ демас экан-да, фақат синов мақсадида болага кичик бир хизмат буюраркан. Бўтам, мана шу кўзани олинг-да, ҳовли ортидаги ҳовуздан сув келтиринг, деркан. Бола хўп деганча югуриб кетаркан-да, бирпас ўтиб, кўзасиз, сувсиз сўппайиб қайтаркан. Бунинг сирини ҳеч ким билмас экан. Бир куни шундай воқеа рўй берибди: отаси билан келган болакай кўзани кўтариб чиқиб кетибди-да, хаяллаб қолибди. Кейин кўзани бўш кўтариб қайтибди. Ҳа, бўтам, нима бўлди, дебди Афлотун. Устоз, дебди бола, ҳовузингиздаги сув макруҳ бўлибди, шу боис сув келтирмадим, дебди. Йўғе, нега макруҳ бўлади, дебди Афлотун. Бир жондор сувда бежон ётибди, дебди бола. Қани, кўрайлик-чи, қанақа жондор экан, деб Афлотун ташқарига чиқибди-да, боланинг фахму фаросатига қойил қолибди. Гап шунда эканки, бир қарашда ҳовузда кўм-кўк бўлиб жимирлаб турган нарса сув эмас, шиша экан. Сув учун келган бола нари-берисига қарамай шоша-пиша кўзани ҳовузга соларкан-да, уни синдириб қўяркан. Бу бола эса шошмабди, кўза солишдан аввал кўли билан пайпаслаб кўрибди. Қараса, ҳовузда сув йўқ. Кейин бир бўлак гувала олиб, шиша устига тўрт оёқли, узун кулоқли эшакними, бошқа нарсаними шаклини чизибди-да, ҳовуз суви макруҳ

экан, деб қайтиб борган экан. Ўз фахму фаросати билан Афлотунни қойил қолдирган бола кейинчалик Арасту деган алломаи замон бўлиб етишган экан.

Ер талашган қўшниллар

Аҳил яшаб келган икки қўшни орасидан мушук ўтибди. Бола-чақаси вояга етиб, уларга иморат кўтармоқчи бўлишибди. Шу пайтгача, икки дала ўртасида тўсиқ йўқ экан. Бири ўртадан девор тортмоқчи бўлибди. Иккинчиси қараса, назарида унинг еридан анча қисми девор нарёғига ўтиб кетадиган. Ҳар иккиси ўз фикрини ўтказмоқчи бўлибди. Ўртага хотинлари тушибди. Жанжал, тортишув зўрайгандан зўрайиб бораверибди. Шу пайт кўчадан фариштасуврат бир қария ўтаётган экан. Нима гап, нима тўполон, деб сўрабди у. Қўшниллар бир-бирига гал бермай, воқеани баён қила бошлабдилар. Қария қараса, баҳс ниҳоя топмайдиган. Тўхтанглар, тўхтанглар, барака топгурлар, дебди. Бу ер кимники аслида, деб сўрабди. Меники, дебди бири. Йўқ меники, дебди иккинчиси. Бўпти, ҳозир аниқлаймиз, дебди донишманд чол. Секин чўккалабди-да, ерга кулоқ тутибди. Қўшниллар анграйиб қараб тураверибди. Чол, ха, деганча бош ирғабди-да, қадини ростлабди. Ҳар икки қўшни ҳам ўз талабининг тасдиғини кутиб, чолга қараб турибди. Чол уларга қараб, сиз ер меники, дейсиз, сиз меники дейсиз. Ер бошқача фикрда. Нима деяпти, дебди қўшниллар бараварига. Ер айтаяптики, буларнинг даъвоси бекор. Буларнинг иккиси ҳам аслида меники. Эрта бир кун иккисини ҳам ўз бағримга оламан, демокда дебди чол. Қўшниллар коса тагидаги ним косани туйқусдан фахмлаб қолишибди-да, чолга раҳмат айтишиб, бир-бирларига қўл ташлаб, яраш-яраш қилишган экан.



БОБОМНИНГ ШЕЪРЛАРИ

(Бобом раҳматли бирор сатр шеърини эълон қилдирмаган, бунга уринмаган ҳам. Сабаби, ўзини шоир эмас, ҳали айтганимдек, шоирлар мухлиси, шеърят боғининг гулчини деб билганидан шундай қилган. Мен бўлсам, бу ўринда шунга журъат этяпман. Дафтар тўла ғазалларидан айрим намуналарни сизга илиняпман. Уларнинг айримлари форсий тилда. Ўзингиз баҳо беринг, Муҳаммад Сафо Бухорий фақат мухлису гулчин бўлганми, ёки...)

Сенсиз, э, оромижоним, менда роҳат қайдадур,
Фурқатингда бир даме истироҳат қайдадур.

Лаҳза-лаҳза кўрмасам гулдек юзингни эй нигор,
Бошда ҳушу дилда сабру танда роҳат қайдадур.

Талъати зебо билан гулшан сари қилсанг хиром,
Ой юзингнинг олдида гулда назокат қайдадур.

Олмадинг биздин хабар, бир йўли эй оромижон,
Эй паривашлар моҳи лутфу иноят қайдадур.

Дилраболар кўп ва лекин дилраболик бобида,
Сан каби бир дилбари соҳиб малоҳат қайдадур.

* * *

Гаштам аз кирдори даврон хастаю зору ғамгин,
Кулфату ранчу ғаму дарду алам шуд дар камин,

Ҳаст болинам зи хоку паҳлуям ба болои замин,
Бар қади хам гашта гардидаст аҳволам чунин,
Ин нидо омад ба гӯшам эй ғариби дил ҳазин,
Ғам махӯр, эй ҳаста номи ӯ бувад ҳаққул мубин.

Эй, рафиқон, ин чӣ дарду ин чӣ шои мотам аст,
Шому ҳиҷронам фироку рӯзи ман дарду ғам аст,
Мисли ман ғамгин набошад, ҳар ки дар ин олам аст,
Ҳар шаб фарёд ояд ин нидо субҳидам аст,
Ғам махӯр, эй маҳсуми афтадою зору ҳазин,
Ту ба хубӣ дон ки номи ӯ бувад ҳаққул мубин.

Ҳолати танги маро ҳар кас ки дид дар ҷаҳон,
Ашк ҷорӣ мекунад раҳме намояд бегумон,
Қиссаҳои дардноки ман аҷаб шуд дoston,
Бар чунин ҳоли ғарибӣ шуд нидо аз осмон,
Ту ба хубӣ дон ки номи ӯ бувад ҳаққул мубин.

Охир аз абнойи гардун масканам шуд ҷойи танг,
Мезанам зи ин ғусса ҳар шаб, бар сару бар сина санг,
Бо чунин дили шикаста бо ҷафои пойи ланг,
То ба кай бошам азизон дар даруни гӯри танг,
Ғам махӯр, эй маҳсуми афтадою зору ҳазин,
Ту ба хубӣ дон ки номи ӯ бувад ҳаққул мубин.

* * *

Шеър оҳанги дил асту нағман руҳи башар,
Бар навои дил ҷаҳонро ошиқи шайдо кунам.

Ин ҷаҳон бошад китобу ишқ сар то пойи ӯ,
Охир ин алфози дилкашро ба ту маъно кунам.

Ҳар кучо ҳусн аст, шоир мекунад он ҷо мақом,
Ҳар кучо ишқ аст, он ҷо ошён барпо кунам.

Гаҳ бангу бода гўям, гаҳ зоҳид, гаҳ ринд,
Гаҳ сухан аз сўзи Маҷнун, гаҳ аз Лайло кунам.

Нур пошам барқсон, чун лаб кушоям дар ғазал,
Лаъл резам абросо чун сухан иншо кунам.

Домани арбоби маъниро кунам пур аз гуҳар,
Чун тапиш он лапи дарё бори гавҳарзо кунам.

Аз парёшон кокули дилдор агар созам рақам,
Гулшани ашъорро пур сумбулу гўё кунам.

Гар зи васфи чашми масти ёр гўям шаммае,
Бўстони шеърро пур наргису шахло кунам.

Бо ду чашми тар набинам дар ҷамоли коинот,
Чашми дилро дар фурӯғи маънавӣ бино кунам.

* * *

Саломе мефиристам ман ба дилдор,
Ки ғайр аз ту надорам дигаре ёр.
Саломе назди ҷонон мефиристам,
Саломе хуштар зи ҷон мефиристам.
Саломе мефиристам ба ҷамолат,
Саломе дигаре ба хатту холат.
Саломе ба ду чашмони сиёҳат,
Саломе ба ду абрӯи камонат.
Саломе ба даҳони пистаи ту,
Саломе ба забони рустаи ту,
Саломе мефиристод ошиқи зор,
Ба он махбуби барнойи ситамгор.

* * *

Хандонлаби пўсидадаҳон аст, хабаркаш,
Ширинсухани захрзабон аст, хабаркаш,
Озори дили хурду калон аст, хабаркаш,
Ба хар дили софе ба гумон аст хабаркаш.

Аз хона ба хона, зи идора ба идора,
Чун тортанак тор танад чанд қатора,
Гап бурда гап орад кунад фитна манора,
Сад шӯр барангезаду истад ба канора,
Ошӯбгари байникасон аст хабаркаш.

Ҷуз фитнау иғво ӯ магар кор надорад,
Ин бешараф аз бешарафӣ ор надорад,
Парвои сари кўчаю бозор надорад,
Андеша зи ағери ғами ёр надорад,
Ҳар ҷо ки равӣ бо ту равон аст, хабаркаш.

Ҷангонда касонро кунад аз гӯша тамошо,
Бар дасти писар дода гиребони надарро,
Аз хешу табору зану шӯ, ёру шинос,
Ҳастанд базе мурдаҷудо зинда ҷудохо,
Бар оши ҳама захрчакон аст хабаркаш.

Иблис барин ҳозиру тайёр магасвор,
Гаҳ аз паси дар ояду гаҳ аз паси девор,
Нону намакат хўрда кунад хони ту мурдор,
Ҷамъияти мо пок зи олудагӣ безор,
Донед, ки ифлосу зиён аст хабаркаш.

Дар даври озодӣ ин хислати пўсида раво нест,
Дар баъзе касон аз чунин кор ибо нест,
Ин чунин касонро ба чунин доира ҷо нест,
Ҷуз фош намудан роҳи тадбир ба мо нест,
Кайҳост ки мардуди замон аст хабаркаш.

* * *

Ҳарза гўю лаккию устоди шайтон порахўр,
Ҳамчу афзӣ захр дорӣ зери дандон порахўр.

Мезанӣ хезак ба мисли гурбаи қассоб ту,
Якта тин бинӣ шавӣ он сӯ шитобон порахӯр.

То ки лаъл ояд ба дасту ҳам наранҷад табъи ёр,
Мешавӣ ҳар дам ба ҳар ранге намоён порахӯр.

Кошки пур мешуд аз хоки лаҳад чашмони ту,
Беҳтар аз он ки шавӣ дар гӯр пинҳон порахӯр.

Қӯраҳот қаллобу дузду ҳастӣ ту найрангбоз,
Аз чӣ виҷдонро фурушу бар ҷифилдон порахӯр.

Пулпарастӣ мекунӣ, дар кӯча мастӣ мекунӣ,
Дар амал рӯбохию дар шакл инсон порахӯр.

Ҳарчӣ афтад ба кафат месозӣ онро обу лой,
Ҳамчу гурги гушна метозӣ ҳаросон порахӯр.

Мезанӣ аз чашм сурма, аз даҳон ҳатто сақич,
Боз бо даъво бигирӣ аз гиребон порахӯр.

Ҳамчу хоре дар миёни ин гулистон гаштай,
Мурданат бех, дур шав аз байни моён порахӯр.

* * *

Замон аҳлиға ишқу ёр деб розинг айлама равшан,
Кӯзинг ёғин едирсанг дӯст, аммо бермасанг душман.

Йӯлидан тош агар олсанг, урар бошингга бир кун тош,
Очар айбингни гар бўлсанг ани айбига пирохан.

Ичидур кинаю нафратга пур, зоҳирдадур хомуш,
Қародур дуд бирлан қайси уйда бўлмаса равзан.

Нафас борича қилдим сайр, ҳафтоду ду миллатни,
Ҳаммаси муддаидур, кӯрмадим ўздек фано бўлган.

ОТА-ОНАМ ҲИКОЯТИ

Ота томондан бобомни Мулла Ҳожи Йўлдошбой ўғли дейишган. Бобом Ҳажга бормаган, отаси Мулло Йўлдошбой Ҳаждан қайтган куни дунёга келгани учун исмини Мулла Ҳожи деб қўйишган экан. Мулла Ҳожи бобом 1873 йил туғилган. Бухородан ўн икки чақиримча наридаги Навметан деган қишлоқда яшаган, беш ўғил, икки қизи бўлган. Отамнинг эслашича, уларнинг даласида саксон тўрт туп ўрик дарахти бўлган экан. Шундан ҳам билиш мумкинки, уларнинг каттагина боғи, экинзор ерлари, шунга яраша от-улов, мол-ҳол, мойжувозлари бўлган. Қизил босқиндан сўнг бобом аввалига уч ой қамоқда ўтирган, кейин мол-мулки тортиб олиниб, қишлоқдан бадарға қилинган. Етти бола билан шаҳарга келиб, ижарада яшаган. Ўғиллари билан одамлар хизматини қилиб, ҳатто кечалари хожатхона тозалаб тирикчилик ўтказган. Аёллари – Юсуфбой қизи Адолатхон бибимиз бўлса қўни-қўшнилар кир-чирини ювган, ҳовлисини супурган, болаларига қараган. Ниҳоят, Ҳожаи Порсо маҳалласидан уй-жой сотиб олишиб, муқим бўлишган. Бу орада бир йўла уч ўғил армияга олиниб, фин урушига жўнатилган. Шунда ҳам бобомни тинчитишмаган, рўзгор корига яраб турган биргина отини ҳам тортиб олишган. Кетма-кет йўқотишлар, зарбалар натижасида бобом руҳий хасталикка йўлиқиб, дунёдан ўтган.

Айтмоқчи, бобомнинг Раҳматбой деган укаси урушдан аввалроқ, ҳали қишлоқдалиқ пайтларида, Қумработ чўлига

кириб кетиб, қайтмаган экан. У киши пахлавонкелбат, чапани, чўрткесар, айни чоқда завқи баланд бир йигит бўлган дейишади. Жиянларидан, айниқса Неъматжонни (менинг отамни) яхши кўраркан. Елкасига бешотарни осганча, тўрт-беш ёшлардаги жиянини олдиға ўтқазиб, қишлоқ кўчаларида, Қумработ қумликларида отда сайр қилдирар, шунақа пайтларда кўпинча «Равшани рухсорига ду чашми оҳулар билан, жабри кўпу меҳри оз бебоку ҳиндулар билан...» деб «Бебокча»ни баланд овозда айтиб юраркан (Отамнинг «Бебокча»ни яхши кўриши, кўзда жикқа ёш билан хиргойи қилиб юришлари сабабини мен бу гаплардан хабар топганимдан кейин тушунганман). Елкасига милтиқ осиб юрганидан, ўйлашимча, қандайдир халқ қасоскорлари гуруҳига алоқаси бўлган, чамаси... Бундай дейишимга сабаб, шўролар кучаяверганидан сўнг Раҳматбой бир кун отига миниб, Қумработ ичига кириб кетган экан. Шу кетишда Афғонистонга ўтиб кетганми, бошқами... ҳеч ким билмайди.

У кишидан бир ўғил, бир қиз қолган. Ўғлини уста Жума дейишарди, қизининг исми Муяссархон бўлган. Уста Жумани яхши эслайман, баланд бўйли, қорувли киши эди. Бухорода бунақа одамни «куланги» дейишади. Тана-тўшига мос феъли кенг эди, секин, салмоқлаб гапирарди. Мен ёш боламан, нимагадир «ҳа, мутавалли» деб кўярди эркалаб. Жуда баракали, миришкор боғбон эди. Кўй-қўзи, мол-ҳолни яхши кўрарди. Бир кун бозордан совлиқ сотиб олса, ҳафта ўтиб ҳалиги кўй қўзилабди, эгиз туғибди. Қўзичоқлар бири биридан чиройли, кўнғироқ юнги ялтираб тураркан. Бунни кўрган кўни-қўшнилари, уста Жума, буларни тез сўйинг, жуда зўр телпакбоп қоракўл чиқади, дейишибди. Жума бобо, йўқ, йўқ, бўлмайди, деб бош ирғабди. Сизлар кўрмаяпсизлар, мен кўриб турибман, мана бу жимжимадор ҳарфлар арабий ёзувдаги Аллоҳнинг исми,

деган экан кўзичоқларнинг юнгига ишора қилиб. Ростданам шунақа ёзувлар бўлганми, билмадим-у, лекин жуда раҳмдил, шафқатли бир одам эди-да. Уни Уста Жума дейишларининг сабаби косиблик ҳунари ҳам бўлиб, маҳси тикарди.

Уста Жуманинг бир одати бор эдики, азада йиғламасди. 1968 йил Аҳмад тоғам машинасида ҳалокатга учраб, 38 ёшида нобуд бўлди. Жума бобо: «Э, мен катта эдим, кетиш навбати меники эди-ку!» – деб бошини сараклатиб қўйган экан. Шундан ўн йил ўтиб, отам қазо қилди. Жума бобо дарвозамиз олдидаги каравотга келиб ўтирди-да, оғир хўрсинди. Мени ёнига имлаб, оҳиста бағрига босди. Ҳеч нарса демади. Шунда кимдир келиб, Жума ака, бандалик экан-да, деганди, Жума бобо оҳиста бош ирғаб қўйди-да: «Биз қолиб, Неъматилло кетганини қаранг, ёш нарса», – деганди уф тортиб.

Жума бобонинг тўрт фарзанди бўлиб, тўнғичи Гулнора аммам эди. Кейингиси Жўра амаким мактаб директори бўлиб ишлади. Ҳозир пенсияда. Ҳасанбой деган ўғли савдода, менинг тенгдошим, Муроджон ўғли кўли ширин пазанда, элнинг маъракаларида ош дамлайди. Жўра амакимдан отаси Жума бобонинг бир гапини эшитганман. У киши айтарканки, ўзингдан кичик одам ўтса, йиғламагин, майит безовта бўлади, ўзимдан катта одамни йиғлатдим-а, безовта қилдим-а, дейди. Шунинг учун мени дилим йиғлайди-ю сиртимга чиқармайман.

Раҳматбойнинг иккинчи фарзанди Муяссархон аммамга келсам... Яқинда Ҳабибулла, Фафур деган икки қариндошимиздан хабар топдик. Улар Муяссар аммамнинг ўғиллари бўлиб, Термизда яшашар экан. Мулла Ҳожи бобом ўлиб, ўғиллари урушга кетиб, Муяссар аммам вафот этиб, катта хонадон пароканда бўлгач, ҳали суяги қотиб улгурмаган икки гўдак – Ҳабибулла билан Фафур болалар уйига тушиб,

Термизга бориб қолишади. 2014 йил ёзда Ҳабибулла акам Бухорога келди. Ёши саксон бешда, худди отамнинг ўзи. Фарзандлари ўн битта бўлиб, қурилишда ишлаб, нишонлар олган, хатто Шароф Рашидовнинг ўзи у кишига «Волга» машинасининг калитини топширган экан. Акаси – Фафур амаким бўлса, бир-икки йил муқаддам дунёдан ўтибди. Мени танишаркан, Ҳабибулла акам бир набирасининг исми-ни Файбулла деб қўйибди.

Энди отамга келсам, исми Мулла Ҳожи ўғли Неъматжон. Аввал Фин урушида, сўнг немислар билан бўлган урушда қатнашган. Днепр бўйида яраланиб, оёғида «осколка» билан қайтган. Отам боғбон эди. Сафо Махсум бобом қоровуллик қилган мактабда боғбонлик қилиб, каттагина боғ яратганди. Ҳали юқорида айтганимдек, бобом мактабнинг янги директори Ҳусайнзода билан муросаси келишмай ишдан кетган куни отам ҳам ишдан бўшаганди. Бобом шундан кейин болалар боғчасига қоровул бўлиб ишга ўтди. Отамни эса Болалар уйига ишга таклиф этишди. Тошкентдан борган Марьям Ёқубовна – Болалар уйининг раҳбари (шифокор ҳам эди) отамни чақириб, «Неъмат ака, бўлиб ўтган гаплардан хабарим бор. Сиз бизга ўтинг. Уч гектар еримиз бор, қандай ёрдам керак бўлса, берамиз, сиз шу ерни бизга боғ қилиб берасиз», дебди. Отам енг шимариб, ишга киришди. Чакалакзор, бутазор бўлиб ётган ерни бульдозер солиб текислатди. Олти туп эски дарахтдан бошқа ҳамма дов-дарахтни кестирди. Эски дарахтлар деганим – икки-тадан сада, чилонжийда ва ёнғоқни асраб қолди, «булар камида юз йиллик дарахтлар, ота-боболаримизни кўрган, улар табаррук», деди. Қисқаси, икки-уч йил нари-берисида Болалар уйининг янги боғи пайдо бўлиб, олди мевага кира бошлади. Боғда йўқ меванинг ўзи йўқ эди. Узумнинг ўн-ўн беш тури ёздан бошлаб кеч кузгача бирин-кетин пишиб

ётарди. Битта-ярим одам, э, Неъмат ака-ей, кўлингиз гулда, кўлингиз баракали-да, дея мактай бошлаши билан, йўк, йўк, дея бош ирғарди. Булар ҳаммаси Худодан, Худо беряпти, анови дилшикасталарнинг ризки бу, дерди болалар уйининг етимларини назарда тутиб.

Боғ жуда шинам, баҳаво жойга айланди. Эсимда бор, бобом Сафо Бухорий ҳам ўз улфатлари билан йилига икки-уч бора шу боғда йиғин ўтказиб турарди. Бу йиғинларда мен кимларни кўрмадим, дейсиз! Ўтган аср бошларида Пайрав Сулаймоний деган машҳур шоир ўтган. Шу инсоннинг жиянлари Саъдулла, Абдулла Саиджоновлар, амирнинг хос ҳофизи Левича Бобохоновнинг ўғли Муше Бобохонов, Мирзо Салимбек («Кашкули Салимий» китобининг муаллифи) деган машҳур тарихчининг ўғли Қорижон Роғиб, машҳур адиб Жалол Икромий, Ойбек домлани ўз қуввайи ҳофизаси билан ҳайратга солган Шариф Нурхон... булар барчаси бобомнинг ҳаммаслак, ҳамнафас тенгқурлари, дўстлари эди. Давранинг энг ёш қатнашчилари устозларимиз Неъмат Аминов, Садриддин Салим Бухорийлар бўлиб, улар аҳли донишларга хизмат қилиш асносида дилкаш, диловар суҳбатлар, шеърхонлик, ашулахонликлардан тўйиб-тўйиб баҳраманд бўлишарди... Ўша даврлар ҳам фанимат экан, бобом дунёдан ўтгач, ҳаммаси барҳам топди.

Талабаман. Иккинчи курсни битириб, Бухорога келганман. Отам иккимиз боғ ўртасидаги чорси каравотда гап-сўзсиз ўтирибмиз. Бир маҳал отам, э, деганча бир хўрсиниб кўйди-да, бир замонлар бу ерлар қанақанги файзли эди-я, деди. Ҳаммасини бобонгиз ўзи билан олиб кетди... Қизиги, мен ҳам шу нарсани ўйлаб тургандим. Бир пайтлардаги оташин маснавийхонлигу байтбараклар, дилбар суҳбатлар гувоҳи бўлган сўлим боғдан файз кетган, ҳатто манави улкан каравот ҳам алланечук мунғайиб, кичрайиб қолгандек кўринарди кўзимга...

Отам дарахтлар билан гаплашарди

Ҳа, муболаға қилмаяпман, отам ростданам дарахтлар билан тиллаша оларди. Баъзи жойларда кўрамиз, дарахтларга сим боғлашади, ҳар хил ёзувли тахта-лавҳаларни миҳ билан қоқиб ташлашади. Отам шу нарсани ёмон кўрарди. Қаерда кўриб қолса, дарҳол болғача ва омбир билан ҳалиги симларни қирқиб, тахтачаларни олиб ташларди. Булар қанақа одамлар ўзи, жони бор-ку буларнинг ҳам, жони оғрийди-ку, дерди жаҳли чиқиб. Бир сафар Тошкентдан борсам, боғда қуриган дарахт шохларини арралаб, ажратиб оляпти. «Осколка»лик оёғи оғрияпти, шекилли, қийналиб ўтириб-туряпти. Нима қияпсиз, дедим. Войиш (ишком) га ажратяпман, деди. Овора бўлиб нима қиласиз, ота, дедим. Қаранг, қанча труба, арматура ётибди. Шулардан фойдалансангиз бўлмайдими?! Отам кулумсираб кўйди-да, офтобда ётган трубалар олдига бошлаб борди мени. Қани туфлингизни ечинг-чи, деди. Хайрон бўлиб тургандим, ечинг, ечинг, деди. Пайпоғингизни ҳам ечинг. Энди чиқинг бунга. Ҳа, куйдими?! Куяди-да, офтобда қизиб ётибди. Токнинг ҳам бадани куяди, униям жони бор, болам. Фақат тили йўқ, айтолмайди. Ана шунақа, болам...

Боғ оралаб юрган отамни кўз олдимга келтирсам, доим «Солдат отаси» фильмидаги грузин чол – Махарашвили ёдимга тушади. Отам, буларнинг тили йўқ, деса ҳам, назаримда, боғдаги ҳамма нарса билан гаплашарди. Уларнинг тилини тушунарди, овозини эшитарди.

Рақамланган арава

Шу ўринда (гарчи бир оз ўринсиз бўлса-да) бир воқеани эслаб ўтгим келди. От-аравамиз бор эди. Рўзғор юмушларига, боғ ишларига яраб турарди. Замонни қарангки, шу от-арава сабабли отамни газетага чиқаришибди. Нима эмиш,

болалар уйида боғбонлик қиладиган Неъмат Ҳожиёвнинг шахсий от-араваси бор. У аравада юк ташиб, қўшимча даромад топади, дейишибди. Қарашса, аҳвол жиддий. Отулов кўлдан кетадиган. Барака топгур, Марьям Ёкубова (афсуски, фамилиялари ёдимда қолмабди) дарҳол раддия ёзиб, бу от-арава шахсий эмас, у болалар уйининг мулки, деб ҳужжатлаштириб, ҳатто ДАН идорасидан 101-рақам ҳам олиб берган экан. Бу ҳам замоннинг зайли-да, а? Ҳа, у замонларда...

Отам бизни санъатга ошно этган

Оилада беш фарзанд бўлганмиз: икки опам – Муқаддам, Муҳтарама, акам – Хайрулла, мен ва синглим – Зулфия. Фарзандларнинг каттаси қиз бўлгани ҳам яхши экан. Чунки, ҳаёни, ибони, одобни опалар ўргатади. Улардан ибрат оласиз-да. Отам бизни меҳнатда чиниқтирган. Меҳнатсевар қилиб тарбиялаган. Айни чокда, ўзи билиб-билмай, санъатга ҳавасмандлик уйғотган.

Отам бир куни «Урал-57» русумли радиоприёмник кўтариб келди. Уйимизда байрам бўлиб кетди. Комилжон Отаниёзов, Маъмуржон Узоқов, Фахриддин Умаров, Жуманазар Бекжонов, Таваккал Қодировларнинг пластинкаларини ҳам келтирибди. Шундан кейин ҳар куни белгиланган бир вақтда оилавий концерт эшитадиган бўлганмиз. Биз – ака-ука, опа-сингилларга топширилган турли вазифа-юмушлар бажариб бўлингач, отам қилган ишларимизни бир кўздан кечириб чиқарди-да, кейин ҳаммамизни радиоприёмник ёнига ўтқазиб қўйиб, пластинка (дадам «карта» дерди) қўйиб берарди.

Радиога ҳар пайшанба куни «Мақом кечаси» бериларди. Сафо Махсум бобом отамга атайин 240 сўм бериб, магнитофон

олдирганлар. Ва отам хар галги «Мақом кечаси»ни канда қилмай магнит тасмасига ёзиб боргани ҳам эсимда...

Кейинчалик маҳалламизнинг яккам-дуккам хонадонларида телевизорлар пайдо бўлди. Кўпчилик ёши катталар эсласа керак буни – ўша дастлабки пайтларда қишлоқнинг болалари кеч бўлдимиде, телевизорли уйларни излаб қолардилар. Хар ким ўзига яқин, ҳадди сикқанникига борарди, албатта. Биз акам иккимиз ҳам ўшаларнинг биттаси эдик. Дадам бизни қайтариб, койиб турарди. Унақа қилманглар, фалончи амакининг ишдан чарчаб келади, кайфияти бўлмаслиги мумкин, дерди. Биз, бўпти, бугун чиқайлик, яхши кино борда, эртадан бормаймиз, деб ёлворардик. Қаёқда! Эртасига бугунам борайлик, дадажон, кейин бас... деб мўлтираб турардик. Охири бўлмади, отам раҳматли Ромитандан бориб «Старт-3» русумли телевизор кўтариб келди. Ана шу «Старт-3» телевизори экрани орқали мен илк марта Бухородан «ташқарига чиққанман». Тошкентни кўрганман, бошқа шаҳарларни... дунёнинг кенглигидан хайратга тушганман.

Отамнинг бир одати бўларди: телевизорга ким чиқса, у академикми, санъаткорми, шоирми, оддий дехқонми... агар «ассалому алайкум, муҳтарам томошабинлар», деб гап бошласа, отам «ўғлим, бу яхши одам экан, буни кўриш керак» деб, охиригача ўтирар, кимки салом бермаса, «э, саломи йўқда маъни бўлармиди», деб чикиб кетарди.

Онам ёнган нонлар ва...

Онам Музайямахон ниҳоятда саришта уй бекаси бўлган. Рўзғор ташвиши, болалар тарбиясидан ортиб, отамга кўмаклашиш мақсадида нон ҳам ёнарди. Эрталаб уч-тўртда туриб, хамир қорарди. Опаларим ёрдам берарди, биз ака-ука нонни опчикиб сотардик. Кунжутли нонлар эди. Сотгандаям

мелисалардан қочиб-писиб сотардик. «Нетрудовой доход», «спекулянт» деган гаплар бўларди. Кузмин деган рус мелиса бўлиб, яхши одам эди. Баъзида бир кун-икки кун олдин шишиб қўярди: «Сынок, завтра будьте осторожно, комиссия придёт», – дерди. Шунга қараб, эҳтиётимизни қилардик.

Нон ҳақида гап кетаркан, бу воқеалардан олдинроқдаги манзаралар кўз ўнгимда жонланади. Олтмишинчи йиллар бошида нон тортилиб қолди. Дўконлар олдида кети кўринмас навбатлар пайдо бўлди. Акам иккимиз тонг қоронғисида нон дўконга чиқиб кетамиз. Одам бошига биттадан нон берилади. Мен 7–8 ёшли болакай навбатда тик турганча ухлаб қолавераман. Бир манзара сира кўз олдимдан кетмайди: Ичкарида новвойлар терга тушиб нон ёпяпти. Ташқарида – новвойхона пештахтаси тепасида катта плакат. Плакатда космонавтлар Юрий Гагарин, Герман Титов, Валентина Терешкова ва Николаевлар, ўртада Никита Хрущев: хаммасининг кўкраги тўла орден, юзларида фолибона табассум, қўллари баланд кўтарилган. Пастда эса... жинкўча бўйлаб чўзилиб кетган турнақатор одамлар сафи... Одамлар сабр-тоқат ва ҳадигу хавотир билан ўз навбатини кутади. Онда-сонда бир сават юпқа-юпқа нон чиқади-да, пештахтага қўйилади. Ҳар бир сават чиққанда навбат ўн-ўн бештача одамга камаярди. Навбати яқинлашганлар кейинги сават чиқишини илҳақ кута бошлайди... Плакатдаги қорни тўқ кимсалар эса тепада турганча, биз – «бахтиёр шўро фуқаролари»ни қутлаб, қўл силкиб туришарди...

Сабоқ

Бу ибратомуз хангомани раҳматли отам кула-кула сўзлаб берганди. Ҳали айтганимдай, отам фин уруши, немис урушларида қатнашиб, бир неча марта яраланиб,

қайта-қайта тузалиб, ниҳоят урушни охирлатиб қишлоғига қайтган, фойдага қолган умри шукронасига ҳаммага яхшилик соғинувчи, яхшилик қилишга интилувчи бир зот эди.

У киши уйланиб, уч-тўрт йилдан сўнг ота уйдан кўчиб чиқадиган бўлади-да, шаҳарнинг қишлоғимизга яқинроқ бир мавзеидан иморатга жой ўлчатиб олади.

«Белги қозиклар билан ихоталанган иморатим жойини виқор-ла айланиб чиқдим-да, кейин битта кетмон топиб, «бисмилло» деб ишга киришмоқчи, ўйдим-чуқурларни текислаб кўймоқчи бўлдим, – деб эслайди отам кулумсираб. – Ғайратланиб таниш эшикни тақиллатдим. Ичкаридан ота кадрдоним Бобо Содиқий (Содиқ бобога шунақа мурожаат қилишарди) йўғон овозда йўталиб-йўталиб чиқиб келди. Басавлат, оппоқ соқолли, қарашларидан одам хуркади...»

Отам Бобо Содиқий билан кўшқўллаб кўришади.

– Келинг-да, писар, – дейди қария салом-аликни қисқа қилиб. – Ҳамсоя бўляпсиз экан деб эшитамиз-у, ўзингизни кўрмаймиз...

– Энди кунда-шундамиз, бобо, – дейди отам илжайиб, – фақат жонингизга тегиб кетмасак бўлди...

Ҳазилни икки суймайдиган Бобо Содиқийнинг қовоғи уйилади. Отам дарҳол хушёр тортади-да, муддаога кўчади.

– Бобо, кетмонингизни бериб турсангиз.

– Кетмон?

– Ҳа, кетмон керак эди, ўйдим-чуқурларни текисламоқчи эдим. Кейин...

Содиқ Бобо отамнинг гапини охиригача эшитмай, ичкарига кириб кетади-да, андак ҳаяллаб, лаълидай келадиган, оғир бир кетмонни кўтариб чиқади.

– Мулло Неъмат, мана кетмон...

– Э, Раҳмат, Бобо Содиқий, зўр экан ўзиям... Бир-икки кунда қайтиб бераман... – деб отам кетмонга кўл узатади.

Лекин, қўли хавода қолади. Бобо Содиқий кетмонни беришга ошиқмайди...

– Мана, кетмон, кўрдингизми, бор экан-а? Лекин, сизга кетмон йўқ, хафа бўлмайсиз... – дейди-да, отамни эшикда қолдириб, орқасига қайтади.

Умрида бу қадар иззаю мулзам бўлмаган отам қизариб-бўзариб, уйига қайтиб келади-да, онамни ёнига чақиради.

– Дафтар-қалам олиб кел. Бу ерга ўтир-да, ёз, – дейди.

Шу куни қўлида онам ёзиб берган рўйхат билан бозорга кетган отам иккита кетмон, иккита белкурак, яна болта, теша, арра, пойтеша, қўйингки, рўзғорга, иморат қурилишига нимаики керак бўлса, ҳаммасидан бир жуфтдан харид қилади-да, кейин уста ёллаб, иморатни бошлайди.

Ёз охирларида иморат битади. Кўчиб киришади. Одатга кўра маҳалла-кўй қарияларини чорлаб, худойи қилишади. Бобо Содиқий ҳам келади. Ошу сув, дуойи фотиҳадан кейин чоллардан орқада қолган Бобо Содиқий отамнинг ёнига келиб, тирсагидан тутаяди.

– Мулло Неъмат, биламан, сиз мендан хафасиз. Лекин хафалигингиз нодуруст, – дейди салмоқлаб. – Агар мен ўшанда раёингизни қайтармасам эди, эҳтимолки, иморатингиз бу йил битмай қоларди. Биласиз, раҳматли Мулла Ҳожи энг яқин қадрдоним бўлган. Шундай одамохун, хамиятли қадрдонимнинг ўғли иморат солишга бел боғлаган бўлса-ю, кетмон тиланиб юрса айб бўлади-да. Кетмон берсам, эртага пойтеша сўраб чиқардингиз. Ана шунақа ёмон хислат феълингизга ўрнашиб қоларди. Бу эса Мулла Ҳожининг номига ярашмайдиган иш бўларди, писар. Мана кўриб турибман: ҳовлида ҳамма нарса бадастир. Ҳатто офтобагача иккитадан олиб қўйибсиз. Асбоб-анжомлар ҳаммаси топ-тоза, мойланган, ялтираб турибди. Барака топинг, писарим, ориятли экансиз, мани хурсанд қилдингиз...

«Шу-шу бўлди-ю, Бобо Содиқийни худди отамдай яхши кўриб қолганман, – деганди отам ўйчан тортиб. – Уч-тўрт ой аразлаб, жаҳл қилиб юрганларим бир бўлди-ю, ўша кунги насихати бир бўлганди. Кўзимни очганди...»

Ўйлаб қарасам, улуғ бир ёшга кириб дунёдан ўтган Бобо Содиқийнинг бир пайтлар отамни изза қилгани, отам орқали ўтиб менга ҳам таъсир этгани, сабоқ бўлгани шубҳасиз, деб ўйлайман...

Онамнинг дуоси

Халқимизнинг миллий – диний кадриятларига айланиб кетган бир яхши одатимиз бор. Бирор каттароқ иш бошламоқчи бўлсак, оиламиз улуғлари – бобо, момоларимиз, ота-онамиз, касбимиз усталаридан дуо, оқ фотиҳа оламиз ва албатта, «Бисмилло...» деб ишга киришамиз. Бу нарса одамга куч беради, ишонч беради, айти чокда кишида масъулият ҳиссини уйғотади.

1998 йил драматург Ҳайитмат Расулнинг «Пири коинот» асарини тайёрладик. Асарни режиссёр Валижон Умаров сахналаштирди. Мен бош ролда – аллома Аҳмад Фарғоний ролидаман.

25 октябрда режиссёр айтдики, эртага прогон – спектаклни тўлиқ ҳолда кўриб оламиз. Агар тайёр бўлган бўлса, кейинги ҳафта арбоблар кўригига ҳавола этамиз, деди. Шу кун кечқурун онам билан қўнғироқлашдим. Фотиҳаларини сўрадим. Онам хурсанд бўлди. «Болам, катта бўлиб қолибсан, қара, Аҳмад Яссавийни ўйнадинг. Фарғонийни ўйнаяпсан. Сендан миннатдорман, сени ўша улуғларимиз қўллайди, иншооллоҳ... Мен эрталаб гузарга чиқиб, Хожа Порсо (кўчамиздаги авлиё мақбараси)га чироқ ёқаман. Бухоролик авлиёларга, устозинг Азизжонга (Азизжон Маҳмудов – Бухоро театрининг марҳум режиссёри), Олим

Хўжага (Халқ артисти О.Хўжаев), ота-боболарингга Қуръон бағишлайман, – деди. Кейин бир нафаслик тин олишдан сўнг: «Телефон қилганинг яхши бўлди, сенга айтадиган гапим бор эди... Болам, сендан хурсандман, сендан розиман. Илойим, ўнвонинг (онам шундай дерди) бундан ҳам баланд бўлсин. Ўғил, қизингнинг орзу-ҳавасини кўр, тўйларини қил. Мартабанг улуғ бўлсин. Шу гапларни айтмоқчи эдим-да», – дея билинар-билинмас хўрсиниб қўйди.

Эртаси кун прогон яхши ўтди. Премьера куни белгиланди. Кейинги кун эрталаб Бухородан қўнғироқ бўлиб турибди: Онангизнинг товлари қочиб қолди, келинг...

Шу заҳоти директоримиз Ёқуб Аҳмедов билан боғландим. Кабинетимга келгин, деди. Бордим. Олдимда туриб, Бухорога қўнғироқ қилди.

– Ая қалай?.. – деди қисқа салом-аликдан сўнг. Кейин индамай эшитди-да, трубкани қўйди. Ва менга деярли қармай, «қўрқма, шунчаки шамоллаш экан, майли бориб кел, ҳозир чипта буюртирамиз», деди. Бу гаплар эрталабки тўққиз яримларда бўляпти. Аэропортга қўнғироқ қилган эди, самолётлар кетиб бўлибди, кечки рейс бор экан. Иккита чипта буюртирди, ўзимга, ўғлимга.

Самолётда учяпман, тинимсиз илтижо қиламан: Худо-йим, онамга шифо бер, яна тўрт-беш йилгина умр бер. Онажонимга хизмат қилолмадим, озроққина имкон бер. Хизматини қилай, армон бўлиб қолмасин... – дейман. Кўзларим дам-бадам ёшланиб кетади. Ўғлим ажабланиб қарайди. «Нима бўлди, дада?» – дейди. «Ҳеч нарса, ўзим шундай», – дейман уни тинчлантириб. Самолётдан тушиб, машинага ўтирдим ҳамки, ўзимда эмасман. Уйимгача бўлган юз кадамлик пиёда йўлим унмайди. Оёғим орқага кетаётгандай. Шукр, онамни тирик кўрдим. Мени таниди, пичирлаб дуо қилди. Кейин...

Тошкентга беш кундан кейин қайтдим. Юрагим бўм-бўш, ичим ҳувуллаб қолган. «Пири коинот»нинг премьерасини ўтказишимиз керак, етмиш бетлик сценарийдан бир жумла ҳам эсимда қолмагандай.

Эртага премьера деган кун кечаси иккигача креслода ўтириб сценарий ўқидим, ўтирган еримда ухлаб қолибман. Соат олтиларда елкамга биров туртгандай чўчиб уйғониб кетдим. Ва нари-бери ювинган бўлиб, кўлимда рўзғор халтасини кўтарганча ихтиёрсиз равишда Олой бозорига қараб йўл олдим. Дастлаб ўн бешта нон олдим. Яна картошка, сабзи-пиёз деган нарсалар харид қилдим. Катта хўроз олдим-да, театрга кетдим. Комил Насриддинов деган чапдаст акамизга харидларимни топшириб, битта шўрва қилиб, қариялар дуосини олиб беринг, марҳум устозларимиз, кейин онамнинг руҳларига Қуръон бағишланг, деб илтимос қилдим. Гримхонадаман. Соқол-мўйлов ёпиштиряпман, салла ўраяпман-у, бўм-бўшман, хаёлимда ҳеч нарса йўқ. Бир маҳал мўъжиза рўй берди: бундан ўн кунча муқаддам онамга кўнғироқ қилганим, уларнинг фотиҳасини олганим ёдимга тушди. Миямда бир фикр чакнади. «Ўзига таваккал! Бугун ўйнаган ролимни онамнинг руҳи покларига бағишлайман!» – дедим-да, юзимга фотиҳа тортиб ўрнимдан турдим...

Зал тўла одам, ўтирадиган жой йўқ. Санъат институти, Маданият институти талабалари ўқитувчилари билан келишган. Яна казо-казо меҳмонлар.

«Бисмилло...» деб сахнага қадам қўйганимдан ҳамма нарса ўзгарди. Қандайдир илоҳий куч қўлтиғимдан кўтарди. Сахнага оёғим тегмайди. Сўзлар қуйилиб келади. Қарсаклар, олқишлар тинмайди. Биринчи акт – бир соату ўн минут қандай ўтганини билмайман. Танаффус пайтида Яйра опа (Ўзбекистон халқ артисти Я. Абдуллаева) олдимга чиқиб келди. Кўзлари қизарган. «Сан... (эркалаб сўқинди) нима

қиялсан? Юракларни эзиб юбординг-ку! Сал орқароқ тур, мен Фарғонийга бир таъзим қилай!» – деди. Бундан ортик мақтов борми!..

Кейинги акт ҳам шундай ўтди. Ёшлигида она юртидан илм истаб чиқиб кетган Аҳмад Фарғоний буюк астроном, математик, географ бўлиб танилгач, кунлардан бир кун кечаси юлдузларга тикилиб, юлдузлар сиймосида онасини кўриб, у билан ғойибона суҳбатлашиши, кўз ёш тўкишлари саҳнаси, айниқса, ҳаяжонли кечди. «Онажон...» деб бўзлаганимда, ўз онам – бундан ўн кунгина муқаддам тупроққа топширган онаизорим кўз олдимда турди. Телефондаги сўнгги овозлари, «сендан розиман» деган сўзлари қулоғим остида жаранглаб турди...

Томоша тугагач, ҳеч ким зални тарк этмади. Муҳокама бошланди. Биринчи бўлиб сўз олган домламиз Муҳсин Қодиров гапларидан ёдимда қолганлари: «Бу саҳнада улўғлар ролини ижро этиш машаққат. Чунки, Шукур Бурҳонов Мирзо Улуғбекни, Олим Хўжаев Алишер Навоийни қойилмақом қилиб яратиб қўйган эди. Бу қолипдан чиқиб кетиш осонмас, истайдими, йўқми, ҳар қандай актёр шу йўлдан бориши аниқ. Бирок, Файбулла бошқа йўлни танлабди. У алломани хокисор қилиб яратибди. Жуда тўғри қилибди. Олим хокисор бўлади...» ва ҳоказо. Раҳматли Тошпўлат Турсунов домламиз, сўз олди. «Мен анчадан бери йағламаган (у киши шундай дерди) эдим. Бугун йағладим...», – деди.

Шу ўринда дилимдаги бир гапимни айтиб кетсам: театр-шунос олимлар борки, уларнинг хизматини ҳамиша ҳам қадрлайвермаймиз. Маълумки, спектакль жамоа меҳнати билан юзага чиқади. Ҳар кимга ўз қилган иши яхши кўринади, камчиликларини ёки яхши томонларини янада кучайтириши мумкин бўлган нозик қирраларни пайқамаслиги мумкин. Айтмоқчиманки, тайёр маҳсулотга четдан холис назар баҳоси керак бўлади. Тўғри, томошабин одил

ҳакам. Бирок, томошабингача бўлган жараёнда мутахассис таҳлили лозим, яъни театршунос кўриги зарур. Ўз шахсий тажрибамдан келиб чиқиб айтаманки, нуқтадон театршунос фикри, агар у инобатга олинса, спектакль муваффақиятини таъминлаши мумкин. Мен сахнада озми-кўпми натижага эришган бўлсам, режиссёрлар, устозларим билан бир қаторда театримиз билимдонларининг ҳам жуда катта ёрдами текканини миннатдорлик билан эътироф этаман. Ҳали тилга олганим Муҳсин Қодиров, Тошпўлат Турсуновлар, Мамажон Раҳмонов, Тоҳир Исломов, Ҳамидулла Акбаров, Сотимхон Турсунбоев, Шаҳноза Мамажоновна, Шухрат Ризаев ва яна қанча заҳматкаш олимларимиз ўз таҳлилий қарашлари, одилона муносабатлари билан ўзбек театри ривожига жуда катта ҳисса қўшдилар.

Яна премьерара муҳокамасига қайтсам...

Домламиз Лола Хўжаева (Ўзбекистон халқ артисти) сахнага чиқиб, қўлини пешонасига соябон қилиб мени излади (Мен орқа ўриндиқлардан бирида ўтирардим). «Қаердасан, Файбулла? Мен сени бир ачомлаб қўяй...» – деб ҳаммани кулдирди. Мен бўлсам гўё туш кўраётгандек бир ҳолатда эдим. Зал ўртасидаги йўлакдан отахон санъаткоримиз Зикр Муҳаммаджонов чиқиш эшиги томон келаркан, менга кўзи тушиб тўхтади. Кейин: «Файбулла, сени Онангнинг арвоҳи қўллади, укам!» – деди-да, чиқиб кетди.

Хуллас, спектакль яхши қабул қилинди. Шундан кейин театр етмиш-саксон марталар қўйилди. Лекин, мен ўз ролимдан ўша биринчи галдагидек қониқиш ололмадим. Ҳар ҳолда, менга шундай туюлади. Азиз дуоғўйим – муштипар Онажоним ҳақида ўйларканман, беихтиёр устоз Садриддин Салим Бухорий сатрлари ёдимга тушади:

Ҳар кимарса йўқолса, афсона бўлиб қолар,
Афсоналар қўйнига сен ҳам кетдингми, она?

Ҳар кимарса йўқолса, бегона бўлиб қолар,
Бегоналик кўйнига сен ҳам кетдингми, она?
Шамол силар бошимни, ёмғир тўқар ёшимни,
Шамолу ёмғир бўлиб ташриф этдингми, она?
Армон бўлмас, дегандинг, мен Ҳаққа етган замон
Ёки ўзинг айтгандай Ҳаққа етдингми, она?

Отанинг армони

Отани урушдан оёқларида темир парчаси билан қайтганлар, дедим. Бир сантиметрча бўлган ўша темир парчаси йиллар ўтиб, занглаб қонга аралашган ва жигарни ишдан чиқарган экан. Шу сабабли отани ётиб қолганди. Ўшанда мен институтни тамомлаш арафасида, давлат имтиҳонларини топшириб юрган пайтларим бўлган. Отани мени чалғимасин деб, то имтиҳонларимни топшириб бўлгунимга қадар хабар қилдирмаган. Муқаддам отани тиббиёт ҳамшираси эди. Институтда ўқитишга чоғлари келмай, тиббиёт техникумида ўқитишган эди. Мактабни аълога битириб, техникумда ҳам пешқадам талабалардан бўлган тиришқоқ, меҳнатсевар отани, вилоят марказий касалхонасида бош ҳамширалик даражасига ҳам кўтарилган эди. Отани чўпдай озиб кетганлар. Буни кўриб, отани йиғлабди, ўшанда 29 ёшларда бўлса-да, отанинг олдида ёш боладай ҳис қилади отани ўзини. Қизининг изиллаб йиғлаганини кўриб, отани юпатибди. «Қизим, нега йиғлайсан, унақа қилма-я, айб бўлади?» «Отани, қандай паҳлавон эдингиз-а!» «Эй, қизим-а, қанчалик озсам, шунча яхши. Эртага ўтсам, кўтарганларга малол келмайди, болам. Тобутим қабрга қараб қушдай учади. Болам, йиғлама, менинг армоним йўқ. Э, қанчадан-қанча норғул жўраларим жанг майдонида қолиб кетди. Танклар тагида эзгиланиб кетганлари қанча бўлди. Ҳаммасини ўз кўзим билан кўрдим. Мен бўлсам, қайтиб келдим. Сизлар пешонамда бор экансизлар, шукур. Манани сенинг, уканг Хайруллонинг

фарзандларини кўрдим. Файбулло уканг ўқишни битиряпти. Худо хоҳласа, энди изим йўқолмайди. Фақат бир армоним бор, қизим. Шунини айтмасам хотиржам кетолмайман, дебди. Шу... болам, сен 48-йилда туғилгансан. Онангнинг тўлғоқ туғилганда қўшни маҳалладан доя олиб келдик. Мен ҳовлининг бир чеккасида ўтирибман. Бир пайт ичкаридан чақалоқ йиғиси эшитилди. Ўрнимдан чопиб туриб кетдим. Лекин ичкарига киришим мумкин эмас. Доя кампир бир маҳал чикди-да, Неъматжон, муборак бўлсин, ота бўлдингиз, деди. Мен бўлсам, ҳовлиқиб: «Ўғилми?» – дебман-да. Чунки, мен нодон, биринчи фарзандим ўғил бўлсин, деб юриб эдим-да, болам. Доя кампир: «Йўқ, Неъматжон, қиз, ҳолва, ҳолва», – деди. Мен бўлсам: «Эвоҳ!» – деб юборибман! Ана шу битта гапим хато бўлган. Ношукурчилик бўлганда, Ўзи кечирсин. Сен қиз бўлсанг ҳам, юз ўғилнинг хизматини қилдинг менга. Қизим, яна бир армоним, сени институтда ўқитолмадим. Қўлим қисқалик қилди. Бўлмаса, катта дўхтир бўп кетадиган уқувинг бор эди. Ўқишининг медал билан тамомладинг. Шундан юрагим эзилади-да, болам... Ўша туғилганингда қилган ношукурчилигимдан ҳалигача тилим куяди. Шу гаплар ўзим билан кетмасин, деб айтаяпман-да», – деган экан.

Қумрабонтнинг қовуни

1977 йилнинг июнь ойлари эди. Битирув имтиҳонларини топшириб бўлдим-да, марказий телеграфга бориб, Бухорога қўнғироқ қилдим. Уйимизда телефон йўқ эди, қўшниларга қўнғироқ қилиб, онамни чақириб беринг, дедим. Чақириб келишди...

- Онажон, мени табрикланг, имтиҳоним тугади.
- Ҳаммаси тугадими, бачам?
- Ҳаммаси тугади.
- Қачон Бухорога келасан?

– Ўн кундан кейин битирув кечаси бўлади. Шунини ўтказиб, борсамми, деб турибман...

– Бачам, унгина сен бир келиб кетсанг. Отангни анчадан бери мазаси йўқ. Имтихонидан чалғимасин, деб сенга хабар беришимизга унамагандилар...

Аэропортга борсам, билет йўқ. Эртаси кун биринчи рейс билан учдим.

Отам ниҳоятда озиб кетган. Шу аҳволдаям, болам келди, энди туриб кетаман, деди. Ростданам, анча тетикланиб қолди. Мен кеча-кундуз ёнидан жилмайман. Дўхтирлар хулосасини эшитганман: оёқдаги темир парчаси қоннинг таркибини бузган, жигар шикастланган. Бу ёғи яқин... Юзларига термилиб ич-ичимдан эзиламан: ўғли ўқишни битириб, ҳали бир кун ишламасидан, томоша залида яйраб ўтириб, бирорта ролини кўрмасдан кетадиган бўлдиларми-а?!

Эсимни танибманки, отамнинг қўлида кетмон кўрганман. Токқайчи, ўроқ, паншаха кўрганман. Томорқамизда ҳаммадан бурун картошка, сабзи, пиёз етилиб турарди. Саратон бошидан кеч кузгача дастурхонимиздан отам етиштирган узум қанда бўлмасди. Қовун-тарвузни-ку, қўяверинг. Шуларни эслаб ўтирсам, дил ёриб қолди. «Шу... Файбулложон, Навметаннинг қовуни топилармикин...»

Ўйланиб қолдим. Бозордан ҳар куни сархил меваю ҳандалаклар келтирамиз, қайрилиб қарамайди. Навметаннинг қовуни ҳали бери бозорга чиқмайди. Нима бўлса-да, таваккал қилиб, Навметанга (отам туғилган қишлоққа) бормоқчи бўлдим. Йўлда бировнинг маслаҳати билан фикрим ўзгариб, Навметаннинг тепаси, уч чақиримча наридаги Қумработга қараб кетдим. Абдусаттор деган бригадирга учрадим. Отамни таниркан. Жиндай ширакайф экан, отамнинг аҳволини эшитиб, йиғлади. Кейин полиз бошига бошлаб борди. «Битта қовуним бор, лекин узишга ўн кун ҳаяли борда, – деди. – Хай, акам учун узаман», – деди. Полизни

оралаб кетди-да, катта бир қовунни кўтариб чикди. «Ма, акамга олиб бор, фақат узишга ўн кун бор эди», – деди қовунни тарс-тарс шапатилаб.

Отам «бисмилло» деб қовунни олди-да, аввал хидлади. Бай-бай, дея бошини сараклатди. Кейин чап қўлида тутганча, ўнг қўли билан тарс-тарс шапатилаб кўрди-да, менга қаради.

– Файбулловой, эшитяпсанми, нима деяпти?

Илжайиб елка қисдим.

– Ўн кун ҳаялим бор, деяпти.

– Шу қовундан қирқиб бердим, ярим тилик еди-да.

– Э, барака топ, ўғлим. Раҳмат.

– Ота есангиз-чи!

– Едим, хузур қилдим-ей, болам.

– Мана бу қовун Қумрабоннинг қовуни. Қумрабонга дуо кетган. Мен, болам, полизда ўсганман. Отам Мулло Ҳожи бир қовунлар экардиларки, кечаси чайлада ётсам, қовунларнинг тарс-турс ёрилгани ҳов бир чақирим наридан ҳам эшитилиб турарди...

Муҳтарам опамнинг тўйларида

1977 йил 14 июлда тўй қилдик. Иккинчи опам Муҳтарамани узатдик. Аслида тўй кузга мўлжалланган эди, дўхтирлар шоширибди, аканинг нарёғи яқин қолган, тезлаштиринглар, дейишибди. Тўй ҳовлида бўляпти. Отам ичкарида, каравотда ётганча деразадан кузатиб турибди. Ўзини тетик тутиб, таниш-билишлар билан бош ирғаб, саломлашган бўлади. Атайин хонага кириб келган яқин кадрдонлари билан чақчақлашади, кейин тезгина уларни ҳовлига – базмга чиқариб юборади. Мен хизмат қилиб юрибман-у, дам-бадам дераза томонга кўз ташлаб қўяман. Бир сафар кўзларимиз учрашганда отам мени имлагандай бўлди. Олдига учиб бордим. Лаббай, отажон! «Болам,

микрофонни олсангиз-да, битта Олимхоннинг (Олим Хўжаев демоқчилар) ҳалиги... Тушундим, ота, Навоий монологини айтаяпсиз. Ҳа, балли, ўшани айтиб берсангиз...» Айтдим. Машшоқлар мусиқа чалиб туришди. Мен «Куй, ғазал... оҳ, кайтадан тирнар ярамни...» деб, монолог бошладим. Тўйхонадагилар сув куйгандек сукутга чўмиб эшитди. Айтаяпман-у, отамнинг жикқа ёшга тўлган кўзларини хис қилиб турибман. Бечорагина отамни бир пайтлар Олим Хўжаевнинг ана шу монологини яхши кўришларидан фойдаланиб, мен ҳам ана шундай монологлар айтадиган актёр бўламан деб, розилигини олгандим. Мана энди, ўқишим битди. Эрта-индин сахнага чиқаман, деб турибман. Лекин, отажоним охират сафари ҳозирлигини кўриб турибди...

Микрофонни санъаткорларга топшириб, бир чеккага чиқиб турибман-у, отам томонга қарай олмайман. Бўлмади, қарадим. Қарасам, падари бузрукворим юзлари нурланганча жилмайиб турибди. Миннатдорлик билан бош ирғади ва дуога қўл очди. Шунда ишонасизми, мўъжиза рўй берди. Аввалига даврада ўтирган бир неча ёши катталар, кейин бутун тўйхона аҳли отам томонга ўгирилиб, қўлларини дуога кўтаришди...

Тоза тийнатли инсонлар фарзанди

Отамни тупроққа топшириб, юрагим хувуллаб, Тошкентга қайтганман. Театрнинг («Ёш гавардия» ҳозирги Ўзбек давлат драма театри) янги мавсуми бошланган. Эндигина иш бошлаган ёш актёр бўлсам ҳам, дастлабки кунлардаги жўшқинлигим йўқ. Рухсизман. Қандайдир ўзимга яқин дилкаш, ҳамдардга эҳтиёж сезаман. Шундай кунларнинг бирида гримхонада бир қизга кўзим тушди. Юрагим ниманидир сизди шекилли, гупиллаб уриб кетди. Нозиккина, оппоқ юзли, қош-кўзи қоп-қора, паст ва майин овозда гапирувчи, хотиржамгина қиёфали бу қиз биринчи кунданок тинчимни

ўғирлади. Ўша куніёқ спектаклдан кейин апил-тапил ташқарига чиқдим-да, йўлини пойладим. Бахтимга ёлғиз ўзи чиқди. Хадрадаги бекатгача суҳбатлашиб кетдик. Исми Насиба экан, Янгиободда тураркан.

Ишонасизми, ўшанда нари борса ўн-ўн беш дақиқа суҳбатлашдик. Шунинг ўзидаёқ овози ҳам, боқишлари ҳам мулойим, осуда табиатли бу қиздан нимадир топдим. Алланечук хотиржам тортдим. Одамларга, хаётга бўлган ишончим, қизиқишим қайта жонлангандай бўлди. Биласиз, кузда тез қоронғи тушади. Спектакль тугагунча алламаҳал бўлиб қолади. Аввалига Насибани Хадра бекатигача кузатиб юрдим. Бир гал автобус анча ҳаяллаб келди, қизни ёлғиз ўзини жўнатишни истамай, бирга кетдим. Янгиободда тушиб, эшигигача кузатиб бордим. Бу эса одатга айланди. Кейин мен ҳарбий хизматга кетдим. Хат ёзишиб турдик. Қисқаси, тақдирда бирга бўлиш битилган экан, 1979 йил 29 сентябрда Тошкентда, 6 октябрда эса Бухорода тўйимиз бўлиб ўтди (Тўйимизга боғлиқ айрим тафсилотларни кейинроқ келтириб ўтаман). Бир неча кун ўтиб Тошкентга қайтдик. Бошпанамиз «Ёш ижодкорлар уйи» деб аталадиган ётоқхонанинг саккизинчи қаватида эди. Бироқ, қайнотам бу ерда туришимизга унамади. Янгиободдаги ховлисига кўчириб кетди. «Катта ҳовли, қизларни чиқарганмиз. То ўзларингга бир ватан насиб этгунча (уйни ватан дейиш удуми бор-ку халқимизда) шу ерда бемалол яшайверасизлар деди...»

Қайнотам Бахтиёр Раҳматов, асли кашқадарёлик бўлиб, болалиги уруш йилларига тўғри келиб, кўп машаққатлар чеккан бўлса-да, одамохун, хушчақчақ, улфатчилик, ўйин-кулгини яхши кўрадиган, бағрикенг бир инсон эди. Қайнотамнинг отаси Раҳматжон Жўраев урушда, онаси офир касалликдан вафот этади. Эндигина ўн тўрт ёшга кирган бола Ҳикмат, Назокат деган сингиллари билан етим

қолади. Сингиллар етимхонага олиб кетилади. Қайнотамни ҳам уч марта Тошкентга, Болалар уйига жўнатишади, аммо у ҳар сафар иложини қилиб, Қашқадарёга қочиб кетаверади. Тўртинчи маротабасида эса уни Болалар уйигамас, Чкалов заводига ишга жойлаштиришади. Ана шундан кейингина ўжар болакай ишга қизиқиб кетиб, Тошкентда яшаб қолади.

Қайнотам билан бирга туғилиб ўсган ҳамқишлоқлари Қашқадарёдан тез-тез келиб турарди. Мен уларни кўрсам, худди раҳматли отамни кўргандай бўлардим. Одмигина кийинган, белборига филофдор пичоқ тақиб юрадиган, чапанисифат, хушчақчақ дехқон одамлар эди. Уларни кўриб қайнотам ҳам яйраб кетар, дарров ўчоқда ош дамлашарди, сўрида ёнбошлаганча болалик саргузаштларидан гурунглашиб, тонг оттиришарди. Табиатан жуда хушчақчақ инсон бўлган қайнотам меҳмонлари жўнаб кетиши билан хомуш тортиб, бир неча кунгача ўзига келолмай юрарди. Шундай кунлардан бирида хотирасида қолган бир воқеани сўзлаб берганди:

Қиш эди, ҳамма ёқ қор билан қопланган, жўралар тўпланишиб далага – картошкапояга чиқиб кетдик. Қор тагидан ер тимдалаб картошка изладик. Бировимиз битта, бировимиз тўрт-бешта топдик. Айримларимиз тополмадик ҳам. Кейин ўчоқ ясаб, қозонда қовуриб емоқчи бўлдик. Энди ёғ керак. Ёғ эса отликқа ҳам йўқ. Кейин нима қилдик денг, тракторга ишлатиладиган техник мой-автолга қовуриб еганмиз. Жонимиз темирдан эканми, мана яшаб юрибмиз, болам, деганди.

Ҳозир ўйлаб қарасам, бу инсонлар очлик, етимлик, иложсизлик бағрида вояга етишган, шу сабабли улар нафақат тенгқур дўстлар, балки жондош-қондош ака-укаларга айланиб кетишган экан-да.

Бир кун қайнотам: «Файбуллажон, сиз ош дамлашни биласизми?» – деб сўраб қолди. «Йўқ», – дедим. «Э, яхшимас, оилада қозон-товоқ аёлнинг иши, лекин ошни

эркак дамлаши керак, бунинг хосияти бошка», – деди. Кейин ўргатиб турди, мен ош дамладим. Шу кундан бошлаб уйда ош дамланадиган бўлса, Насибахонга дам бераман-да, ўзим ошхонага йўл оламан.

Бахтиёр ака қишлоқ боласи эмасми, миришкор эди, ерни яхши кўрарди. Заводдаги ишидан келдими, коржома кийиб, томорқага кирарди. Гулчилик билан шуғулланарди. Айниқса, нафақага чиққач, бу ишга қаттиқ киришиб кетди. Ёқуб ака деган бир тадбиркор оғайнисининг маслаҳати ва ёрдами билан гул савдосини ҳам йўлга қўйди. Ойда бир-икки марта Россия томонларга қатнайдиган бўлди. Албатта, у замонларда бунақа ишлар осонмасди. Ҳаммаси аэропорт хизматчилари билан норасмий шартнома асосида ҳал қилинарди. Шунга алоқадор бир хангомани сўзлаб берсам.

Бир сафар мен қайнотам ва шеригини кузатгани аэропортга чиқдим. Улар нима биландир ушланиб қолган пайтида мен вақтдан унумли фойдаланмоқчи бўлдим. Уларнинг йўл чишталари менда эди, чишталарни кўрсатиб, гуллар жойланган картон қутиларни ҳеч бир муаммосиз юкхонага ўтказиб юбордим. Юклар рақамлари ёзилган корешокни қайнотамга тутқазсам, хайратга тушди. «Э, шунақами, мен ҳар сафар биттасига уч юз сўм тутқазиб, ўтказтирардим, осон экан-ку!» – деди қувониб. Ўша кунги уддабурролигимдан рухланиб қайтдим-у, иккинчи сафар қовун туширишимга озгина қолди. Орадан йигирма кунлар ўтиб, яна мен уларни кузатишга чиқдим. Яна ўша кунги ҳолат. Самолёт юкхонасига гул қутиларини бериб юбордим. Йўловчилар кўпайганидан бир йўналишга, яъни Нижний Тагилга иккита рейс қўйилган экан. Мен бундан беҳабар биринчи рейсдаги самолёт юкхонасига қутиларни бериб юборибман. Бир пайт қайнотам типирчилаб қолди. Югуриб пастки қаватдан икки барваста одамни бошлаб чиқди. Улар

бўлса, ха, Бахтиёр ака, пулни тежамоқчи бўпсиз-да, деб тихирлик қилган бўлишди-да, улушларини олишгач, дарҳол ишга киришишди. Қутиларни қайтариб олиб чиқиб, кейинги самолёт юкхонасига жойлашди. Мен бўлсам изза тортганча бир чеккада серрайиб турибман, денг.

Шундан кейин қайнотам, энди Файбуллажон, мени кузатадиган бўлсангиз, юклар билан ишингиз бўлмасин. Бўлмаса, булар мени аэропортга яқинлатмай қўйишади, деганди ҳазиллашиб.

1983 йил октябрь охирлари эди. Театр жамоаси билан Қозонда гастролда эдик. Шароф Рашидов тўсатдан вафот этди. Буни эшитган қайнотам роса йиғлабди. Эртаси кун эса, негадир сафарга отланиб қолибди, чамамда Тошкентга сизмай қолган-да: «Хозяйка, иккимиз бир айланиб келайлик, сенга бир Масковларни кўрсатай», – дебди хотинига. Божаларим кейинги кун эрталаб, чол-кампирни поездга чиқаришибди. Икки кун поездда юриб, бир станцияда тўхташгач, қайнотам тушибди-да, бир буханка, битта батон нон олибди. Кейин юриб кетаётган поездга югуриб етиб олиб, осилиб чиқибди-да, купеда хавотирланиб ўтирган хотинига кулумсираганча нонларни тутқазибди. Кейин йиқилибди... Ўз оёғи билан поездга чиққан қайнотам орадан бир ҳафта нари-берисида рух тобутда Тошкентга қайтиб келди. Дафн маросимида тумонат одам йиғилди. Завод ишчилари, маҳалла-кўй аҳли. Кейин ҳам анчагача уйимиздан одам оёғи узилмади. Бир кун эшик тақиллаб қолди. Чиқсам, қайнотамнинг болаликдаги ўша беш нафар оғайниси. «Ўғлим, бир шум хабар эшитдик, шу ростми», – деди биттаси. Бош ирғадим. «Э, аттанг, аттанг», – дея ичкарига киришди. Дуойи фотиҳа қилишди. Кейин кўзғалишди. Овқат тайёр, бирпас ўтиринглар, дедик, унашмади. Йўқ, бошқа сафар, худо хоҳласа, эндиги сафар Бахтиёрнинг невараларини тўйларига келайлик, дея

бизларни дуо қилиб, кўзлари жикқа-жикқа ёшга тўлганча чиқиб кетишди.

Қайнотамнинг икки синглисига келсам: ака-сингиллар 1942 йилда бир-бирларини йўқотишган. У киши улғайиб, ўзини тутиб олгач, уларни тинимсиз сўраб-суриштиради ва ниҳоят, орадан роса ўттиз олти йилдан кейин дараги чиқади. Қизлар, яъни Насибанинг Ҳикмат, Назокат исмли аммалари тақдир тақозоси билан Марғилонга бориб қолишган, ўша ерда вояга етиб, уйлик-жойлик бўлиб кетишган экан. Аммаларни Насибанинг тўйида ҳам, кейин ҳам бир неча марта кўрдим. Ҳозир эса уларнинг фарзандлари дам-бадам йўқлаб туришади.

Энди қайнонам ҳақида гапирсам. Исми Фифат эди. Унинг ҳам ҳаёти енгил кечмаган. Отаси Сафо бобо қатағон қурбони бўлган, қамалган, қамокдан чиқиб бироз муддат яшаб вафот этган. Қайнонамнинг онаси, яъни момақайнонамни кўрганман, исми биби Фотима эди. Бева ҳолида беш фарзандни оёққа кўйган бу жафокаш аёл худди менинг Сиддиқа бибим каби жуда оқила, дуоғўй онахон эдилар...

Айтмоқчиманки, мен жуфти ҳалолим Насибадан шу чокқача фақат яхшилик, меҳр-оқибат кўриб келаётган эканман, бу ҳаммаси унинг палаги тозалигидан, бу норасо дунёнинг барча жабру жафоларини кўриб ҳам ўзлигини йўқотмаган, сабр-тоқатли, қалби тоза инсонлар зурриёти эканлигидан деб биламан.

Маҳалламиз момолари

Энди маҳалламиздаги момолар ҳақида... Ҳа, уларни эсламасам бўлмайди. Назаримда, уларсиз болалигим «қиссаси» чала-ярим бўлади. Э, муштипаргина момоларим-ей, моможонларим-ей! Бир чеккадан эшлашга уриниб кўрай-чи...

Биби Адиз деган момомиз бўларди. Адиз ўртоғимнинг бувиси, айланиб-ўргилиб гапирарди, доимо тийиксиз ўртоғимни излаб юрарди. Янгапошшо, Холапошшо, Ойтўти, Оймалика деганлари бўларди. Қизиқ, уларнинг асл исмини биз болалар (балки, катталар ҳам) билмасдик. Ҳа, яна бир онахон бўларди, эсласам, куламан, дилим равшан тортади. Шу десангиз, неваралари жуда кўп эди. Эркин, Аваз, Азим, Анвар ва яна бир қанча... ҳаммаси шумтакалар. Дераза синдирган, дарахт шохини қайирган, куш уясини бузган, мушук, кучукни қийнаган, жўралари билан ёқалашган. Бибижониси бўлса, ҳақми, ноҳақми, уларнинг ёнини олиб, мудом одамлар билан жанжаллашгани жанжаллашган эди. Шу боисдан, биласизми, нима дейишарди у кишини... Биби Война дейишарди. Уруш, жанжал бибиси дейишарди. Худо раҳмат қилган бўлсин, набираларини ҳаддан ортиқ яхши кўрарди-да, нима қилсин шўрликкина!..

Яна Тўта пошшо деган онахон ҳам бўларди. Ёши саксонлардан ўтган. Биласиз, у даврларда пахта терими мавсумида «Ҳамма пахта фронтига!» деган шиор ўртага ташланарди. Ёшми, кексами, эркакми, аёлми, ўқувчими, талабами – қараб ўтирмай теримга жалб қилинарди. Шундай талотум кунларнинг бирида Тўта пошшонинг эшигини тақиллатиб участка нозир келади. Нозир бу онахонни кексалиги, ҳассада юришини яхши билади, лекин пахта сиёсати нозик, буйруқни бажармаса бўлмайди. Нозир томдан тараша тушгандай: «Тўта пошшо, пахтага чиқинг!» – дебди. Онахон бўлса, бу таклифни бажонидил қабул қилиб: «Балам, жоним билан чиқаман, сиз айтасиз-у, о, ман чиқмайманми, балажон. Фақат битта илтимос, мелиса балам, манга учта бўз бала берасиз. Ман замбилга ўтираман, иккитаси замбилни кўтариб, жўякда юради. Учинчи бўз балангиз фартукни ёнимда ушлаб туради. Ман пахтани

териб, фартукка ташлайверамаман-да», – деган экан. Қаранг-да, онахоннинг зукколигини. Нозирни койиб бермади. Ақлинг, фаросатинг борми, демади. Лекин, ҳазиломуз йўсинда шундай боладикки, нозир яхшигина сабоқ олди бундан.

Яхши эслайман, момоларимиз бири биридан қўли ширин пазанда эди. Ошу овқатдан ташқари, ҳар хил пишириқлар, ҳолваю ширинликларни ким ўзариға мазали қилиб тайёрлашарди. Биргина мураббонинг ўзидан неча хилини санаб беришим мумкинки, ҳалигача уларнинг мазасини унутолмайман. Биттаси, масалан, анжирдан, бошқаси қизил ёки сариқ сабзидан тайёрларди мураббони. Яна бири олчадан, беҳидан ёки бўлмаса, наъматак гулидан қиём пиширарди. Кейин момолар бир-бири билан, ҳозирги тилда айтганда бартер қилишарди, мурабболарини алмашишарди... Уларни ўзаро йиғинлари, тўю томошаларни гуллатишларини айтмайсизми. Бухороча лапарлар, маврикалар... Занг бойлашлар. Аёллар зардўзи кийимлар кийиб, оёқларига занг (қўнғироқчалар) тақиб, доира чалиб, шунақа ажабтовур рақсларға тушишардики, қўяверасиз. Биз болалар томларға, дарахтларға чиқиб олиб томоша қилардик...

Энди Биби Алам деган момомиз ҳақида... Ўша даврларда кўчаларимизга шўровий номлар қўйиб ташланганди. Бизнинг кўчамиз Индустриалний, унинг орқа томондагиси Калинин деб аталарди (худога шукур, бугун уларнинг яна азалий номлари ўзига қайтди. Бири Хожай Порсо, иккинчиси Пойи Остона бўлди). 1920 йилги қизил босқиндан сўнг бизнинг гузаримизга ёндош Пойи Остонадаги катта бир бойнинг ҳовлиси мусодара этилиб, кўзи ожизларға артель қилиб берилган экан. Кўзи ожизлар пояндоз-шолчалар тўқишарди. Кўрпа қавишарди, ип йиғиришарди... Цех бошлиқлари эса кўзи очиклардан бўлиб, уларнинг ишларини кузатиб туришарди.

Ҳар замон-ҳар замонда ёши тўқсонларни қоралаган, мункайиб қолган бир онахон кўлида асо билан гузарда пайдо бўларди-да, албатта шу артелга кирарди. Кирарди-да, ҳамма хоналарга бирма-бир бош суқиб чиқарди, кейин ховлининг бир чеккасига бориб ўтирарди. Артелдагилар уни яхши кўрар, ҳурматини қилиб, дарров олдига чой, қанд-қурс қўйишар, тушлик пайтига тўғри келиб қолган бўлса, бир идишга овқатдан солиб беришарди. Онахон деярли гапирмас, гир айлана ховлидаги дов-дарахтларга, деразаларга маъюс кўз тикиб ўтира-ўтира кейин секин чиқиб кетарди... Кейинчалик билишимча, бу онахон бир замонлар шу хонадонга келин бўлиб тушган, умид билан бола-чақа ўстирган экан. Бу онахоннинг исмини Биби Алам дейишаркан. Фикри ожизимча, унинг бутун тақдири, фожиаси ана шу биргина Алам сўзи тагида яширинган. Қани энди ёзувчи бўлсам-у, мен бу аламнинг моҳиятини очиб беролсам...

Ана шу муштипар бибижон билан қисматдош яна бир онахонимиз бор эдики, уни ёши катталар уни Самаджон (Самаднинг онаси), ёшроқ, биз тенгилар Биби Самаджон дейишарди. Онахоннинг Самаджон деган ўғли бўлган экан, урушгача фельдшер бўлиб ишлаган, ҳали уйланишга улгурмасидан урушга олиниб, дараксиз кетган экан. Биби Самаджон бизга кўшни ховлида яшарди. Отам бибидан хабар олиб туришимиз учун ўрта девордан дарича очтириб қўйган эди. Паранжи-чачвонда юрар, фақат бизнинг оиламиздаги эркаклардан қочмасди. Қизик бир воқеа: кампирнинг жиянлари уни ёлғиз қолдирмаслик учун, ховлига эр-хотин дўхтирларни ижарага қўйишади. Улар бир куни «Рекорд» русумли телевизор сотиб олишади-да, онахонни ҳам томошага таклиф қилишади. Кампир келиб ўтиргач, телевизорни ёкишади. Бир маҳал экранда диктор (рахматли Ўктам Жобиров)

пайдо бўлиб, гапира бошлайди. Онахонимиз бўлса: «Э, бу номахрам мардак нега манга қараёпти» – деб, юзини яшириб чиқиб кетади. Ҳарчанд тушунтиришмасин, қайтиб хонага кирмайди.

1979 йил армиядан қайтдим. Келди-кетди тингач, бибидан хабар олгани даричадан ўтдим. Фира-шира қоронғи, юлдузлар кўрина бошлаган. Биби мени бағрига босди, погонларимни силаб, қош-кўзларига суртиб, тавоб қилди. Кейин осмонга, юлдузларга қараб нола қилиб юборса бўладими!.. «Тоқатим тоқ бўлди-ку! Кутавериб, чарчаб кетдим-ку! Энди келсинлар, келсинлар энди! Мана ҳамма келаёпти-ку! Келсинлар энди!..» Аъзойи баданим музлаб кетди-ёв ўзиям. Ҳалигача ўша нола қулоғим остида жаранглаб туради: Келсинлар! Келсинлар энди!..

Яна икки йилча яшадилар, чамамда, онахон. Жуда оғирлашиб қолганидан сўнг маҳалла катталари маслаҳатлашиб, Намоз ака деган кишини кампирнинг олдига киритишибди. Мана, Самаджон ўғлингиз келди, дейишибди. Мен келдим, онажон, мен Самаджонман, дебди Намоз ака ҳам. Кўзлари хира тортиб қолган Биби, Самаджон – ҳалиги одамнинг юз-кўзларини бир-икки сийпалабди-да, гапиришга ҳам чоғи келмай, жимиб қолибди. Аёлларнинг айтишича, онахоннинг бир эски маҳсиси ичидан моғорлаб кетган тахлам-тахлам пуллар чиқибди. Орасида 1961 йилдан олдинги эски пуллар ҳам бор экан. Муштипар онаизор ўғлининг тўйига ният қилиб, ўша арзимасгина нафақа пулларини ҳам ўзига ишлатмай, маҳсига тиқиб, асраб келган экан-да!..

Устозларимдан бири

Бобом Муҳаммад Сафо Бухорийни йўқловчилар орасида ижодга, адабиётга, санъатга, илму маърифатга алоқадор кишилар кўп бўларди. Шулардан бири, кейинчалик таниқ-

ли шоир, олим, таржимон, немис тили ўқитувчиси бўлиб етишган Садриддин Салим Бухорий эди. Садриддин аканинг жуда ёшлигидан – ҳали мактаб ўқувчиси эканлик пайтларидан бобомни тез-тез йўқлаб келгани, худди катта одамлардек, босиқ, вазминлик билан, ниҳоятда одоб сақлаб, унинг суҳбатларини тинглаб ўтирганларига кўп гувоҳ бўлганман. Бобомнинг ҳам унга меҳри бўлакча эди. Доим акам иккимизга: «Хайрулло, Файбулло, ана шу Садриддин акангни этагини тутинглар, унинг одобидан ибрат олинглар», – деб уқтириб ўтирарди.

1969 йил эди, чамаси. Ҳазрат Навоийнинг 525 йиллик юбилейлари ўтказилди. Мана шу юбилей олдидан ўтказилган тадбирлардан бири республика ёшлари ўртасидаги вилоятлараро телевизион мусобақа эди. Бухоро билан қайси бир вилоят ёшлари ўртасидаги мусобақада Садриддин ака ҳам-мани қойил қолдирди: Алишер Навоийнинг бир ғазалини 12 тилда – ўзбек, тожик, озарбайжон, турк каби тиллардан ташқари, инглиз, испан, француз тилларида ёддан айтиб берди. Шунда ҳайъат раиси устоз Ҳамид Сулаймонов Садриддин акани хурсандчилик билан тилга олиб, унинг чиқиши алоҳида бал билан тақдирланганини айтганди. Садриддин акани албатта ўшанда бобом ҳам кўрган, ўзида йўқ қувонган ва бизга яна таъкидлаб: Ана кўрдинглар, илм, одоб кишини нечоғлиқ улуғлайди. Мулло Садриддиндан қолманглар, деганлари кечагидай эсимда.

Садриддин Салим Бухорийни мен ўзимга маънавий устоз мақомида кўраман. Ҳозир ҳам қай бир йиғинда қатнашмай, кўлимда доим Садриддин аканинг китоби бўлади, қандай мавзуда гапирмай, ўз сўзимни у кишининг шеърлари билан асослайман.

Садриддин ака барчага ғамхўр, бағрикенг бир инсон эди. Оғир хасталикдан эндигина бош кўтарган пайтларим

Бухорога бордим. Шунда у кишининг мени йўқламаган куни бўлмади. Йўқлаганда ҳам албатта бирор ерга таклиф қилар, бирга бориб келишга ундарди. Бу ҳаракат билан у мени чалғитишга, кўнглимни ёзишга уринарди. Бир куни мени Мир Араб мадрасасини тугатган, бир мачитга имомлик қилаётган йигитнинг уйига олиб борди. Билсам, 30 ёшлардан ошган имом Ҳаж зиёратидан қайтган экан. Устозни ҳурмат билан давра тўрига ўтқазди. Мен ёнларидаман. Ҳожи йигит бошдан-оёқ ошпоқ либосда, Садриддин аканинг нариги ёнбошида ўтирарди. Аввалига устоз яхши кайфиятда ҳалиги Ҳожи билан гурунглашиб ўтирди. Кейин бирдан феъли ўзгариб, кетамизга тушиб қолди. Чикдик. Йўлда кетаётибди, юзи тунд. Гапиргиси келмайди. Сўрашга мажбур бўлдим. «Э, – деди қўл силтаб, – тақсиржон, бу нима деган гап? Ҳажга бориб келдим деб ўғил тўрда ўтирса, ота чой ташиб юрса. Бекор келибмиз. Ундан кўра китоб ўқисак, Лошага бориб, Темур акани зиёрат қилсак, савоб бўларди. Юз марта Ҳажга бориб келсаям, бу хизмат қилиши керак эди. Отасини, падари бузрукворини тўрда ўтқазиб кўйиши керак эди, ана бу ярашиқли иш бўларди... Ким айтади бунини мадраса кўрган, деб?!» Кейин билсам, меҳмонларга чой ташиб турган қария Садриддин аканинг кўзига иссиқ кўринибди-да, секин имомдан сўрабди: Ҳожи ака, отангиз кўринмайдилар, дебди. Имом чойнак кўтариб кирган қарияни кўрсатибди. «Э, тақсир, дебди Садриддин ака бу сафар Ҳожи дейишга оғзи бормай, мен бу отахонни хизматкорингизми, деб ўйлабман. Хай-хай-хай...» – деб бош ирғабди-да, суҳбатни чала қолдириб, фотиҳага қўл кўтарибди. Садриддин ака ана шунақа хушёр, тўғрисиўз, адолатпеша инсон эди раҳматли...

ТЕАТР – ТАҚДИРИМ

Устози аввалим

Шиша идишлар бўларди, 12 тийин турарди, биз шуларни йиғиб, 10 тийинга магазинларга топширардик. Йиққан пулимизга музқаймоқ (гарчи егимиз келса-да) емасдик. Кинога тушардик. Лаби Ховузда Садриддин Айний театрининг ёзги биноси бўларди, пойтахтдан Хамза, Муқимий театри гастролга борса, баъзан пул билан, баъзан яширинча концертга, спектакль томошаларига кирардик. Зангори экранда намойиш этиладиган томошалар, айниқса, устозларимиз Олим Хўжаев, Шукур Бурхонов, Наби Раҳимов, Сора Эшонтўраевалар иштирок этган спектакллари кўриб, юрагимга учқун тушди. Йўлдош Аъзамовнинг «Ўткан кунлар» киносини бир неча бор кўрсам ҳам тўймаганман, оқибатда, мен актёр бўламан, деган узил-кесил қарорга келганман.

Шаҳарда маданият уйи бўларди. У Мағоки кўрпа деган обида ичида жойлашган... ва Крупская номида эди... Шу ерда мавзудан озгина чекинсам: эътибор қилинг – Мағоки кўрпа ёдгорлигида маданият уйи жойлашган. Мир Араб мадрасасига ёндош улкан гумбазли обида эса кутубхона эди. Бирига, ҳали айтганимдек, Крупская номи, иккинчисига эса Павлик Морозов номи берилган. Майли, буларга чидаш мумкин. Лекин Масжиди Калондек табаррук жоменинг маданий ўғитлар омборига айлантирилганига нима дейсиз?! Устозимиз Садриддин Салим Бухорий китобларида ёзишларича, Истиқлолдан кейин Масжиди Калонда умумхалқ

хашари уюштирилган. Хашарда, хатто салкам бир аср умр кўрган уста Амин бобо (Ўзбекистон халқ ёзувчиси Неъмат Аминовнинг падари бузруквори) ҳам кўзларида шукрона ёшлари билан иштирок этганлар. Ва мана шу табаррук маскандан юздан ортиқ машинада ахлат – Шўро замони ахлати чиқариб ташланган экан!..

Қисқаси, маданият уйига борсам, Бухоро вилоят театрининг актёри ва режиссёри Азизжон Маҳмудов драма тўғарагини олиб бораркан. Еттинчи синфда эдим, адашмасам. Уч-тўрт синфдош гапни бир ерга қўйдик-да, шу тўғаракка қатнай бошладик. Азизжон Маҳмудов вилоят театрида Алишер Навоий ролини ижро этган, Тошкентдан Халқ артисти Олим Хўжаев келиб, спектаклни қабул қилган ва Азизжон Маҳмудовга оқ фотиҳа берган экан. Биз, ёшлар улуглар назарига тушган устозимизнинг этагидан тутиб, кичик-кичик сахна кўринишларини кўя бошладик. Вилоят театри томошаларини эса канда қилмасдан кўрардик. Ҳаммаси яхши кетаётган бир пайтда...

Ўша пайтда – етмишинчи йиллар, Шўро даври. Азизжон Маҳмудовнинг обрўси ошиб бораётгани айрим ҳамкасбларининг фашига тегибди-да, киши билмас, фитна уюштира бошлашибди. Азизжон Маҳмудов партия аъзоси, бир неча марта аъзолик бадали тўлашга борса, партком котиби турли баҳоналар билан тўловни орқага сураверибди. Бу иш атайин қилинаётганидан беҳабар содда устозимиз уч-тўрт ойни ўтказиб юборибди. Қулай фурсатни пойлаб юрган ғаламислар туйқусдан партбюро чақиришади ва бюрода Азизжон Маҳмудов масаласи кўрилади. У партия аъзоси деган номга муносиб эмаслиги, ўзига бино қўйиб, партия тартиб-қоидаларига беписанд қараб келганлиги аёвсиз танқид қилинади. Унинг иқтидори, ташкилотчилигини айтиб ҳимоя қилганлар гапи инобатга олинмайди. Охир-оқибат устозимиз партиядан ўчирилиб, ишдан ҳайдалади. Энг ёмони, бундай

адолатсизликни кўтаролмаган Азизжон Маҳмудов ўша куни инфаркт бўлиб, ўттиз олти ёшида вафот этади...

Азизжон аканинг турмуш ўртоғи Муборак опа ўқитувчи эди, бу адолатсизликнинг тагига етиш учун кўп ҳаракат қилди. Уч ойлар деганда қандайдир натижага эришди ҳам. Яъни, бу иш нотўғри бўлган экан, дея кимларгадир ҳайфсан берилиб, Азизжон Маҳмудов номи оқланди. Оқланди... Кимлардир ҳайфсан билан «сийланди»... Гўёки адолат тикланди. Аммо бу тикланган адолат ҳаётдан бемаврид кетган бир азиз жонни қайтара олармиди?!

Ўшанда биз, ёш йигитчаларга бу йўқотиш оғир ботди. Санъатдан совий бошладик. Бироқ, бир воқеа бўлди-ю... Устозимиз вафотидан кейин олти ойлар ўтиб, Ҳамза номидаги ўзбек давлат академик драма театри (ҳозирги Ўзбек Миллий академик драма театримиз) жамоаси вилоятимизга гастролга келди. Муборак опа кандакорларга буюриб, қадимий тоза мис баркашга «...театри жамоасига Азизжон Маҳмудов шогирдлари номидан эсдалик» деган мазмунда лавҳа ёздирибди. Шу ҳадяни уч-тўртта тенгқурларим билан сахнага чиқиб, пойтахтдан келган меҳмонларга тақдим этиш бахтига сазовор бўлдим. Театрнинг ёзги биноси пардаси очилиб, сахнада менга телеэкранлар орқали таниш бўлган аллома устозлар сафи кўринди. Кўриб турибман-у, кўзларимга ишонмайман. Бу воқеалар гўё тушимда рўй бераётгандек эди. Катта тантана ўрталарида бизга навбат етди. Сахнага чиқдик. Кимдир Азизжон Маҳмудов ҳақида: «Улуғ санъаткоримиз ўлмаган, у биз билан бирга яшаяпти», – деган маънода гапирди. Кейин бизни таништирди. Мен совғани бухоролик машҳур санъаткор – меҳмонга келган актёрлардан энг ёши улуғи – Ўзбекистон халқ артисти Саъдихон Табибуллаевга топширдим. Саъдихон ака бизни бир-бир кучиб, оқ фотиҳа берди. Ва шу тобда мен, ўз ҳаёт йўлим, келажак тақдирим

хақидаги фикрим қатъийлашганини ҳис этдим. «Актёр бўламан, устозим Азизжон Махмудов орзуларини рўёбга чиқараман!» – дея аҳд қилдим.

Мавриди билан отамга ниятимни билдирсам, отам бош ирғаб, «Э, болам, биз бир деҳқон одам бўлсак, юпунгина бўлсак, биздан қанақа артист чиқади», деганлар. Мен жимиб қолганман, кейин менинг аҳволимни кўриб: «Кўшиқ айтасизми, артист бўлиб», – деган. «Йўқ, дада, роль ўйнайман, Олим Хўжаев, Шукур Бурҳоновларни яхши кўрасиз-ку, ўшанақа артист бўлмоқчиман», – деганман жонланиб. Отам юмшаган ва: «Ундай бўлса, майли, тўрт-беш сўм атаб қўйганим бор, шунини бераман, Тошканга борасиз. Кирсангиз – толеингиз. Бўлмаса, кейинги йил ихтиёрингиз менда бўлади, ошпазликка ўқитаман», – деган. Камбағал одамни усти бут, қорни тўқ бўлса, бўлди-да.

Сайфилло Бекназаров деган ўртоғим билан Тошкентга қараб самолётда учганмиз...

Имтиҳон

Биринчи имтиҳон маҳоратдан эди. Узун, ярим айлана стол ортида йигирма чоғли одам тизилиб ўтирибди. Уларнинг орқасида иккита прожектор абитуриентга қаратиб қўйилган. Шу боисдан абитуриент имтиҳон қилувчилар юзини аниқ кўролмайди. Лекин имтиҳон топширувчи бутун суврат-сийрати, хатти-ҳаракатлари билан кўзга ташланиб туради. Унга рақс, вокал, сахна нутқи, ритмика, санъат тарихи ва ҳоказолардан тегишли домлалар саволлар беришади.

Шу ўринда ўзимга тегишли бўлмаган бир хангомани айтиб ўтсам. Водийлик бир йигитчани машҳур дубляж устаси, раҳматли Омон ака Абдураззоқов сўроққа тутибди.

- Ичасанми? – дебди.
- Йўқ, – дебди йигит шартта.
- Чекасанми?

– Йўқ.

– Ҳеч бўлмаса, чиройли қизларга қарарсан?

– Йўқ, домла, – дебди яна ҳалиги йигит, – қарамайман.

Омон ака шунда сабри тугаб:

– Э, одам-подам эмас экансан-ку, – дебди жаҳлланган бўлиб.

Ўзим ҳам маҳоратдан имтиҳон топшираётганимдаги бир ҳолат ҳамон эсимда. Институтнинг ўша пайтдаги ректори, профессор Ҳамид Абдуллаев кириб келиб, менинг жавобларимга қулоқ солиб турибди-да, бир чеккада қоғоз қоралаб ўтирган котиба қиз – Мунаввара Абдуллаевага, «келаркану, пичоққа илинадиганлар», дебди (Буни кейинчалик Республикада хизмат кўрсатган мураббий, таниқли режиссёр ва актриса бўлиб етишган Мунаввара Абдуллаева опамизнинг ўзидан эшитдим).

Саволларга жавоб бериб бўлдим-у, кейин шоир Душан Файзийнинг «Онажон» деган поэмасини айтиб бердим. Тугаллашим билан Ҳамид Абдуллаев савол берди:

– Йигитча, сен қаердансан? – деди.

– Бухороданман, – дедим мақтов эшитишга чоғланиб.

– Э, Бухорони шарманда қилдинг-ку, – деди домла мени анг-танг қолдириб. – Имтиҳонга ҳам шунақа тайёрландими?!

Ўзимни йўқотиб, гангиб қолдим: демак, йиқилибман!

Тарвузим қўлтиғимдан тушиб, ортга қайтдим.

– Майли, ҳозир аэропортга бораман-у, Бухорога учаман, – дедим ошқора алам билан. Ортимга қарамай, эшикдан чиқиб кетдим. Анча нарига бориб қолганимда орқамдан бир қиз ҳой-ҳойлаб келяпти.

– Ҳой, бухоролик йигит, Файбулла, тўхта укажон!

Қарасам, Мунаввара опамиз.

– Ие, қизиқ экансан-ку, – деди у ҳаллослаб етиб келиб. – Имтиҳондан аълога ўтдинг. Ректоримиз ҳазиллашдилар!..

Илк қадам

Театрга ишга ўтиб, биринчи ўйнаган ролим Мар Байжиев (қирғиз драматурги)нинг «Тўй муборак, қариқиз» спектаклидаги дирижёр, бастакор йигит бўлди. Мени бу ролга тайёрлагунча Ўзбекистон халқ артисти Бахтиёр Ихтиёровнинг бўлари бўлган эди.

Гап шундаки, икки соат давом этадиган томошада бор-йўғи учта персонаж иштирок этарди. Келин (Назира Абдувоҳидова), йигитнинг онаси (Ширин Азизова), мен – бош ролдаман, асосий вазифа менинг зиммамга тушган. Узундан-узун монологлар... Қизиғи шундаки, узун монологларни бир-икки репетицияда ўзлаштирардим. Лекин қисқа диалогларда Бахтиёр акани қийнаб юборардим. У кишининг одати – жаҳли чиқса, бошидаги ондатраданми, норкаданми бўлган телпагини олиб ерга урарди. «Хов, бола, сенга шу ролни берган мен аҳмоқнинг!.. – деб фифони чиқарди. – Қизик, бир бетлик, икки бетлик монологларни шариллатиб ташлайсану, нега бу кичкина нарсаларни эплотмайсан? Ўлай агар, сендақасини кўрган бўлсам! Ҳамма нарсани тескари бажарасан-а!»

Хуллас, уч ой деганда томоша тайёр бўлди.

Премьерага тумонат одам йиғилди. Аксарияти казо-казолар. Театршунослар, машҳур актёрлар... Кинорежиссёр Йўлдош Аъзамов, Латиф Файзиевлар... Муаллиф Мар Байжиев ҳам хотини билан келган эди. Томоша бошланишига санокли дақиқалар қолганда нима бўлди-ю, аъзойи баданимни совук тер босиб, титрай бошладим. Кулизда турибману, ўзимни босиб ололмайман. «Энди нима бўлади?!» деган даҳшатли хаёл миямда қотиб қолган. Кимдир аҳволимни билиб қолибди-да, Бахтиёр акага етказибди.

Бир маҳал шундоққина орқамдан «Ҳа, Ғайбаш!» деган овоз келдию, чўчиб ўгирилдим. Бахтиёр ака кулумсираб турибди:

– Гап бундай, укажон, бугун сен сахнага илк қадамингни кўясан. Кўз олдинга келтир: бу сахна Ҳамза театриники эди. Тўғрими? Аброр ака, Шукур акалар шу сахнада ўйнарди. Икки ой муқаддам дунёдан ўтган Олим ака – Олим Хўжаев ҳам Навоийни, Отеллони худди шу ерда қотириб ўйнаган. Тўғрими? Энди бу сахна сеники, сиз ёшларники! Кўркма, Аброр ака, Олим акалар руҳи кўллайди сени. Қани, омин!.. Вперёд!

Ишонасизми, қаердан бунча куч-қувват келди – билмайман, парда очилар-очилмас сахнага отилиб чиқиб кетдим. Икки соатлик спектакль давомида ўзимни қандай тутдим, ролимни қандай ижро этдим – эсимда йўқ. Аммо ўша кунги дам-бадам гуриллаб турган қарсақлар, олқишлар ҳамон қулоғим остидан кетмайди.

Муҳокама қизғин ўтди. Асосан мактовлар... Тадбир тугагач, машҳур бастакор Мутаваккил Бурҳонов мени бағрига босиб табриклади-да, дуо қилди. Кейин, биттагина танбеҳим бор, ўғлим, деди. Сен дирижёрлик қилаётганигда бир оёғинг йиғирма сантиметрча орқада турибди. Аслида, улар тенг туриши керак эди, деди. Мен бунинг сабабини тушунтироқчи бўлиб оғиз жуфтлаган эдим, Бахтиёр ака билинар-билинмас бош ирғади. Гап шундаки, сахнанинг мен турган ери қиялик бўлиб, оёғимнинг бирини орқароққа олмасам мувозанат сақлаш қийин эди. Шунини айтмоқчи эдим, Бахтиёр аканинг ишораси билан изоҳдан тийилдим. Ва бу ҳам менга сабоқ бўлди. Улуғ инсонлар олдида майдалашишдан кўра сукут сақлаб, уларнинг ҳурматини ўрнига қўйиш маъқул экан.

Мен сўзнинг қудратига, унинг сеҳрига ўша илк қадамимда, парда ортида ўзимни йўқотиб, довдираб турганим паллада тан берганман.

Майсаранинг «қалтис» иши

1985 йил.

Собиқ «Ёш гвардия», яъни ҳозирги Ўзбек давлат драма театри биноси роса бир ярим йиллик таъмирлаш ишларидан сўнг қайтадан фойдаланишга топширилди. Унгача умримиз гастролда ўтди. Республикамизнинг ҳамма вилоятларида бўлдик. Бир томондан яхши бўлди, обдан чиниқдик, юрган дарё деганларидек, юртимизнинг энг чекка масканларигача оёғимиз етди, кўрдик, билдик, танишдик, танилдик.

Бош режиссёримиз Баҳодир Йўлдошев сахналаштирган «Майсаранинг иши» комедияси премьераси Россияда, Қозон шаҳридаги театрда ўтди, десам, ишонасизми?.. Ҳа, шундай бўлди. Боз устига, мезбонлар илтимоси билан, у курама тилда – русча, ўзбекча қилиб тайёрланди. Гап шундаки, ўттиз ёшгача бўлган татар ёшлари она тилларини билмас эканлар. Шуларни ҳисобга олиб, томошани асосан русча, сўз келмай қолган ўринларида ўзбекча сўзларни аралаштириб ўйнашга мажбур бўлгандик. (Буям ўша давр фожиаси – маҳаллий миллатлар ўз тилларини йўқота бошлаган, бу жараён айниқса Россиянинг «бағрида» бўлган татар, бошқирдлар орасида кучли сезилаётганди.)

Театримиз биноси таъмири битгач, биринчи бўлиб «Майсаранинг иши» спектакли ўйналди. Майсара ролини Ширин опа (Ўзбекистон халқ артисти Ш.Азизова) ижро этган, мен Мулла Рўзи Аълам ролида эдим.

Парда очилиб, сахнага кўлида тутаб турган исириқли хокандоз билан Ширин опа (Майсара) чиқиб келди. Ширин опа ўзича «импровизация» қилиб, «О, хуш келибсиз, азизларим, қаранг, қандай ажойиб қаср бунёд бўлибди. Илоҳи, янги қасримизга кўз тегмасин, сизларга ҳам кўз тегмасин...» деган гаплар билан сахнани айланиб чиқдилар. Кейин томоша бошланди.

Ана шу нарса эртаси кунги катта шов-шувга сабаб бўлди. Исириқчи Майсара райкомга таклиф этилди. Каттиқ тортишувлар бўлди. Сал қолди актрисамиз унвонидан ажралишига. Баҳодир акаям каттиқ огоҳлантирилди.

Ҳозирги кунимизда шунақа воқеаларни эсласанг, ҳам кулгинг қистайди, ҳам йиғлагинг келади...

Баҳодир аканинг сабоқлари

Бу 1986 йилги воқеа...

Драматург Ҳайитмат Расулнинг «Узун кишлок» пьесаси асосида сахналаштирилган спектакль муваффақият билан ўйналиб турган кунлар. Мен кичик бир ролдаман. Бир куни кечга яқин спектаклдаги марказий роллардан бирининг ижрочиси Рустам Каримов (Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист) бетоб бўлиб қолгани, томошага келолмаслиги маълум бўлди. Чипталар сотилган, томошабинлар йиғила бошлаган!.. Нима қилиш керак?.. Ҳамманинг боши қотиб турган бир пайтда менинг «қахрамонлигим» тутиб қолди: «Шу ролни мен ўйнаб бера қолай», дедим. Режиссёримиз Баҳодир Йўлдошев «ҳазиллашмаяпсанми?» дегандек бир қараш қилди. «Ҳа, Баҳодир ака, ўйнайман, деярли ёддан биламан Рустам аканинг ролини», дедим.

Хуллас, икки соатлик томоша яхши ўтди.

Томошадан кейинги кундаги жамоа йиғилишида Баҳодир ака менга раҳмат айтди. Айтди-ю, кейин... «Ғайбулла бизни вазиятдан қутқарди. Лекин айнан унинг ўзи бизни бундан кейин бундай қилмаслигимиз кераклигини исботлаб берди. Айб ундамас, айб менда. Мен рухсат бермаслигим, томошани қолдиришим керак эди», – деди. Унинг фикрича, бу ишимиз сахнага, санъатга, энг аввало, томошабинга нисбатан одобсизлик, ҳатто, хиёнат эди. Очиғи, ўшанда

мен унчалик тушунмаган эдим бу гапга. Чунки, назаримда, ўйиним яхши чиққан, бирор сўзда янглишмаган, ҳатто айрим ўринларда «импровизация» қилиб, томошабинни гур-гур кулдирган ҳам эдим. Кейинчалик тушуниб етсам, Баходир ака томошага юксак назар билан қараган, нималардандир кўнгли тўлмаган ва менга, биринчи навбатда, «алданиб» ўтирган томошабинга ҳам раҳми келган бўлиши керак. Ҳа, айтмоқчи, ўшанда бир образли гап қилганди: «Бу ишимиз таҳоратсиз намоз ўқиш билан баравар бўлди!..» – деганди. Баходир аканинг ҳар бир гапида хикмат, бир сабоқ бўлар, бу эса, айниқса, биз – ёшларнинг ижодимизда жуда асқатарди. Масалан, у: оз куч сарфлаб, кўп иш қилишни маслаҳат берарди. Шошилманг, ўринли-ўринсиз кераксиз сўзларни ишлатманг. Оз гапиринг, ўрни билан сукут сақлаш орқали фикрингизни ифодаланг, дерди.

Буюклар мардлиги

Шукур ака сахнага чиқадиган кун театрда бошқача бир рух ҳукм сураб эди. Ҳамма ёк озода, тартибли. Бирорта ортикча одам тимирскиланиб юрмас, иш билан юрганлар ҳам паст овозда гаплашар, одоб сақлашар экан. Шукур ака кечки еттиларда бошланадиган спектаклга соат иккидан келиб, сахнада, кулисида айланиб юраркан.

Ўша куни Ўлмас Умарбековнинг «Қиёмат қарз» (режиссёр Рустам Ҳамидов) спектакли репетицияси бўлаётган экан. Режиссёр ассистенти Абдувоҳид Норпўлатов бир чеккада суфлёрлик қилиб, Шукур акага сўзларини эслатиб турибди. Негадир Шукур ака шу куни сўзларни илғай олмай, ҳаммани қийнаб юборибди. Репетицияда халқ артистлари, хизмат кўрсатган артистлар ҳам иштирок этаётган бўлса-да, ҳеч ким бир нарса деёлмасмиш. Ҳамманинг дами ичида. Бош роль ижрочиси бўлса, негадир паришон,

ролини қойиллатолмаяпти. Шунда нима бўпти денг! Ҳалиги суфлёрлик қилаётган ёшгина йигит Абдувоҳид тақ-туқ қилиб, сахнага чиқиб келибди. Қўлида сценарий. Ҳамма, шулар қаторида бир чеккада асабий ўтирган Шукур акаям унга хайрон бўлиб қарабди. Гавдаси чоғроққина Абдувоҳид бўлса овозини баралла қўйиб: «Сиз бугун репетицияга тайёр эмассиз, Шукур Бурҳонов!» – деб бақирибди-да, қўлидаги қоғозларни столга шарқ этиб урибди. Кейин қўлини орқасига қилиб, ҳеч кимга қарамай, тақ-туқ, тақ-туқ қилиб сахнадан чиқиб кетибди. Эшик шарақлаб ёпилибди. Ҳамма ёқ сув қуйгандек жимжит бўлиб қолибди. Ҳеч ким ҳеч нарса деёлмасмиш, барча юрагини ховучлаб ўтирганмиш. Бир маҳал, Шукур ака ўрнидан турибди. «Оббо, – дебди одамлар ўзича, – Абдувоҳид тамом бўлди!»

Ҳақиқатан ҳам, бор-йўғи кичкина бир ассистент Шукур акадай одамга кўпчилик олдида бақириб беришини тасаввур қилиб кўринг-да! Бунинг устига ўз ўғлидай кўриб, ҳамиша ёнида олиб юрган, ишонгани юзига сапчиб турса-я! Яна кимсан – театрнинг устунни бўлган буюк актёрга! Бу бориб турган шаккоклик эмасми!..

Шу вақт кутилмаган воқеа содир бўлибди. Шукур ака ўрнидан туриб, секин стол олдига келибди-да, сценарийни қўлига олибди, кейин Абдувоҳид ҳозиргина шарақлатиб ёпиб чиқиб кетган эшикка қараб: Ийе!.. Ёмон қилди-ку! Ийе!.. – дебди ва «ҳимм» деганча столига қайтиб бориб ўтирибди-да, тан олиб бош ирғабди: лекин тўғри қилди, бугун формада эмасман!..

Устоз ибрати

Устозимиз Олим Хўжаев хонадонларига Бухородан меҳмон келибди. Шу куни театрда Олим ака «Алишер Навоий» спектаклида банд эканлар. У пайтлар томошалар

кеч соат 10–11 ларга қадар ҳам давом этган. Меҳмонлар Олим акани соғинишган, йўлдан чарчаб келишган бўлишса-да, у кишини кўрмасак ухламаймиз, деб чақчақлашиб вақт ўтказиб, кутишибди. Бир маҳал эшик қўнғироғи жириглабди. Шоҳида опа эшик очибдилар. Олим ака кўринишлари билан меҳмонлар ўринларидан даст кўзғалиб, у кишига пешвоз чиқишибди-да, такқа тўхташибди. Сабаби, Олим ака уларга бепарво бош ирғаб, ётоқларига ўтиб кетибдилар.

Меҳмонлар ажабланишибди, изза тортишибди. Ҳар ким турли хаёлда уйқуга кетибди.

Тонг азонда, меҳмонлардан бири ётоқдан чиққан захоти Олим акага дуч келибди. Олим ака:

- Абдумалик, жиян, ўзингмисан? – дебди бирдан.
- Ўзимман, тоға, – жавоб берибди меҳмон.
- Қачон келиб эдинг? – сўрабди Олим ака.
- Кеча номозшомда, – дебди жиян.
- Нега мен билмайман, Шоҳида бу ёққа қара, жиянлар келибди-ю, мен беҳабарман, – деб сўрабди актёр аёлидан.
- Ҳа, улар йўлдан чарчаб келиб, ухлаб қолишганди, шунга кўзим қиймади уйғотгани, – дебди Шоҳида опа.
- Тўғри, тўғри қилибсан. Йўл азоби оғир. Қани жиян, яна кимлар келишди... Бошла-чи... – деб ҳол-ахвол сўрай бошлабди Олим ака...

Шоҳида опа (Ўзбекистон халқ артисти Шоҳида Маъзумова)нинг гувоҳлик беришларича, Олим ака ўз ролларига, хусусан, Алишер Навоийга шунчалик куч-қувват, қалб ҳароратини сарф қилар эканки, томошадан кейин бутунлай бошқа Олим Хўжага айланиб қоларкан. Кўзлари кўриб туриб кўрмайдиган, кулоқлари эшитиб туриб эшитмайдиган даражада беҳол бўлиб уйга қайтаркан.

Дарҳақиқат, сахнада туриб, томошабинга нимадир юктиришнинг ўзи бўлмайди-да.

Устоз назарига тушганим ва...

Ҳали талабалик даврларим эди. Бир неча курсдошлар ўзаро келишиб, устозларимиз аралашуви билан, албатта, Ҳамза театри (ҳозирги Ўзбек Миллий академик драма театри) спектакллари оммавий сахналарида қатнаша бошлагандик. Бир куни устозимиз – Ўзбекистон халқ артисти, профессор Назира Алиева мени ёлғиз учратиб, айтиб қолди: Файбулла, сиздан хурсандман, Олимхон (Олим Хўжаев)нинг назарига тушибсиз, у киши сизни бўладиган болага ўхшайди, деди (Назира опа ҳеч кимни сенламасди). Олимхонни биладан, кимга меҳри тушса, албатта ўз қанотига олади, ўзи тарбия қилади. Агар билсангиз, бу сиз учун катта омад, чунки Олимхон, нафақат машҳур актёр, балки Ўзбекистон театр арбоблари жамиятининг раиси, отахон бир театрнинг директори, дасту узун, бағрикенг инсон...

Дарҳақиқат, Назира опанинг гапида жон бор эди, ростдан ҳам Олим Хўжаевдек буюк актёрнинг илик муносабатини пайқай бошлагандим (Ҳа, Олим ака яна: «Назихон, шу бухоролик шогирдингиз менга ёшлигимни эслатади. Мен ёшлигимда у каби баланд бўйли, озғин, хушрўйгина йигитча эдим», – дея ҳазиллашган экан). Албатта бу гаплардан қанчалар қувонганим, кўнглим жуда ҳам кўтарилиб кетганини таърифлаб беролмасам керак. Бирок, қувончимнинг умри қисқа бўлди...

Буюк актёрнинг бевақт вафоти ўзбек театри, ўзбек санъати учун оғир йўқотиш бўлди. Ўшанда институтнинг сўнгги курс талабасиман, тумонат одам орасида дафн маросимида қатнашарканман, шу қадар ҳаққоний таърифлар эшитганманки, ҳали ҳануз унутолмайман: Ҳазрат Навоий иккинчи марта вафот этди, дейишган. Бу гаплар оддий одамлар, оддий мухлислар эътирофи эди...

Ким билсин, устоз ҳаёт бўлганида воқеалар хийла бошқача кечган, институтни битириб отахон театрда иш бошлаган бўлармидим... Бироқ, барибир Олим Хўжаев устознинг ниятига фаришталар омин деган экан, чамаси, орадан ўн бир йил ўтиб бу ният рўёбга чиқди.

Бир кун Санъат ака (Ўзбекистон халқ артисти, «Ёш гвардия» театри директори Санъат Девонов) мени кабинетига чақириб, бир таклиф айтиб қолди: «Ғайбулла укам, албатта сизни қўлдан чиқаргим келмайди. Лекин Латиф акангиз (Ўзбекистон халқ артисти, Ҳамза театрининг бош режиссёри Латиф Ғайзиев), бизга ишга ўтсин, деб илтимос қиляпти. Катта даргоҳ, сизнинг ўрнингизда бўлганимда мен йўқ демасдим», деди елкамга қоқиб. Албатта, менам йўқ деёлмадим.

Санъат ака ўша куни мени, Маҳмуд Исмоилов, Шоҳида Исмоилова ва Рустам Каримов – тўрталамизни ўзининг «Волга» машинасига ўтқазиб, тўғри Маданият вазирлигига олиб борди. Биз қабулхонада қолдик, Санъат ака ҳужжатларимизни вазир (адашмасам раҳматли Ўлмас Умарбеков) олдига олиб кириб кетди. Кўп кутмадик, вазир суҳбатига ҳам киришимизга ҳожат қолмади, Санъат ака жилмайиб чиқиб келди. Министр имзо чекди, ишларинг ҳал бўлди, деди. Қизиғи шундаки, орадан ўн беш кун ўтиб, Санъат аканинг ўзи ҳам Ҳамза театрида директор вазифасида иш бошлади.

Зикр ака ҳақидаги ўйларим

Зикр ака ҳақида гапирганимда, ҳозирги тушунчаларим, дунёқарашимдан келиб чиқиб айтаманки, Зикр ака ўта вақтнинг қадрига етадиган инсон бўлган. Театрда спектаклларда банд бўлишига қарамай киноларга тушган, дубляжга овоз берган, радиопостановкаларда қатнашган,

ундан ташқари, давлатнинг катта-катта тадбирларида иштирок этган ва ҳаммасига улгурган. Бунинг устига газета, журналларда тез-тез чиқишлар қилиб турарди. Кейин беш-олтига катта-катта китоблар ҳам ёзди.

Йилига бир-икки марта, ўшандаям болаларининг қистови билан санаторийда даволаниб чиқарди. Ўша ердаям дам олишим, даволанишим керак деб оёқ узатиб ётавермас, ижод билан шуғулланар, ора-сирада дўхтирлардан рухсат олиб, радио-телевиденида бўладиган эшиттириш-кўрсатувларга қатнашиб ҳам келар экан. Бундай дейишимга сабаб, 1995 йилда «Ўзбекистон» телеканалида мен ҳақимда портрет-кўрсатув тайёрланди. Кўрсатув ижодкорлари, Зикр ака ҳам чиқсалар яхши бўларди-да, лекин... санаторийда эканлар, иложи бўлармикан, дейишди. Сездимки, ўзимдан илтимос қилишмоқчи. Йўқ деёлмадим. Қолаверса, ўзим ҳам иччимдан хоҳлаб турардим буни, сабаби мен ҳақимдаги биринчи мақолани Зикр ака ёзган эди. «Чинобод»га бордим. Хиждолатлик билан бир қадар тортиниб илтимосимни айтдим. Устоз, шунақа-шунақа гаплар, лекин сизга айтолмай, ўзимдан илтимос қилишди, дедим. Хўп, соат неччида боришим керак, деди Зикр ака одатий чўрткесарлиги билан. Эртага иккида экан, дедим. Бўпти, бораман. Мен машинада келиб олиб кетаман, устоз, дедим тўлқинланиб. Йўқ-йўқ, укам, машинангни кераги йўқ. Сен у ерда банд бўласан. Мен ўзим роппа-роса бир яримда телестудия эшиги олдида бўламан, деди масалага нуқта қўйиб. Эртаси куни айтган пайтида шу ерда бўлди...

2000 йилнинг қишида Зулфия синглимни турмушга узатдик. Бахтимга театримизнинг бир гуруҳ актёрлари айнан ўша кунлар Бухорода гастролда эдилар. Варахша меҳмонхонасига бориб, ҳамкасбларимни наҳор ошига таклиф қилдим. Қиш пайти, ҳаво совуқ. Ошга Маҳмуд Исмоилов, Абдурайим



Мулла Ҳожи
(бобоси)



Муҳаммад Сафо Махсум
Бухорӣ (бобоси)



Неъматжон Мулла Хожии
Ўғли (отаси)




Музайямахон Мухаммад
Сафо Махсум қизи
(онаси)



Актёрнинг болалиги



Азизжон Махмудов
(биринчи устози)




Мухаммад Сафо Махсум Бухорӣ неваралари
Файбулла ва Зулфия билан



Ғайбулла Хожнев (ёш актёр)



Ғайбулла Хожневнинг бухоролик устозлари




«Алғул юлдузи» асари
Амир Шох Валийбек ролида



«Абулфайзхон» драмаси
Ҳакимбий оталик ролида



«Қаллиқ ўйини» спектакли
Мулла бува ролида




Ғайбулла Хожиев Садриддин Салим Бухорий билан



Ўзбек Миллий академик драма театрининг 100 йиллик байрамида олинган сурат



Ғайбулла Ҳожиев рафиқаси Насиба билан



Актёр оила даврасида: ўғли Равшан,
набираси Алишер ва умр йўлдоши



Ғайбулла Ҳожиев кизи Зарина ва умр йўлдоши
Насиба билан

Абдувахобов, Фатхулла Маъсудов... ҳаммалари келишди. Лекин саксонни қоралаб қўйган Зикр акам ҳаммадан бурун келиб турибди десангиз тўйхона олдига... Зикр ака ошдан чиқаётиб, мени қўлтиғимдан олди-да, четга бошлади. «Энди Файбуллажон, битта иш қилсак, – деди. – Менга бир лаган ош оберасан, шу Хожа Порсо мадрасаси орқасида устоз Саъдихон ака (С.Табибуллаев)нинг жияни, саксондан ошган Муҳаммаджон маҳсидўз туради. Оддий косиб, лекин чиройли овози бор, дотор чертиб ашула ҳам айтади. Шу одамни бир зиёрат қилиб чиқишим керак», – деди. Зикр ака ана шунақа хокисор, меҳр-оқибатли инсон эди, насихат қилмасди, ҳар бир хатти-ҳаракати, гап-сўзининг ўзи насихат, ибрат эди.

Зикр аканинг кўпчилик яхши биладиган одати – у шаҳар ичида деярли транспортга чиқмасди, яёв юрарди. Иши ўнда бошланса, уйдан еттида чиқарди. Уч-тўрт бекат юриб бир танишиникига, яна шунча йўл босиб бошқасиникига бош суқар, йўл-йўлакай кадрдонларни йўқлаб, зиёрат қилиб, кўнгил сўраб ўтарди. Охирида Хожа Аҳрор масжиди орқасидаги темирчилик устахонасига кирар, Мақсуджон ҳожи отанинг қўлидан бир пиёла чой ичар, бир-икки оғиз гурунг бериб, кейин Ўзбек давлат драма театри ёнидан ўтиб, Миллий театрга келарди. Устоз ҳар бир кунни ана шундай фаол бошларди.

2002 йил Зикр аканинг 80 йиллик юбилейлари юртимизда кенг нишонланди. Тошкентдаги асосий тантанали тадбирдан аввал деярли барча вилоятларда юбилейолди учрашувлари бўлиб ўтди. Шундай учрашувларнинг бир қанчасида (жумладан, Фарғона водийсида) мен ҳам қатнашганман ва Зикр акани одамлар қанчалар яхши кўришини ўз кўзим билан кўрганман. Ҳар галги учрашув-кечанинг якунида, одатга кўра, юбилярга сўнгги сўз берилади. Ҳали-ҳали

кўз ўнгимдан кетмайди. Зикр ака сахна тўридан секин-аста кадам ташлаб чиқиб келарди. Новча, қотмадан келган, кўзида кўзойнак, ўйчан қиёфа. Залда пашша учса билинади. Зикр ака ҳар сафар сўзини Фурқат мисралари билан бошларди. «Ассалом, ассалом эй аҳли хуш, аҳбобу дўсту ёрлар. Ҳамнафас содиқ биродарлар, неку атворлар. Соғ борсизму, қалайсизлар, саломатлармисиз? Молу жон борми амон, эй яхшилар, хушёрлар. Шодмен сизлардин, то ўлгунча миннатдормен, пок хотир тутдингиз шафқат қилиб бисёрлар. Айласа Тангри муяссар, бор эса нону насиб, кўришурмиз охири бир кун келиб дийдорлар!..»

Мен ўзимча ўйлайман-да, Зикр ака умр оёқлаб қолгани, дийдор ғаниматлиги, яна бу ерларга келиш насиб этадими, йўқми... деган маънодаги ўз кечинмаларини мана шу мисралар орқали ифода этарди-да чамамда. Санъаткорларда файз олди деган гап бор. Сахнага чиққан ҳар бир кишига бу нарса насиб этавермайди. Лекин Зикр ака қаерда бўлмасин, ҳеч бир чиранмай, одмигина гап-сўзлари билан ҳам суҳбатга файз кирита оларди. Уни халқ жуда ардоқларди, тинимсиз қарсақлар чалар, гулдасталар, совға-саломлар, тўнлар, дўппилар билан сийлашардики... Шундай пайтларда театримиз қоровули Рихсивой аканинг башоратомуз гаплари ёдимга тушарди.

Миллий театрга янги ўтган кезларим эди. Театрнинг орқа тарафида ўт ўчирувчилар хонаси бўларди. Бир куни ўша ерда ўтиргандим. Сахнада репетиция кетаётганди. Рихсивой ака деган бир қоровулимиз бўларди. Ёши улуғ, ўшанда саксонларда бўлса ҳам тетик, қорамағиздан келган, шопмўйлов киши. Ёздаям, қишдаям негадир хром этик кийиб юрарди. Ҳамма у кишини ҳурмат қиларди. Саъдихон ака, Наби акадай кексаларимиз у билан ҳамсуҳбат бўлиб ўтиришганини кўп кўрганман. Рихсивой ака шу ёшида

маош, тирикчилик важдан эмас, балки санъаткор аҳлига ишқибозлигидан театрда айланишиб юргандай туюларди менга. Қисқаси, шу одам йўлакдан ўтаётиб, менга кўзи тушди-да, имлаб чақирди. Лаббай, Рихсивой ака, деб эшикдан чиқдим. Анови одамни кўряпсанми, деди. Қарасам, ўн кадамча наридан Зикр ака ўтиб боряптилар. Шу одам қанақа артист, деди. Зикр акам зўр артист, дедим. Зўрми, йўқми, билмайману, лекин у ҳали ҳаммадан ўзиб кетади. Халқ яхши кўради. Мукофот кетидан мукофот олиб келяпти. Биласанми, нимага? Нимадир деб жавоб бермоқчи эдим, яна ўзи давом эттирди. Бу одам отасининг дуосини олган, билиб кўй, бу одамнинг мартабаси янаям ортади... Дарҳақиқат, шундай бўлди.

Зикр ака устоз Маннон Уйғур даврида театрда иш бошлаган. Дарҳол ишга қабул қилинмаган, обдан синовдан ўтгач, штатга олинган. Шунгача чидам билан қатнаб юраверган, оммавий сахналарда чиққан. Сабрсизлик қилиб, қўл силтаб кетиб қолмаган. Сўнг театрда танилиб, катта роллар ўйнай бошлагач, кинога таклиф қилишган. Бироқ, ҳадеганда кинопробадан ўтолмаган. Аммо у умидсизликка тушмаган, сабр билан кутган. Орадан, йигирма олти йил ўтгач, ниҳоят, «Собир Раҳимов» фильмида бош ролни ўйнайди-да, шундан кино соҳасида ҳам омади юришиб кетади. Мен баъзан фильмда кинопробадан ўтолмай қолсам, Зикр аканинг сабри, чидами, енгилмаслиги ва ортга қайтмаслиги ёдимга тушарди-да, ўзимга таскин берардим. Зикр акадай одам йигирма олти йил кутганда, мен хафа бўлмасам ҳам бўлади, дердим.

Зикр ака мен ҳақимда бир мақола ёзди. «Баркашда олинган дуо» деган. Ўқиб ҳайратга тушдим ва кўп нарса ойдин бўлди. Гап шундаки, Зикр ака баъзида мени суҳбатга тортарди-да, бобом ҳақида, ота-онам ҳақида, Азизжон

Маҳмудов устозим ҳақида сўраб қоларди. Шу тахлит ўзимга билдирмай, ёзадиган нарсасини пишитиб юрган экан. Ҳатто Азизжон Маҳмудов ҳақидаги ёдномамда келтирган баркаш воқеасини ҳам унутмаган экан. Ҳа, Зикр ака устозлари, сафдошлари, айниқса ёш санъаткорларга бефарқ эмасди. У нафақат Миллий театримиздаги, балки Муқимий, Ўзбек давлат драма театридаги янги асар премьераларига ҳам қатнашар, ўзининг холис баҳосини берар, айниқса ёшлар ижодидаги йилт этган ютуқни ҳам пайқар, муҳокамаларда, матбуотдаги чиқишларида ўз муносабатини билдириб, жамоатчилик эътиборини қаратишга интиларди.

Зикр ака «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвонига сазовор бўлган кунлар эди, театршунос Ҳафиз Абдусаматовнинг Зикр аканинг ижодий йўли хусусида ёзилган «Саҳнамиз сардори» деган китоби тақдимоти бўлиб ўтди. Театр, кино соҳаси мутахассислари, актёрлар, ёзувчи, шоирлар, кўплаб мухлислар ҳамда ҳукумат вакиллари тақдимотда иштирок этишди. Китоб жуда самимий, актёрнинг мавқеига муносиб тарзда кенг қамровли бир йўсинда ёзилган эди. Ёш ижодкорлар учун бир дастуриламал китоб бўлибди, деган эътирофлар ҳам айтилди. Тақдимот сўнггида Зикр акага сўз берилди. Зикр ака кўп гапирмади. Китоб муаллифига ва тадбир қатнашчиларига миннатдорчилик билдирди. Кейин ҳеч ким кутмаган бир фикр билдирдики, кўпчилик хангу манг бўлиб қолди: Энди, юртдошлар, мана тақдимотдан кейин тарқалишамиз. Сизлардан битта илтимос, театр биносидан чиқиб, кўп эмас, бир бекат яёв юринглар, масалан, телевидениегача, – деди Зикр ака кулумсираб. – Шу кетишда Навоий кўчасининг нариги бетидаги янги магазинлар пештоқига қараб боринглар. Қани нималар ёзилган экан! Ҳаммамиз тилимиз Давлат тили мақомини олиши учун жонкуярлик қилдиг-у, нега

бу ёғини эътиборсиз ташлаб қўйдик?! Ўрисча номларни ўзгартирдиг-у, ҳамма жойда инглизча ёзувлар пайдо бўлди. Қаёққа қараяпмиз ўзи?! Бизнинг вазифамиз-ку буям!.. Бу гаплар ўша вазиятда кимгадир эриш туюлган, тақдиротдаги шунча мақтовлар, қарсақлар эвазига бу таънаомуз гапларни эшитиш кимларгадир малол келган бўлиши мумкин. Лекин, Зикр ака бу ўринда ҳам ҳақ эди. Ҳадеб бир-биримизни мақтаб, улуғлайверишдан кўра, бундан-да муҳимроқ ишлар борлигини унутмайлик, деган маънода ўз мавқеи, ҳақгўй табиатига яраша танқидий фикр айтган эди.

Буюклар сири

1976 йилнинг ноябрь ойида Санъат институтининг битирувчи талабалари Москва, Санкт-Петербург, Рига шаҳарларида бўлиб қайтгандик. Сафардан мақсад, асосан мазкур шаҳарлар театрлари спектакллари томоша қилиш, актёрлар, режиссёрлар билан учрашувлар ўтказиш эди.

Дастлаб Москвадаги машҳур Вахтангов театрида бўлдик. Михаил Ульянов бош ролни ўйнаган «Ричард III» спектакли (Шекспир асари)ни хайратланиб томоша қилдик. МХАТга тушдик. 5 ноябрда Санкт-Петербургдаги Горький номли Катта академик театрда бўлдик. Театрнинг бош режиссёри, Меҳнат қаҳрамони Георгий Александрович Товстоногов билан учрашдик. Бу афсонавий режиссёрнинг беҳад камтарлиги, одмилиги бизни ғоятда хайратга солди. Бир зумда ўта салобатли бу улуғ санъаткорнинг мухлисига айландик. Унинг ҳар бир фикри бизнинг тушунча ва кўникмаларимизни ағдар-тўнтар қилиб юборадиган даражада пурмаъно эди. Сухбат асносида курсдошларимиздан бири:

– Георгий Александрович, шогирдларингиз ҳақида ҳам гапирсангиз, – деб қолди.

– Шогирдларим... – У бир лаҳза жим қолди-да, кейин беозор кулумсиради. – Узр, шу саволингизни жавобсиз қолдирсам, – деди. Кейин давом этди. – Фалончи, фалончилар менинг шогирдларим дейишим ноқулай. Яхшиси, хоҳласангиз, устозларим ҳақида сўзлаб берақолай. Бу мен учун мароқли...

Тушунарли: истиҳола қияпти. Шогирдлари йўқлиги ёки ношудлиги, ёки бўлмаса... Қисқаси, биз ўзимиз ҳам яхши билардик: собиқ Иттифоқнинг қайси республикаси, қайси машҳур театрига борманг, буюк санъаткорнинг доврўкли шогирдларини учратишингиз мумкин эди. Бироқ устоз булар ҳақида оғиз кўпиртириб гапиришга астойдил ийманарди.

Ҳозир баъзан матбуотда, телевидениеда ҳали она сути оғзидан кетмай туриб, бемалол ўз «шогирдлари» ҳақида гапириб, униси ундоқ, буниси бундоқ деб валдираётганларни кўриб қолсам, беихтиёр Товстоногов ёдимга тушади-да: «Ҳа, – дейман ўзимга ўзим, – буюкларнинг буюклиги ҳам шунда-да!»

Қатъият

Дубляжда эндигина суюгим қотиб, пишиб келаётган пайтларим.

Бир куни телевидение кино таҳририяти дубляж режиссёри Ҳожимурод Валиев қўнғироқ қилиб қолди: «Бугун соат иккида келсангиз. Икки қисмли инглиз фильми бор. Бугун сешанба, шанба куни эфирга кетиши керак. Кутаман», – деди.

Одатим бўйича, ярим соатлар олдин етиб бордим. Матн билан танишиб турсам, шерикларим келиб қолишди. Исmlарини ҳурмат юзасидан келтирмайман, бир опамиз, икки акамиз. Учаласиям дубляж усталари бўлиб танилган, тан олинган актёрлар.

Негадир мени кўришлари билан уларнинг қиёфасида ажабсиниш пайдо бўлди. «Ҳа, Файби, нима қилиб юрибсан?» – деди улардан бири. Айтдим. Шу пайт Ҳожимурод ака кириб қолди ва «чекиб олайлик» дегандек, биргалашиб кўшни хонага чиқиб кетишди. Кўшни хонада бошланган пичир-пичир гаплар, жиддий баҳсга айланиб, овозлар қаттиқ-қаттиқ чиқа бошлади. Ярим жанжал ҳолатида дубляж хонасига қайтиб киришди.

«Файби, – деди ҳалиги акамиз, – жанжал сен ҳақингда кетяпти. Очиги, биз сен билан ишлашни хоҳламаймиз. Учаламиз бир-биримизга кўникканмиз. Тез ишлаймиз. Моддий томони ҳам шунга яраша бўлади. Сен янгисан, тажрибанг кам. Иш чўзилиб кетади...»

Ҳанг-манг бўлиб, қотиб қолдим.

Бир лаҳзалик жимликдан сўнг Ҳожимурод ака столдаги телефонни олдига олиб, гўшакни кўтарди. Кейин шерикларимга қараб: «Гап бундай, – деди ва соатига қараб олиб давом этди. – Сизларга беш дақиқа муҳлат. Фильм шанба эфирида турибди. Ҳал қилинглар. Файбулла Ҳожиевни мен чақирганман. Мен режиссёрман. Келишиб олинглар, ишласанглар, марҳамат. Акс ҳолда, сизларнинг ўрнингизга бошқа актёрларни чақираман. Бўлинглар!» – деди.

Уларнинг авзойи санокли сонияларда ўзгарди. «Ҳажимурод, зачем такие крайности, бўлди, всё ясно. Бошлаймиз», деб уларнинг каттаси муросага келди.

Микрофонлар ёқилди.

Мен ғалати ҳолатдаман. Бутун вужудим билан ишга шўнғидим. Матнларни шариллатиб ўқиб ташлаяпман. Лекин, ҳалиги устозим ҳар икки сўзнинг бирида янглишиб, Ҳожимуродни «стоп» дейишга мажбур қиляпти. Қитмирлигим тутиб, шеригимнинг биқинига нуқийман: «Нима бўляпти, устоз?!» – дейман. Уям ҳақини кўйгиси келмай сўз

ўйини қилади. «Бир тийинга олмайсан-у, устоз дейишингга ўлайми!» – дейди. «Ҳар дақиқада устозлигингизни эслатиб турганингиздан кейин нима қилай?» дейман. Кейин ўзимга-ўзим, «Ғайбулла, сен ёшсан, бир гапдан қолгин. Ҳар ҳолда устоз, ёши улур...» дедим.

Демоқчиманки, ўша куни менинг тақдиримда жуда қалтис ҳолат юз берган ва бу ҳолат оқибати қандай тугаши номаълум эди. Балки, дубляждан буткул совиб, қўл силтаб кетган бўлармидим. Лекин, бир нарса жонимга оро кирди. Бу Ҳожимурод Валиевнинг (у ҳозир кинохроника раҳбари) ўз вақтида кўрсатган қатъияти эди.

Мардлик

Собиқ «Ёш гвардия» театрида либослар бўлимининг Александра Артёмова исмли бошлиғи бўларди. Биз уни Шура хола дердик. Шура хола ўз ишининг устаси, озода, саришта, айна чокда ўта талабчан, тартиб-интизомга қаттиқ риоя қиладиган, бошқалардан ҳам шуни талаб қиладиган кексагина аёл эди.

Шу аёл вафот этганини эшитиб, бутун жамоамиз билан дафн маросимига бордик. Маросимдан кейин насронийлар удуми бўйича, марҳумни ёд олиш учун унинг хотирасига, ичимлик ичиларкан. Биз ҳам – бир гуруҳ ёшлар Шура холани хотираси учун ичимлик ичдик. (Ўзи кечирсин!) Мен ичкиликни кўтаролмайман, бироқ ўша куни ҳаммамиз яхши кўрадиган бир онахон тўсатдан ўтиб қолганидан таъсирланибми, кўпроқ ичиб қўйибман. Йўлга чиққанимдан кейин нима иш қилиб қўйганимни билиб қолдим-да, таксига ўтириб тўғри телевидениега учдим.

Эфирга чиқишим, Михаил Шолоховнинг «Нафрат мактаби» асарини «Бир актёр театри»да ижро этишим керак эди. Телевидениега етиб бориб, режиссёр Ҳамид

Қахрамоновга рўпара бўлдим. Ҳамид ака аҳволимни кўриб, секин атрофдагиларга қараб кўрсаткич бармоғини лабига босди-да, мени ювиниш хонасига бошлаб кирди. Бошимни икки-уч марталаб совуқ сувга ювдирди. Кейин бир хонага олиб кириб ётқизди. То ўзим уйғотмагунча ётаверасан, деди. Эфирга қирқ дақиқа қолганда уйғотиб, гримхонага бошлаб борди.

Уйқудан шунақа тиниқиб турибманки, қирқ дақиқалик жонли эфирдаги «Бир актёр театри» давомида битта жумлада бўлсин, адашмадим. Ҳамид ака бўлса томоша тугагач ҳам сукут сақлади. На раҳмат, деди, на ҳалиги масъулиятсизлигим учун койиди. Сукут билан мени жазолади. Ваҳоланки, у эфирни бекор қилиши, мени раҳбариятга айтиб, муҳокама қилдириши ҳам мумкин эди. Шундай қилганида билмадим... Хуллас, бир сўз билан айтганда, мардлик қилди. Бу мардлиги эса, менга бир умрга татигулик сабоқ бўлди.

Комилжон ҳофиз танбеҳи

Нарзиев деган машҳур жамоа хўжалиги раиси бўларди. Унинг шаҳардаги ҳовлиси бизнинг маҳаллада эди. Санъат шайдоси бўлган раис атайин Тошкентга келиб, Комилжон Отаниёзовга учраб, у айтган кунга набирасининг тўйини белгилабди. Таътилга бориб, худди шу суннат тўйи устидан чиқдим. Ўтган аср етмишинчи йиллар боши. Комилжон ҳофиз хасталикдан яқинда турган. Хасталик ҳофизнинг овозига зарар етказмаган, фақат қўли шикастлангани боис торни тутиб туради-ю, чалолмайди.

Вилоят, туман раҳбарлари, раислар, агрономлар, бригадирлар, маҳалладошлар, қариндош-уруғлар ҳаммаси тартиб билан алоҳида-алоҳида столлардан жой олишган. Санъаткорлар учун улкан чорси каравот тўйхона тўрида,

хаммага бирдай кўринадиган қилиб ўрнатилган. Комилжон Отаниёзов концертларини телевизорда қолдирмай кўриб борардим, лекин бевосита ўзини биринчи бор кўриб туришим эди. Отам ҳаёт бўлганида қанчалар қувониши, ҳаяжонга тушишини кўз ўнгимга келтириб, хўрсиниб қўяман. Шу одамни тўйга таклиф қилсак, келармикан, деганлари ёдимга тушади.

Бир-икки қутлов сўзлардан сўнг навбат санъаткорларга берилди. Комилжон аканинг одати – қирқ минутча ашула айтаркан-да, чорак соатча дам оларкан. Биринчи танаффусдан кейин Комилжон ака яна торини кўлига олди. Бу пайтга келиб, тўйхонада жонланиш сезилган, икки-уч қадахни кўтариб улгурган меҳмонлар очила бошлаган эди. Қўшиқ бошланди:

«Панжарадан мойил-мойил бокқан ёр,
Ёр қора кўзларинг на тилар маннан...»

Шу маҳал тўйхона этагидан, «Вой-дод!» деган мастона қийқирик эшитилиб қолди. Ва кўшиқ таққа тўхтади. Ҳофиз қийқирик эшитилган томонга қараб, қаттиқ кўз тикиб турди-да: «Нега бақирасиз, карвонсаройда ўтирибсизми?!» – деди зарда билан. Тўйхона бир гув этди-да, шу захоти сув қуйгандек жимиб қолди. Бироқ, тор яна тилга кириб, вазият юмшади. Танаффус пайтидаги қутловлардан бири тўғридан-тўғри Комилжон ҳофизга қаратилди. «Ассалом алайкум, Комилжон ака, – деди микрофон тутган бир меҳмон, – боя беодоблик қилган раис менман. Мана ҳозир ҳамманинг олдида сиздан кечирим сўрамоқчиман. Мени кечиринг. Лекин устоз, бизни тушунишингизни истайман. Биз дала меҳнаткашлари йил ўн икки ой даладан бери келмаймиз. Эрталаб соат тўртда уйдан чиқиб кетиб, кечаси бир-иккида қайтамиз. Пахта деймиз, чорва деймиз, ғалла,

мева-чева, сабзаёт ташвишидан бўшамаймиз. Аммо-лекин сиздай устозлар кўшиқларини эшитганимизда, завқланиб кетиб, бир қийқириб юборсак, чарчоқларимиз чиқиб кетади-да, Комилжон ака. Яна бир карра узр, устоз!»

Раиснинг бу гапи Комилжон акага маъқул келди, шекилли, уни ёнига чақиртириб олди. Иккови қучоқлашиб кўришишди. Кейин раисни каравотга ўтқазиб, тўй охиригача рухсат бермади. Отамлашиб ўтиришди.

Мен институтдаги устозлар гапини эсладим. Санъаткор ўз қадрини билиши керак. У томошабиндан имкон қадар икки-уч қадам олдинроқ юриши, одамларни эргаштириши керак, дейишарди.

Ҳозир баъзи тўйларимиздаги пул деб тўйга келган, баъзи бойваччаларнинг ноғорасига ўйнаётган, уларнинг йўриғига тушиб қилшанглайдиган «санъаткорлар»ни кўрганимда, ўша улкан тўйхона тўрида, улкан чорси каравотда қўр тўкиб ўтирган, хаста ҳолида ҳам мухлисларни кўнглини хушлаш учун беминнат тер тўккан, айнаи чоқда ўз қадрини ҳар қандай дунё бойликларидан баланд кўрадиган ҳақиқий САНЪАТКОР – Комилжон ҳофизнинг кўпчиликка сабоқ бўлган ўша танбеҳини эслайман.



ХАСТАЛИК ҲАМ НЕЪМАТ ЁХУД ҲИКМАТ ИЗЛАГАНГА ҲИКМАТДИР ДУНЁ

Хасталик

Ҳаётда ҳар қандай ҳолатга тайёр туриш керак, дейишади. Шундай гапни кўп эшитамиз, лекин уни одатий бир фикр сифатида қабул қилиб, кўпинча эътибор бермаймиз. Фақат ўша «ҳар бир ҳолат» дегани бошга тушгандагина... Инсон табиати қизиқ-да. Болага, унга тегма, қўлинг куяди дейсиз. Бола бўлса токи қўли куймагунча бир қўл теккизиб кўришга интилаверади. Катталар ҳам шундай. Саҳна асарини кўрамиз, кинофильмлар кўрамиз, таъсирланамиз ва барибир, э, бу санъат асари-да, муболаға қўшилган-да, деймиз. Ваҳоланки, ҳаётда ҳар қандай санъат асаридан-да таъсирлироқ воқеа-ҳодисалар рўй бериши мумкин экан.

2003 йилнинг 13 февраль куни.

Ўша куни ҳам одатий иш куним эди. Эрталаб ҳеч нарсадан беҳабар, беҳавотир театрга репетицияга бордим. Кечаси Усмон Азимнинг «Эски замон хангомалари» пьесасини ўқиб, соат иккигача ўтирганман. Репетиция ўтди. Режиссёр Валижон Умаровга пьесани топшириб, ўзимга берилган роль юзасидан суҳбатлашдим. Кейин уйимга – Юнусободга қайтдим. Кечқурун «Усмон Носир»да чиқишим керак, унгача дам олиб қайтмоқчи эдим.

Бир оз мизғиб олмоқчи бўлдим, уйқум келмади. Болаларим Равшан, Зарина ўқишда, онаси Насиба ишда – телевидениеда эди. Овқат қилдим. Тамадди қилиб, соат уч яримларда йўлга чиқмоқчи эдим... Бир маҳал... миямда

бир нарса чирсиллаб кетди. Лаҳза ўтмай яна қайтарилди. «Ё, тавба, нима бўлди экан?!» дея дарҳол телевизорни ўчирдим-да, каравотимга ётиб олдим. Вужудим титроқ ичида, айни чоқда мисдай қизиб борарди. Хаёлимга келган нарса шу бўлдики, газни ўчирдиммикан, деб ўйладим. Эсладим, ўчирибман. Бирпас ўтиб, кўркув чекинди. Титроғим босилиб, хотиржам ўйлай бошладим... Демак, нимадир содир бўлиши керак. Ўлимми?! Яратганга илтижо қила бошладим. «Худоё, нимаики қилсанг ихтиёр ўзингда. Фақат болаларим ёш, улар ўксиб қолмасин. Менгамас, уларга раҳм қил, Қодир Эгам! Уларни етим қилма!..»

Қулоғимга кимдир шивирлади: Ташқарига чиқкин!.. Каравотимдан сирғалиб тушдим-да, эмаклаб йўлакка чиқдим. Рўпарамиздаги эшикни тақиллата бошладим. Ичкаридан бола овоз берди. Ким? Болага «глазок»дан ҳеч ким кўринмагани сабабли эшик очилиши қийин бўлди. Ниҳоят очилгач, ишора қилдим-у ҳушимни йўқотдим...

Кўзимни очиб, Рудольф Бархет, Ҳамид Отамуродов деган шифокор дўстларим, режиссёр Валижон Умаров ва аёлимни кўрдим. Уларга, театр ва дубляждагиларни огоҳлантириб қўйинглар, мен бугун боролмайман, дебман-да, яна ҳушимни йўқотибман.

Бошинг ёстиққа текканида

14 февралда 2-стационарга ётқизишди. Чап тарафим сезгини йўқотган. Ўнг томон коррекцияси бузилган. Овозим чиқмайди. Энг ёмони – ютим йўқ, бир томчи сув ҳам ўтмайди. Мен беҳабарман: ўша куниёқ театрда бутун жамоа оёққа турган, стационарга телефон қилиб, аҳволимни суриштиришган, бир нечталари келиб хабар ҳам олиб кетишган экан.

Хиёл ўзимга келгач, даволовчи шифокорим Людмила Василевна Разумова вазиятни тушунтирди – хатар ўтди, ҳозир аҳволингиз яхшиланиб боряпти, деди. Унинг ўшанда суяб гапиргани кейинчалик маълум бўлди. Ютим йўқлигидан бурнимдан резина ичак ўтказишиб, шприц ёрдамида ошқозонимга озуқа юбориб туришди. Бу вақтинчалик, томонингиз очилгунча дейишди.

Ётибман. Бот-бот бобом Муҳаммад Сафо Бухорийни эсламан. У кишининг қизиқ гаплари бўларди. «Китобни варақласам, роса кўп яшагандай туюлади. Шундай китобни ёпсам, ҳаммаси кўз очиб-юмгунча ўтиб кетгандай бўлади», – дердилар. Менам ўзимча китобни (умрим китобини) варақламоққа уринаман. Ажаб, бирпасда китобим варағи тугаб қолаверади. Эвоҳ, дейман, наҳотки ҳаммаси тугаган бўлса, ҳеч нарсага улгурмасдан, қарзларимнинг мингдан бирини ҳам тўлай олмасдан... Хўп, отам, онам, боболарим, момоларим олдидаги қарзим-ку, тўланмади. Фарзандларим, дўстларим, яқинларим, жамоам, мухлисларим...дан ҳам энди қарздор кетадиган бўлдимми?!

Бир маҳал деразада таниш киёфа кўринди. Салимжон поччам. Қариндошлар ичида ёши улугимиз, катта опамнинг хўжайини. Ёнида икки аёл кўринди – опаларим. «Бардам бўлинг, Файбуллажон, эҳтиросга берилманг!» Поччам феълимни биледи, шунинг учун биринчи гапи шу бўлди. Эҳтиросга берилманг!.. Кейин мен яхши кўрадиган Аҳмад Жомийнинг байтини эслатди. «Ман ба фармони дилам, Кай дил ба фармони ман аст...» (мазмун: мен кўнглимнинг амридаман, қачон бу кўнгил менинг амримда бўларкин). Поччам менга далда бермокчи-ю, овози титраб кетяпти. Ёлғондан йўталган бўлиб, деразадан нари кетди. Бу гаплар 16 февралда бўляпти... Шундан кун оралатиб ота томон, она томон қариндош-уруғларим, жигарларим келиб-кета

бошлашди. Айримлари билан дераза орқали дийдорлашаман, йўл топганлари палатага кириб келишади. Жигарларим, дедим. Бу сўз мағзига энди-энди фаҳмим ета бошлаганди... Улар шунчаки келишмас, Бухорои шариф нафасини, бухороликлар дуойи саломини олиб келишарди. Меҳр энг яхши малҳам экан. Касбдошларим мунтазам хабар олиб туришди. Директоримиз Ёқуб Аҳмедов, актёрлар Эркин Комилов, Ёдгор Саъдиев, Жамшид Зокиров, Марат Азимовлар кириб келишди. Ёдгор чапанича одати билан: «Файби, «Қалб гавҳари»ни кўрдим. Зўр! Кўрсатувда айтган гапларингни исботла энди, бунақа ётаверма, сенга ярашмас экан», – дейди. Телевидениеда бир йил аввал намойиш қилинган кўрсатув ўша кунлар такроран эфирга берилган, бу шунчаки тасодиф бўлмасдан, менга бир рухий мадад бўлишини истаб амалга оширилган хайрли иш эканлиги аниқ эди.

Келганлар тезгина кетишади. Палатага кираётганларида тайинлашган бўлишса керак, кўп ўтиришмайди. Лекин, нукул ҳазил-хузул қилишади. Кўнглимни кўтаришади. Яна бир куни эшик очилиб, Рихсихон, Насиба опа Иброҳимовалар, бошқа куни Пўлат Саидқосимов, Лутфулла, Гулчехра Саъдуллаевлар, Файрат Убайдуллаев, Фатхулла Маъсудов, Ҳожиакбар Комилов, Учқун Тиллаев, ота-бола Теша ака, Толиб Мўминовлар кириб келишади. Деразада ҳар куни эрталаб, кечқурун раҳматли Шаҳбоз Низомиддинов пайдо бўлади. Сен гапирма, эшит дейди. Гурунг беради. Шухрат Ризаев ҳам шундай. Толиб ака Каримов ҳам стационарда даволанаётган экан, дам-бадам деразамни чертиб келади, «Қалайсиз, хожим?» – дейди... Ҳаммасини бирма-бир санагим келади-ю, қай бирини айтаман. Бу ташрифлар куч беради. Демокчи бўлганим, соғлигингда юравераркансан ўтиб-қайтиб, гоҳ сўрашиб, гоҳ сўрашмай. Бошинг ёстикқа текканида ҳар бир йўқлаб келган одам кўзингга оловдай кўринаркан.

Авжи баҳор кунлари эди

8 март куни. Резина ичак ҳали ўрнида. Эрта-индин оламиз, деб орқага суриб келишяпти. Худди шу куни Салимжон поччам Бухородан Баҳовуддин Нақшбанд, Пири дастгир, Абу Ҳафс Кабир зиёратгоҳлари қудуқларидан дамсув келтирди. Навбатчи дўхтир кўриқдан ўтказиб, чиқиб кетиши билан Насибага буюрдим. Сувни келтиринг, дедим. Ва «Бисмилло» деб, ичишга тутиндим. Қарасам, қултиллаб томоғимдан сув ўтаяпти. Мўъжиза! Ютоқиб, бир косасини ичиб юбордим. Врачимни чақиртириб, суюнчи олдим. Кейин резина ичакдан қутулдим ва мени реанимациядан палатага олишди.

Баҳор. Деразадан табиат уйғонишини томоша қилиб ётаман. Касалхона боғида одамлар ишлашяпти. Қўлимдан Равшанжон ўғлимнинг совғаси – радио тушмайди. Фиёсжон (Фиёс Бойтоев)нинг кўшиғи ҳар куни берилади.

Бошимда қор, мен баҳордан ўтиндим,
Кўкламойим, кўкингдан бер бир чимдим.
Қор кўйнида зўрға сенга етишдим,
Кўкламойим, кўкингдан бер бир чимдим.
Яна қайта кўраманми, йўқми мен,
Кўкламойим, кўкингдан бер бир чимдим...

21 март, Наврўз байрами куни. Шу куниям Бухородан келишди. Ҳамкасблар, ёру дўстлар келиб, анча вақт ўтириб кетишди. Дилимда ҳам хурсандчилик, ҳам маҳзунлик. Болалигимдаги Наврўзларни эсламан. Сафо Махсум бобом биз болаларга алоҳида байрам қилиб берардилар. Дастурхон кўкатли таомлар, бухороча ширинликларга тўла бўларди. Сумалак, ҳалиса (ҳалим)га кўнглим кетди. Шуларни эслаб, кўзларимда ёш филтиллай бошлаганда

эшик очилиб, Салим поччам кириб келди. Қарангки, ҳалигина эслаб турганим – сумалак, ҳалиса келтирибди... Ёш болага ўхшаб чапиллатиб ея кетдим. Поччамнинг кўп еманг дейишига ҳам эътибор қилмайман, охири олдимдан олиб кўйишга мажбур бўлди...

Шом маҳали. Шифтга тикилиб ётибман. Ўзимча ўйлайман, ҳалиса, сумалак едим. 1996 йил Маккаи мукаррамадан хожи Муҳаммадjon ака (актёр М.Рафиқов) келтирган обизамзамдан ичганимни эслайман. Негадир хаёлимдан шу тобда ўша муқаддас сувдан бир қултумгина бўлсайди, деган ўй ўтди. Кўнглимдан шу нарса ўтиб турган маҳал эшик охиста тикирлаб очилди-да, гўёки палатамга нур кириб келгандай бўлди. Барваста, нуроний отахон – Мақсуджон ота Исломқулов рўпарамда турибди. «Ассалом алайкум, Файбуллахон!» – дейди одатдагидай салмоқлаб. Биз бу темирчи уста билан телевидениедаги бирга чиқишларимиз орқали танишиб, ота-бола бўлиб қолган эдик. Қўлида елим халталар. Нега овора бўлиб юрибсиз, дедим хижолат бўлиб. Отахоннинг ўн фарзанди – саккиз қиз, икки ўғли бор. Невара, чевара, эваралар адади ҳам шунга яраша. Ўзи шу ёшида ҳам хотирадан нолимайди, спектакль монологлари, арифметика, алгебранинг бошқотирма мураккаб формулалари, каср чиқаришлар каби масала, мисолларини ўнинчи синф боласидек шариллатиб айтиб бераверади. Ниҳоятда завқ-шавқли, суҳбатижон қария... Хуллас, бозор харидларини столга олиб кўйди-да, охирида бир шиша идиш олди. «Акам ҳаждан келдилар. Обизамзамдан сизга илиндим, Файбуллахон!» – деди. Ана бўлмаса! Ҳозиргина ўйлаб турмаганмидим шу ҳақда?! Бу мўъжиза эмасми?!

Мақсуджон ота хайрлашиб, хонадан чиқиши билан, Насибахон иккимиз ният қилиб, обизамзамдан етти қул-

тумдан ичдик. Вужудимга қувват ингандай бўлди. Ва аёлимга дедимки, аравагани келтиринг!

Насибаю ҳамширалар ҳар қанча қаршилик қилишмасин, ўжарлик қилиб туриб олдим. Ва рафиқам ёрдамида аравагага ўтирдим-да, касалхона ҳовлисига чиқиб кетдим...

13 февралда дард тегиб, 14 да стационарга тушган бўлсам, март охирлаб боряпти-ю, уйимга рухсат беришларидан дарак йўқ. «Сабр қилинг, вақти келса, бир кун ҳам тутиб турмаймиз», – дея ҳазил аралаш жавоб қилишади. «Менку, сабр қиламан, – дейман ўзимча, – лекин, касалхонада ётишининг ўзи бўладими? Менинг орқамдан қанча одам овора. Насибам, мана, қирқ кундирки, ишидан қолиб ёнимда ўтиради. Касал касалмас, касал боққан касал, дейишганидек, унинг синиққан рангига қараб эзиламан. Бухоролик қариндошларим, дўстларим шундан шунга неча қайта келиб-кетиб туришибди. Бу ердаги оғайниларим, ҳамкасбларим тирикчиликларидан қолиб, вақт орттириб хабар олгани келишади. Уйимдагилар – қизим, ўғлим – ҳар куни ўқишларидан чиқиб, албатта мени кўргани келишади. Баъзида керакли дори излаб шаҳар бўйлаб дорихона кезишади. Яхшиямки, бахтимга Хайрулла акам (хорижда эди ўшанда, раҳматли) қимматбаҳо дорилардан юбориб турибди...»

Хуллас, бу ердан тезроқ чиқиб кетишим керак. Уйда бўлсам, ҳар ҳолда оворагарчилик камроқ бўлармиди, деб ўйлайман, сиқиламан. Тунлари адоқсиз ўйлар гирдобига тушиб қоламан. Ким эдим-у, ким бўлдим, дейман. Айни навқирон ёшимда ногирон бўлиб ўтирсам, бу ёғи нима бўлади?! Болаларимнинг ўқиши, уларни уйлаш-жойлаш... Соғлиғим жойида пайтлар театрда ишлардим, телевидение, радиога, дубляжга қатнардим. Озроқ танилиб қолган экан-

манми, тез-тез тўй бошловчилигига чақириб туришарди. Эх, у даврлар!.. Биратўла ҳаммасидан мосуво бўлиб ўтирсам... Қанча ниятларим бор эди, қанча роллар ўйнамоқчи эдим...

Шу каби адоқсиз ўйлар билан тунни чала уйқуда ўтказган кунларимнинг бирида навбатчи врач Эркин Жўраев мени эрталабки кўриқдан ўтказиб бўлгач, ёнидаги ҳамшираларга рухсат берди-да, рўпарамга келиб ўтирди. Ва: «Файбуллажон, уйқу яхши бўлмадими?» – деди. «Ҳа, энди, Эркин Йўлдошевич, уйқу қаёқдан бўлсин...» деб, энди «арз-дод» бошламоқчи эдим, майин кулумсираб кўлимдан тутди.

– Яхшимас, Файбулла Неъматович, – деди беозор оҳангда. – Ким айтади сизни Аҳмад Яссавий, Аҳмад Фарғонийлар ролини қотириб ўйнаган актёр деб... Гапнинг индаллоси, биз дўхтирлар кўлимиздан келганини қилдик. Энди бу ёғи ўзингизга боғлиқ, кайфиятни, руҳни кўтарсангиз, енгасиз. Очиғи, омадингиз бор экан, инсультнинг оғир формасидан омон қолдингиз. Бу – мўъжиза! Шунинг учун кўнгилни кенг қилинг.

– Эркин Йўлдошевич, шунчалик тузалганимга шукур қиламан... Лекин, мен туфайли қанча одам овора... Шундан хижолат тортаяпман...

– Э, ўртоқ актёр, хурсанд бўлмайсизми, келишса нима бўпти! Вақтида сиз ҳам уларга нимадир қилиб қўйгансизки, йўқлаб туришибди. Ҳали, шунчалик тузалганимга шукур қиламан, дедингиз. Ана шу шукрда гап кўп экан... Битта ривоят эсимга тушиб кетди. Эшитасизми?..

Армонсиз одам

Бир подшонинг ўнта фарзанди бўлиб, ягонагина қизи тузалмас дардга йўлиқиб қолибди. Етти иқлимдан табиб чақириб, қизини қаратибди. Бўлмабди. Охири ўзимизнинг

Самарқанддан битта зўр табибни топиб, юртларига олиб кетишибди. Табиб қизни обдан текшириб кўрибди-да, хулосасини айтибди:

– Энди, подшоҳи олам, бир иш қиласиз. Бутун дунёни қидириб бўлса ҳам, армонсиз битта одамни топтирасиз-да, унинг бир либосини қизингизнинг устига ёптирасиз. Иншооллоҳ, қизингиз нажот топади, – дебди.

Подшо қувонибди: ие, давоси осон экан-ку! Биттамас, ўнта армонсиз одамни топтириб келаман, деб мулозимларини ҳар тарафга жўнатибди. Мулозимларидан бири кекса кампирни топибди. «Онахон, шунча ёшга кирибсиз. Орқа-олдингиз невара, эвара, чеварага тўлиб кетибди. Армонингиз қолмаган бўлса керак», – дебди. Кампир бечора хўрсинибди. «Тўқсонга кирдим. Тўққиз боламдан тўқсон невара, олтмиш эвара, ўттиз чеварам бор. Шу кунларни мен кўрдим, лекин раҳматли чолим кўрмай кетди-да... Биргина армоним шу», – дебди. Мулозим «ох» деб пешонасига урибди. Бошқа мулозимга пири бадавлат отахон йўлиқибди. Отахон ҳам ўзига берилган саволга: «Болам! – дебди у. – Ота-онадан эрта етим қолдим. Қаттиқ меҳнат қилиб, ўзимни ўнгладим. Ҳозир ҳамма нарсам бадастир. Кампирим ёнимда, бола-чақамдан тинганман. Лекин бу бойликлар ёшлигимда қаёқда эди. «Тиш борида гўшт йўқ, гўшт борида тиш», дегандек, менга ҳозир татимаяпти. Армоним шу...» – деб жавоб берибди. Бу мулозим ҳам «ох» деб пешонасига урибди. Шундай қилиб десангиз, қолган мулозимлар ҳам армонсиз одам топишолмай, саройга қайтишибди. Подшо тутақиб кетибди ва: «Билмайман! Яна бир кун муҳлат! Агар топиб келмасангизлар, осиласизлар!» – деб бакирибди. Мулозимлар саройдан бош эгиб чиқиб, бир майдонда гулхан

ёкиб, давра олиб ўтиришибди. Хамманинг хаёлида бир ўй: Энди нима бўлади? Нахотки, ер юзида битгаям армонсиз одам бўлмаса?!

Бир маҳал эшак минган йўловчи ўтиб қолибди. «Келинглари, шу одамдан ҳам сўраб кўрайлик», – дебди бири. «Кўйсангчи, фойдаси йўқ», – дебди бошқаси. «Чиқмаган жондан умид», – дебди-да, бир мулозим йўловчини тўхтатибди. Йўловчи айтибдики, анови сойдан шундай ўтсанглари, чайла бор, ўша чайладан топасиз армонсиз одамни!.. Мулозимлар апил-тапил сойни кечиб ўтишса, ҳақиқатан ҳам чайла бор эмиш. Чайладан бир овоз келаётганмиш:

– Эй, Худойим, Ўзингга шукур. Сен мени одам қилиб яратдинг, ит қилиб, эшак қилиб яратмадинг. Илону чаён қилиб яратишинг ҳам мумкин эди. Сен менга кўз бердинг, дунё чиройидан баҳраманд бўлдим. Тил-забон бердинг, мен унинг шарофати билан дўст-ошно орттирдим. Бандаларингга насиҳат қилдим, яхшиликка ундадим. Қулоқ бердинг, бирин-кетин туғилган болаларим «инга-инга»сини, отажон, бобожон деган ширин каломларини, булбуллар чағ-чағини, обиравонлар шилдирашини эшитиб яйрадим, роҳат қилдим... Ўзингга шукур.

Мулозимлар диққат билан қулоқ тутишса, чайладаги одам, энди ўлсам армоним йўқ, мингдан минг розиман, омонатингни ол, деяётганмиш. Хаммалари хурсанд бўлганларидан, бирваракайига бақириб юборишибди:

– Хой, ота, бу ёққа чиқинг! Сизни излаб келдик. Бизга кераксиз, – дейишибди.

– Ох, болаларим-а, жон-жон деб чиқардим уяламанд, – деган овоз келибди чайладан. Мулозимлар хайрон бўлишибди.

– Нега уяласиз, чиқаверинг.

– Мен модарзотман – онадан туғилгандай қип-яланғочман, эгнимда либосим йўк, – дебди чол.

Мулозимлар бараварига «Эҳ» деб юборишибди. Чунки уларга чол эмас, чолнинг эгни-боши керак экан-да...

Подшо титраб-қакшаб турган одамларининг арзини эшитибди-да, ғазабланишдан ўзини тийибди ва ўйланиб қолибди. «Эй, – дебди ўзича, – дунёда шундай одамлар ҳам бор экан-да. Эгнига илгулиги йўғ-у, дунёдан рози, армонсиз яшаяпти. Мени нима жин урдик, бунча қаноатсизман. Подшо бўлсам, молу давлат кўлимда бўлса. Хўп, ўнта фарзанддан биттаси хаста бўлса, нима қилибди?! Қолган тўққизининг шукрини қилиш ўрнига бегуноҳ одамларимни дорга остирмоқчиман. Болаларини етим қилмоқчиман. Эй, Худойим, мени кечир, сендан хафа эмасман, беадад розиман. Ўзингга шукур!..»

Қарангки, подшонинг бир оғиз шукридан кейин қизида ўзгариш бошланибди. Ана шунақа гаплар, Файбуллажон! Дунёда мўъжизалар кўп-да. Ривоят қалай экан?..

Ҳеч нарса деёлмай, хижолатли кулумсирадим. Ичим ёришиб кетиб, сўзнинг мўъжизакор қудратига яна бир карра тан бердим ва донишманд шифокоримга миннатдор бош ирғадим-да: «Раҳмат, Эркин ака, борингизга шукур!» дедим. Иккимиз ҳам баралла кулиб юбордик.

Ўрнига тушган ўғитлар

Касалхонадан чиққанимдан кейин бир ҳафталар яхши юрдим. Кейин ғалати ахволга туша бошладим. Эрталаб туппа-тузук уйғонаман, руҳим енгил, иштахам жойида, тетиккинаман. Кўча айланиб келаман. Лекин ўз-ўзидан ҳаммаси чаппа айланиб кетади. Нафас етмайди, юрак ҳовлиқади, ҳеч нарса, ҳеч ким ёқмайди. Ҳамма ёқ қандайдир

қора бўёқларда кўринади. Бетоқат бўламан. Болаларга, Насибамга ҳам қаттиқ гапириб юборган вақтларим бўлади. Астаффирулло деб гапирай, ҳаттоки жонимга суиқасд қилишдай хаёлларга ҳам бораман баъзан.

Ўлмас ака (Ўзбекистон халқ артисти Ў.Расулов) дан миннатдорман, тез-тез хабар олиб турарди мендан. Сойибжон (Ўзбекистон халқ ҳофизи С.Ниёзов) шогирди билан бирга келиб, табибларга, яхши-яхши дўхтирларга кўрсатиб келишарди.

Бир куни Ўлмас акага арз қилдим ахволимдан (Очиғи, бу биринчи шикоятим эмасди у кишига). Ўлмас ака бир оз жим қолди-да, кейин оғринган бир оҳангда гап бошлади. «Энди... биродар, – деди, – нима дейишнйам билмай қолдим. Бир ўлимдан қолдингиз. Оёқда юрибсиз. Бола-чақа олдида сиз. Оқибатли ёру биродарлар атрофингизда. Нега шукр қилмайсиз? Темур акани қаранг, олтмиш йилдан бери тўшакда. Шу одам ҳақида устозингиз Садриддин нима деганини биласиз-ку. «Сабрнинг юзини кўрмоқчи бўлсанг, Темур Ғаниевнинг юзига бок», – деганмиди. Нега сабр қилмайсиз? Дунёдан тўйиб кетдим, деганингиз нимаси?! Хўп, сиз шундай деб турганда, мен энди нима қилишим керак? Кўзим кўрмайди, дунё менга қоронғи, деб ҳамма нарсадан кечиб юборишим керакми?! Ундай қилмаяпман-ку. Ишляяпман, ижод қиляпман. Бола-чақа катта қилдим. Тўрт-бешта шогирд тайёрладим... Менинг гапимни қаттиқ олманг-да, танангизда ўйлаб кўринг. Бунақа гаплар – ғалат. Худога ёқмайди, биродар...»

Шундан сўнг у яна менга тасалли бериб, юпатди. Сиз хавотир олманг, буни депрессия дейишади шифокорлар тилида. Оғир хасталикдан кейин бўлиб туради. Қасалхонада сизга морфин қилинган, тинчлантирувчи дорилар берилган.

Ўшаларнинг таъсири камайгани учун сиз депрессияга тушяпсиз, танангиз ўша сиз ўрганиб қолган дориларни талаб қиляпти. Лекин, бу ўткинчи нарса. Озгина сабр қилсангиз, ҳаммаси ўз ўрнига тушиб кетади, деди.

Сабр қил... Шукр қил... Бунақа насиҳатларни кўпчиликдан эшитамиз-у, ҳадеганда қулоққа олавермаймиз. Бирок, шундай инсонлар борки, айтган гапи тез таъсир қилади. Юрагингизга ўрнашади. Қайсиким, улар ўзлари амал қиладиган гапларнигина гапиришади. Ўлмас ака ана шундай инсонлар тоифасидан. Сабрли, матонатли, некбин ва шокир инсон. Шукрки, Парвардигор менга ана шундай инсонларнинг бир қанчаси билан ҳамсухбат бўлмоқни насиб этди.

Хасталик ҳикмати

«Хасталик рисоласи» деган бир китобчани ўқиганман. Муаллиф бир қарашда ёқимсиз бўлган хасталикни шундай таърифлайдики, беихтиёр бир касал бўлиб олгингиз келади. Хасталикни бошидан ўтказган одам дунёга қайта келгандай, қайта туғилгандай атрофга, одамларга, яхши-ёмон ҳодисаларга бошқача кўз билан қарайдиган бўлиб қоларкан. Ўша 2003 йилнинг февраль, март ойларида стационарда ўтган кунларим, таъбир жоиз бўлса, ҳаётимни бутунлай бошқа ўзанга солиб юборди, дейишим мумкин. Аввало, илоҳий неъмат – соғлиқнинг қадрига етиш кераклигини, соғлиққа бепарволик куфрони неъмат эканлигини англаб етдим. Атрофимдаги одамларни қадрлашни ўргандим. Сабр, шукр деган тушунчаларнинг мағзи-маъносига етгандай бўлдим. Яна бир нарсага ақлим етдики, одамнинг ёмони йўқ, бизнинг хатомиз бир-биримизни тушунмасликда экан.

Шифокорлардан миннатдорман, хизматларини аямадилар. Эътироф этишим керакки, мени оёққа турғазган омил доридармондан ҳам кўпроқ уларнинг муносабатлари, эътибору эҳтиромлари бўлди. Ва, албатта, оила аъзоларимнинг, биринчи навбатда ёстикдошим Насибахоннинг бошимдан кетмагани; ичидан нима ўтган бўлса, ўзига маълум, аммо сиртига чиқармай, юзидан табассум аримай, мени юпатиб, кўнглимни кўтаришга интилганлари; бирор малоллик сездирмагани; туғишганларим, туғишганларимдек жонкуярлик қилган устозларим, ҳамкасбларим, биродарларимнинг меҳр ва эътиборлари туфайли ҳаётга қайтдим, десам тўғри бўлади.

Касалхонадан чиққанимдан кейин Салимжон поччам мени Бухорога олиб кетди. Туғилган уйим, маҳаллам, ёру биродарлар дийдори менга қувват бағишлади. Лоша деган қишлоқ бор, шаҳар яқинида. У ерда Темур Фаниев деган кадрдон акамиз яшарди (У 2011 йилнинг март ойида – устозимиз Садриддин Салим Бухорийдан роса бир йил кейин дунёдан ўтди, Оллоҳ раҳмат қилсин). Умрининг олтмиш йилини ногиронлар аравачасида ўтказган бу инсон ҳақида раҳматли Садриддин ака «Бухорода авлиё бор – тирик авлиё» деган дoston ёзган эди. Ростдан ҳам Темур ака шунча дард чеккан бўлса-да, ўзлигини йўқотмаган, исми жисмига монанд дегандай, темир иродали, сабр-бардошли, некбин, шокиру собир – авлиё инсон эди. Шу инсоннинг ҳузурига олиб боришди мени. Рўпара бўлишим билан, бу ёққа кел, деди аравачада ўтирган еридан. Кейин бағрига босиб: «Сенга келган дардни мен олай», – деди титраган овозда.

Қаранг, шу одам ўзи хаста, одамлар мададига мухтож, лекин менинг дардимни олишга ҳам тайёр. Тўлқинланиб

кетдим. Мана, кимдан ўрганиш керак сабр-бардошни, матонатни, бахт учун курашмоқни...

Ҳеч кимнинг боши ёстикқа тегмасин!.. Мабодо шундай кўргилик бошингга тушар экан, буни ҳам фожиа деб билмаслик, бунинг ортида ҳам бир ҳикмат борлигига ишониш керак экан.

Масалан, мен ўзим, хасталик туфайли имкониятларим чекланди. Театр сахнасига қайта олмадим. Дубляж, радио каби севимли машғулотларим – очирок айтидиган бўлсам, тирикчилигим манбаларидан айрилдим. Кўплаб ўйналмаган ролларим армонга айланди. Ўғлим, қизимнинг ўқиши, ишига, уйли-жойли бўлишига ўзим истаганчалик ёрдам қилолмадим. Лекин... Ҳа, лекин ҳар бир маҳрумиятда бир муяссарият бор, деганларидек, йўқотганларим эвазига нималарнидир топдим. Топганларим, албатта, моддий ҳолатдамас, уларни қўл билан тутиб кўрсатолмайман, аммо ҳар қандай моддий дунё неъматларидан-да қимматлироқ бойликка эришдим. Ҳаёт аталмиш бу неъмат маъносини, инсон қадр-қиммати нимада эканлигини тушуниб етгандай бўлдим. Менимча, бу тумтарок гапларим янада тушунарлироқ бўлиши учун қизим Зарина билан бўлган бир суҳбатимни келтирсам, кўнглимдагини айтган бўламан, чамамда...

Ўша қирқ беш кунлик дастлабки муолажани олиб қайтганимдан сўнг, бир кун қизимни ёнимга чақириб, унинг кўнглини кўтармоқчи бўлдим. «Қизим, сенинг олдингда қарздорман, – дедим секин гап бошлаб. – Ниятларим кўп эди, яхши кийинтирмоқчи эдим... Яна...» Қизим шунда дарҳол оғзимдан гапимни олиб: «Дада, ундай деманг, – деди бағримга кириб. – Сизнинг тузалиб кетганингиз биз учун катта давлат бўлди. Мухими, сизнинг соғлигингиз. Бир донишманд айтган экан: «Бир одамлар кўрдим –

усти юпун, кийими йўқ, бир кийимлар кўрдимки, ичида одами йўқ...» Бу гапдан кейин фикримда, миямда чакмоқ чакқандай бўлди. Бутун изтиробу аламларим тумандек тарқаб кетди, назаримда...

Одатда, хастанинг кўнглини кўтариш учун: «Хафа бўлманг, кўрмагандек бўлиб кетасиз», – дейишади. Мен ҳам биродарларимдан бундай тасаллини кўп эшитаман ва ҳар сафар: «Айтганингиз келсин», дейману ичимда: «Кўрмагандай бўлиб кетай, илоҳим, лекин шу кўрганларимни унутмай. Хасталик сабаб англаб етганларим асло мени тарк этмасин», – дейман...

Оқибат

Хасталик чекиниб, аҳволим енгиллашгач, уйда зерика бошладим ва бир куни Насибахон ҳамроҳлигида кўчага чиқдим. Икковлашиб дастлаб телевидениега, ундан чиқиб театрга бордик. Таниш-билишлар, ҳамкасблар билан кўришиб, дийдорлашиб, роса баҳри дилим очилди. Актёрлар, режиссёрлардан тортиб, оддий хизматчиларгача ҳаммаси кўзимга оловдай кўринар, суҳбатлашиб тўймас эдим. Ниҳоят, тафтим босилгандай бўлди. Эр-хотин ташқарига чиқдик. Автобус бекати томон кетаётсак, орқамиздан биров овоз берди. Қарасам, Ҳусниддин Комилов – театримиз муסיқа цехининг раҳбари.

– Файбулла ака, келинглар, обориб қўяман, – дея машинасига таклиф қилди.

– Йўғ-ей, овора бўлманг. Ўзимиз секин кетаверамиз.

– Овораси бор эканми? Қани, келинглар. Яқинда касалликдан турдингиз, толиқиб қолманг тагин...

Тортиниб машинага ўтирдик.

Себзордан ўтиб, Юнусобод йўлига тушиб олгач, Хусниддин машина тезлигини ошира туриб сўраб қолди:

- Тортиши ёмонмас-а?
- Яхши. Янгиси барибир янги-да.
- Янгиллиги қоптими? – қулди Хусниддин. – Йигирма беш йил минилган. Козим (исми ўзгартирилган) аканики-да!
- Козим ака?..
- «Ёш гвардия» актёри. Бирга ишлагансизлар, шекилли.
- Э, Козим аканикими?
- Буни менга сотиб, «Нексия» олганди раҳматли. Уни кўпам ҳайдамади...

Козим ака... Институтни битириб, «Ёш гвардия» (ҳозирги Ўзбек давлат драма театри)га ишга келганимда, у киши анча хизмат қилиб қўйган, ўйнаган ролларидан кўра ташкилотчилиги, тадбиркорлиги билан кўпроқ танилган актёрлардан ҳисобланарди. У кишининг ташкилотчилиги, айниқса, гастроль сафарларида кўпроқ иш берарди, борган ерида маҳаллий раҳбарлар билан дарҳол тил топишар, етарлича шарт-шароит яратишга эришарди.

Хуллас, Козим акамиз минг тўққиз юз етмиш тўққизинчи йилда яп-янги «Жигули» харид қилди. Харид қилгандаям, ўзи ёқтирган ям-яшил ранглисидан. Ҳатто, шунақаси келишини кутиб, беш-олти ой кечиктириб, натижада 700 сўм ошган нархда (ўша пайтлар 700 сўм катта пул эди) олган бўлса-да, оғзи қулоғида эди. Худди ўша кунлар менинг никоҳ тўйим кунига яқин қолганди. Козим акани машина билан табриклар туриб, унинг қувончига шерик бўлган ҳолда нима дебман денг:

- Козим ака, яна бир ҳафтадан кейин тўйим. Янги машинада ЗАГСга обориб келаркансиз-да!

У ҳам офзи қулоғида хурсанд ҳолатда ваъда бериб юборди:

– Гап бўлиши мумкинмас, старик!

Тўй куним яқинлашяпти. 29 сентябрда эрталаб никоҳ, кечқурун Янгиободда – Насибахоннинг ҳовлисида базм.

Шундан бир кун олдин – 28 сентябрда театр ҳовлисида Козим акани учратиб қолдим-да, ваъдасини эслатиб, тўйга таклиф қилдим.

– Эртага денг-а?... Ҳм... қандок бўларкин, старик, ҳали бир ҳафтаям минилмади. Амортизацияси нозик бўларкан, «Жигули» деган жониворнинг... Бир ой «обкатка» деган нарсалари бор. ЗАГСда келин-куёв, янгилар чиқади. Тагин моторни қиздириб қўйсак...

– Тўғри, тўғри, бу ёғини ўйламабман, узр, Козим ака... Машина бор, қўяверинг... – дебман шошганимдан.

Кечқурун «Ёш ижодкорлар уйи» деб аталадиган ётоқ-хонанинг саккизинчи қаватидаги хонамда ўтирибман-у, миям ғовлайди. «Энди бу ёғи нима бўлади? Қаердан машина топаман?» Машина-ку, топилади, лекин фалон пул сўрайди-да, бегона одам. Мен театрда янги иш бошлаган актёрман. Талаба қатори яшайман. Қариндошларим Бухорода бўладиган асосий тўйимнинг ташвиши билан овора. Улардан ёрдам сўрашим ўнғайсиз. Козим акага ишониб, бирор-бир танишимга айтмаганман. Қолаверса, танишларим ҳам кўпи ўзим қатори. Боз устига, у пайтларда машиналар бугунгидай беқадр бўлиб, тикилиб ётмасди кўчаларда. Шундай ўйлар билан деразамга кўз тикиб ўтирарканман, бирданига хаёлимга келган ўйдан ҳовлиқиб қолдим: э ҳали тўй хабари чала-ку! Шошиб биринчи қаватга тушдим-да, қоровул кампирдан илтимос қилдим: «Телефонингиздан фойдалансам майлими?» Кампир индамай бош ирғади. Биринчи бўлиб

Неъмат ака (Ўзбекистон халқ ёзувчиси Неъмат Аминов) нинг телефон рақамини тердим. Шундай, шундай, эрталаб никоҳ, кечқурун базм, марҳамат қилинг, дедим.

Неъмат ака бирпас ўйланиб қолди-да, кейин ўктамланиб: «Гап бундай, укажон, – деди. – Мен бугун базадан машина олиб келдим. «Жигули». Шу янги машинада бориб, ЗАГСда хизмат қилсам. Лекин, базмга узр... Боролмайман. Хафа бўлмайсиз. Журналдаги ходимларимдан («Муштум» журналида бош муҳаррир эдилар, устоз) бири уйланыпти. Шу йигит уч ойдан бери ҳар кун бир эслатади. Бормасам бўлмайди. Фақат хафа бўлиш йўқ, Ғайбуллажон!»

Энди десангиз, ҳаяжондан нафасим қайтиб: «Майли, акажон, ЗАГСимни ўтказиб берсангиз ҳам бошим осмонга етади», дебман аранг. Шундай қилиб, 29 сентябрь тонги отди. Эрталаб Теша акам (Ўзбекистон халқ артисти Теша Мўминов) тўртта машина – битта «Волга», учта «Жигули» олиб келди. Неъмат акам бўлса яп-янги опшоқ «Жигули»сида улардан ҳам олдин келиб, ётоқхона олдида турди. Ва қаторлашиб Янгиободга жўнадик. Биз келин-куёвлар «Волга»дан кўра опшоқ «Жигули»ни қадрли кўриб, қаторнинг олдида (рулда машҳур ёзувчимиз) никоҳ маросимини ўтказиб қайтдик.

Орадан бир ҳафта ўтиб, 6 октябрда Бухорода асосий тўйимиз бўлиб ўтди. Неъмат ака атайин Тошкентдан етиб борди. У кишига тўй бошловчилигини илтимос қилишган экан, узр сўраб: «Нима бўлгандаям, биз меҳмонмиз. Ана, Райимжон, ўзлари чиройли қилиб олиб борадилар», – дебди, бухоролик санъаткорлар қаторида кириб келаётган Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Райимжон Шукуровни кўрсатиб. Неъмат ака ана шундай маданиятли, юксак фаросатли, айни чоғда ҳожатбарор, камтарин инсон эди.

Шуларни хотирлар эканман, беихтиёр хаёлимга келган ажабтовур фикр тилимга кўчибди: уни қаранглар-а!..

Хусниддин ҳам, ёнимда ўтирган Насибахон ҳам менга ўгирилишди.

– Насиба! Барибир, бир кун шу машинага бир чиқишимиз бор экан! Бундан 25 йил муқаддам биз айнан худди шу машинада ЗАГСга боришимиз керак эди. Ўшанда насиб қилмаганди. Мана, шунча йиллар ўтиб, ажойиб кунларнинг бирида, эр-хотин ёнма-ён кетянимиз. Тақдирингда бўлса, бир кунмас бир кун етишасан, дегани шу бўлса керак-да, а, Хусниддин, нима дедингиз? – дея хазиллашдим...

Сўнги суҳбат

Шу ўринда устоз Неъмат Аминов билан бўлган сўнги суҳбатни келтириб ўтсам. Албатта, ўшанда бу сўнги суҳбат, сўнги учрашув эканлиги хаёлим кўчасига ҳам кирмаган эди.

Неъмат ака билан оилавий борди-келдимиз бор эди. Ўшанда Неъмат ака яқинда касалхонадан чиққан пайтлар, Бухородан келган Салим поччам иккимиз у кишини кўргани Чилонзордаги уйларига бордик. Янга ош дамлади. Неъмат ака бетоб, мен бетоб, лекин чиройли суҳбат, хазил-мутойиба сабаб бўлибми, ошни тенгма тенг едик. Гапдан гап чиқиб, мен бир хангомани сўзлаб бердим...

Болалик пайтларимда Лоша қишлоғида Рўзи девона деган киши бўларди. Қорамағиздан келган, баланд бўйли савдойи бир одам эди. Қишда яланг оёқ, ёзда кирза этик кийиб юрар, эшакка минса оёғи ерга тегиб турарди. Бир куни Садриддин Айний номидаги вилоят театри олдидаги чорраҳадан ўтаётса, бир машина қаттиқ сигнал бериб

юборибди-да, эшаги йўл ўртасида такка тўхтабди. Рўзи девона эшагидан тушиб, арқонидан ҳарчанд тортмасин, халачўп билан ҳар қанча урмасин, қимирламасмиш. Шу пайт театр биносидан бир гуруҳ актёрлар ва тошкентлик меҳмонлар чиқиб қолибдилар (Чамамда, театрнинг янги бир асари премьерасига таклиф қилинган комиссия аъзолари бўлишган улар). Шунда бухороликлардан бири меҳмонлар олдида ўзини кўрсатмоқчи бўлибми, Бухородаям аския бор демоқчи бўлганми, Рўзи девонага гап отибди. «Ҳа, ака Рўзи, сигирингиз юрмай қолдимиз?» – дебди. Рўзи девона бўлса, шундай ғоз қотибди-да: «Ё, тавба, – дебди. – ... (ёмон сўкиниб) хўб ажиб замон бўлди-да, эшак эшакни танимаса-я! Эшакни сигир деб турса-я!»

Шу воқеани гапириб берсам, Неъмат ака роса яйраб кулди. Кейин: «Ғайбуллажон, мен қаламимни ташлаб қўювдим. Йўқ, энди қайтадан қўлга олмасам бўлмайди. Бунақа хангомани увол қилиш яхши эмас! Оббо, Рўзи девона-ей!» – деганди қайта-қайта кулгиси қистаб.

Бу хангома ковозга тушдимиз, йўқми, билмадим. Ҳар ҳолда Устоз вафотидан кейин чоп этилган китобларида уни учратмадим.





ҲАНГОМАЛАР

Ошхўрлар

Бу хангомани устоз санъаткоримиз Наби Раҳимовдан эшитганман.

Уруш йиллари, очин-тўқин замонлар экан. Бир куни Обид Жалилов билан Миршоҳид Мироқилов (Ўзбекистон халқ артистлари) ўзаро хилватда кенгашиб олишибди.

– Миршоҳид, бугун иккимиз дўппидеккина ош қилиб, бир ўтирсак, бўптими?

– Фақат иккимиз-а?

– Албатта-да!

– Мен розиман!..

Шундай қилиб, икки дўст шом қоронғисида узун-қисқа бўлиб, театрдан чиқишибди. Хадрада уларга бир таниқли шоир хамроҳ бўлибди. Бир бекат ўтишибди, шоир улардан ажрамабди, икки бекат ўтишибди, ажрамабди. Қарашса, икки ошхўрнинг режаси пучга чиқадиганга ўхшаб қолибди.

Миршоҳид аканинг сабри тугабди. Секин Обид Жалиловга яқинлашиб, енгидан тортибди.

– Шоирни йўқот, – дебди.

Обид ака индамай кетаверибди.

– Ҳов, сенга айтаянман, шоирни йўқот, – деб қаттиқрок шивирлабди.

Обид акадан садо чиқмасмиш.

Қизиққон Миршоҳид Мироқилов дўстининг енгидан қаттиқ тортибди-да:

– Кулоғинг том битганми, шоирни йўқот, дедим.

Нихоят, «Обид ака» тилга кирибди.

– Қаёққа йўқолай, Миршоҳид, – дебди.

Гап шундаки, тушмагур Миршоҳид ака қоронғида Обид Жалилов деб ўйлаб, у каби баланд бўйли шоирнинг енгини тортқилаб ётган экан.

Дуогўйлар

Бу хангомани устоз санъаткоримиз, Ўзбекистон халқ артисти Толиб Каримовдан эшитганман.

Актёр халқи фақат театрдаги фаолияти билан чекланиб қолмайди, албатта. Кинода ўйнайди, дубляжда қатнашади. Радиода, телевидениеда қўйилган сахнавий асарларда роллар ижро этади. Бу бир томондан уни чархласа, ижро маҳоратини оширса, иккинчи томондан ҳамёнига қувват беради.

Ўтган асрнинг олтмишинчи йиллари экан. Телевидение энди оёққа тура бошлаган. Радионинг мавқеи эса жуда баланд. Ҳар ҳафта янги инсценировка, радиоспектакль ёки бўлмаса театр радиомонтажлари берилади. Одамлар атайин кутади. Буларга қўшимча яна «Гулшан», «Дугоналар», «Табассум» радиожурналлари эфирга чиқа бошлайди ва буларнинг барчасига театр актёрлари жалб қилинарди. Радиочилар бу ишларда асосан устоз Наби Раҳимов маслаҳати, ёрдамига таянишар, яъни, сценарийни Наби акага тутқазиб, кимларни жалб қилишни у кишининг ўзига ҳавола этишаркан. Наби ака бўлса сценарий билан танишиб, лозим кўрган актёрларини керакли пайтда радиостудияга бошлаб бораркан.

Нима бўлади-ю, Наби ака стационарга тушиб қолади. Ўн беш кунча даволанади. Ўшанда Миллий театр ҳали эски биносида бўлган. Репетициядан чиққан актёрлар ҳовлида

айланишиб турган экан. Наби ака бошида машхур шляпаси, кўлида папка билан кириб келади. Кўпчилик гурра унга пешвоз чиқади. Салом-аликдан кейин Наби ака томоқ қириб олади-да, қора сумкасидан бир даста қоғоз чиқаради. «Хўп, мен ҳозир тўғри радиодан келяпман. Мана сценарий. Янги постановка. Жуда зўр, ўттизта роль бор. Лекин, – дейди Наби ака яна маъноли томоқ қириб олиб, – фақат мени касалхонага кўргани борганларгагина роль тегаети, бормаганларга йўқ!» Шундай деб орқароқда «айбдорона» кўл қовуштириб турган актёрларга қараб кўяди. Шунда ҳалиги «айбдорлар» – Шариф Қаюмов, Лутфулла Назруллаев ва Саъдихон акалар: «Э, э, Набижон, бизни маъзур тутинг, тўғри, биз боролмадик. Лекин, биз дуо қилиб турдик, ха, биз дуода эдик»... – дейишармиш бараварига.

Тожибой аканинг «шамоллаши»

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Тожибой Норматов билан бир қанча спектаклларда партнёр бўлганман. Масалан, Ҳамзанинг «Майсаранинг иши» комедиясида (режиссёр Баходир Йўлдошев) у киши Мулла Дўстни, мен Мулла Рўзи Аъламини ўйнаганмиз. Нозим Ҳикматнинг «Тентак» пьесаси асосидаги спектаклда, бир поляк драматургининг (исми эсимдан чиқибди) «Тун қиссаси» спектаклида бирга ўйнаганмиз. Шу спектаклга боғлиқ кулгили бир ҳолат ёдимга тушди. Ўзбекистон халқ артисти Убайдулла Омон сахналаштирган бу асарда хурматли санъаткорларимиз Мурод Ражабов, Карим Мирходиев, Ҳошим Арслонов, раҳматли бўлиб кетган атоқли санъаткорларимиз Тўғон Режаметов, Ширин Азизовалар қатнашган эди. Асарда йўл бўйидаги Кемпенгга (Тунги кўноқ) кечаси уч қуролли

босқинчи кириб, одамларни талайди, азоб беради. Мен бош ролда чикқанман, Тожибой ака бир чолни ўйнаган эди. Чол ўтирган жойида босқинчиларнинг каттасини инсофга чақириб: «Ўғлим менга қаранг...» – деб гап бошлаганда, у (Мурод Ражабов): «Отахон, мен билан гаплашаётганинда ўрнингдан туриб гаплаш», – деб зуғум қиладиган жойи бор. Нима бўлди-ю, ўғрилар бостириб кирганида чол ҳам (Тожибой Норматов) ўрнидан туриб кетди-да: «Ўғлим менга қаранг...» – деб гап бошлаб қолди. Энди Мурод аканинг усталигини қаранг: «Отахон, мен тарбия кўрган йигитман. Ўзимдан катталар билан гаплашганда ўтириб гаплашишни хоҳлайман, ўтиргин, хурматинг бор», – деб вазиятдан чиқиб кетди. Кейин шу нарсани эслатиб, Тожибой акага ўтириб гаплашинг, деб ҳазил қилиб юрадиган бўлгандик.

Тожибой ака жуда тартибли актёрлардан эди. Репетицияга ўн беш дақиқамас, ярим соат, қирқ минут олдин келиб турарди. Нима сабабдандир, бир сафар Баходир аканинг репетициясига ўн беш дақиқалар кеч қолиб келди. Эшик тик-тик қилди-да, секин очилди. Ҳамма ўгирилиб қаради. Тожибой ака мактаб боласидеккина кизариб турибди. Бир йўталиб олиб, «Ассалом алайкум, мумкинми, – деди. – Кечирасиз, Баходир ака, шамоллаб қолибман. Ўхў-ўхў. Шунга дўхтирга ўтиб келяпман... Ўхў-ўхў...» Баходир ака «киринг» дегандай бош ирғади. Саҳнада репетиция давом этяпти. Ҳар ўн, ўн беш минутда Тожибой ака йўталиб, йўталиб қўяди. Ўхшамайди. Бир-биримизга қараб кулиб қўямиз. Умрида ёлғон гапирмаган одам, ёлғондакам йўтални ҳам эплолмаяпти-да. Хуллас, репетиция уч соатларда тугади. Шундан кейин Баходир ака қўлидаги сценарий папкасини шарақ этиб ёпти-да, тўғри Тожибой акага қараб: «Оббо, Тожибой ака-ей, – деди, ҳамма

Тожибой акага каради. У бўлса кўзини каёкка яширишни билмайди. – Ўн беш минутгина олдин келганингизда-ку, томоғингизга шунчалик азоб бермасдингиз. Раҳмим кеп кетди», – деб ўрнидан турди. Ҳамма гур этиб кулиб юборди. Тожибой ака бўлса, қўл кўтариб ўрнидан турди: «Бўлди, Баҳодиржон, бўлди. Етади шу гапингиз!» – деди илжайиб.

Ҳар кун ҳам бўлавермайдиган тасодиф

Бу хангома Санъат институти драма театри ва кино актёрлиги бўлимига ҳужжат топшираётганимда бўлиб ўтганди. Хушрўйгина қиз ҳужжатларимни кўздан кечираётиб, уч-тўрт қадам наридаги столда ўтирган шериги билан гап сотяпти.

– Гуля, кеча қизик хангома бўлди, – деди у шарақлаб кулиб, – ёнимга рус группасига ҳужжат топширган бир йигит келди. Ҳужжатимни қайтиб олмоқчиман, фикрим ўзгарди, бошқа ерда ўқимоқчиман, дейди. Нега, дедим. Ўзим шундай, деди. Бўпти, рақамингни айт, дедим. Жим. Ерга қарайди. Ҳа, нима бўлди, эсингдан чиқдим, дедим. Уяляпман, дейди. Иби, нега, дедим, тавба, нега уяласан?..

Охири айтди. Бир юз саккиз (яъни сто восьмой) дейди.

Ўша пайтдаги жинойт кодексида текинхўр, бетайин, саёк, пияниста шахслар 108-модда билан айбланиб, улар халқ тилида «сто восьмой» деб аталарди. Бечора йигит шундан уялиб турган экан.

У гапираётиб, ёзаётиб, бирданига ҳайратланиб бақириб юборди.

– Э, яна битта сто восьмой!

Дугонаси ишонмай унинг олдига югуриб келди ва:

– Вой, тавба, ростданам сто восьмой-ку, – деди у ҳам ва иккиси шарақлаб кулиб юборишди.

Табиийки, менинг жаҳлим чикди. Қовоқ уйиб, тумтайиб олганимни кўрган биринчи қиз менга қараб самимий жилмайди.

– Сен йигитча, хафа бўлма, бунақа тасодиф ҳар кун ҳам бўлавермайди, – деди. – Танишиб қўяйлик, мен ҳам талабаман, тўртинчи курсни битирдим. Исмим Мунаввара, деди.

Ўша шаддод қиз – бугунги кунда Республикада хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси, таниқли режиссёр ва актриса Мунаввара Абдуллаева опамиз 1973 йил 9 июлда ёзиб берган 108-рақамли тилхатни ҳалигача сақлаб келаман. Ҳар кўрганимда беихтиёр жилмайиб қўяман.

Бўладиган бола

Театримиз реквизит цехига Фуломжон Алимов деган йигитча ишга келди. Киришимли йигит экан, кўпчилик билан тез орада танишиб, апоқ-чапоқ бўлиб кетди. Назаримда, айниқса менга ўзини яқин тутарди. Ўшанда мен «Пири коинот»да, «Соҳибқирон Амир Темур»да, «Усмон Носир», «Афанди»да етакчи ролларни ўйнаётган, журналистлар тили билан айтганда «ижодим гуллаган» бир давр эди.

У сахна безашда қатнашиб юраркан, иш орасида вақт топиб, менинг олдимга келар, актёрликка ҳавасмандлиги, бу йил театр институтига киролмаган бўлса ҳам, вақти беҳуда ўтмаётгани, машҳур актёрлардан (жумладан, мендан ҳам) катта сабоқ олаётганини тўлиб-тошиб гапириб ўтирарди. Сиз менинг биринчи устозимсиз, Файбулла ака, дерди оғзини тўлдириб.

Бунақа эътироф кимга ҳам ёкмайди, дейсиз. Мен ҳам ўз навбатида, унга кўнглим илиб, кўлимдан келганича «устозлик» маслаҳатларимни аямайдиган бўлдим.

Бир куни, кулисни оралаб сахна томон ўтиб бораётсам, бехосдан Фуломжоннинг овозини эшитиб қолдим. Қадамимни секинлатиб, қулоқ солдим.

Сахнада Рихсивой ака (Ўзбекистон халқ артисти Рихсивой Авазов), унинг рўпарасида менга орқа ўгирганча Фуломжон турар ва худди монолог ўқиётгандек гап берарди.

– Рихсивой ака, сиз улуғ санъаткорсиз. Мен институтга киролмаганим билан сира ўкинмайман, сиздай санъаткорлар билан танишдим. Институтда ўқиганимда ҳам бунчалик сабоқ ололмасдим. Айниқса, сиздан кўп нарса ўргандим. Сиз менинг биринчи устозим бўлдингиз, ҳа, сиз биринчи устозимсиз.

Шўхлигим тутди. Жиноят устида қўлга туширган каби орқасидан бордим-да, шаппа икки елкасидан тутиб, ўзимга қаратдим.

– Мен-чи, мен нечанчи устозингман?! – дедим жиддий тикилиб.

Фуломжон бир зум анграйиб қолди.

– Сиз... Сиз... Файбулла ака... Сиз...

Шундай «сиз...сизлаб» туриш асноси ўзини тутиб олди-да тўсатдан:

– Сиз, Файбулла ака, нолинчи устозимсиз, – деди.

Ҳалиги «жиддиятим» бирдан йўқолди-да, шарақлаб кулиб юбордим.

– Сен, Фуломжон, актёр бўласан. Сендан зўр актёр чиқади, – дедим кула-кула. Дарҳақиқат, актёрда хозиржавоблик, ўзини йўқотмаслик, ҳар қандай вазиятдан чиқиб кета олиш қобилияти ҳам бўлиши керак. Фуломжонда мен шундай қобилиятни кўргандим.

Ғалати саломлашув

Бу хангомани Ўзбекистон халқ артисти Ойбарчин Бакировадан эшитганман.

Мустақиллигимизнинг дастлабки йиллари. Миллий ўзлгимиз уйғона бошлаган, одамларимизда рухий тозариш, юксалишлар сезилаётган даврлар.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, суюкли онахон актрисамиз Лола Бадалова кўчада кетаётсалар, рўпараларидан уч-тўртта нуроний отахон гурунглашиб келаверибди. Опамиз уларга яқинлашиб, тавозе билан саломлашмоқчи бўлиб, кўлларини кўксиларига кўйибдилар-да:

«Ассалому алайкум», дейиш ўрнига беихтиёр «Бисмиллоҳир раҳмонир роҳим», деб юборибдилар.

Ҳалиги отахонлар илкис тўхтаб, таниш актрисага қараб қолишибди-да, кейин тушуниб, «Ва алайкум ассалом», деб сир бермай ўтиб кетишибди. Опанинг ўзи бўлса, беихтиёр ё тавбангдан, деб кулиб юборибдилар.

Масков бошқаруви

Муҳиддин хожи ака деган бир ҳамюртимиз бор. Зукотабиат, донишманд бир инсон. Коса тагида ним коса деган ибора бор. Муҳиддин аканинг ҳар бир гапи ана шунақа тагдор бўлади. Бир куни машинада шу киши ҳамроҳлари билан Лоша деган қишлоқдан Бухорога қараб йўлга тушишибди. Шаҳарга кираверишда, машина бир қалқиб тўхтабди. «Ҳа, – дебди гурунг бериб келаётган Муҳиддин акамиз ҳайдовчига қараб, – нимага тўхтадинг?» «Қизил», – дебди ҳайдовчи йўлчироққа ишора қилиб. – Оббо, падарқусур-ей! – дермиш шунда ҳайратга тушган бўлиб Муҳиддин ака. – Масковдан туриб йўлни бойлади-я!

Рус тили дарсида

Институтга янги кирган пайтларимиз.

Рус тили ва адабиёти дарсида ўқитувчи бир курсдошимизни доскага чиқарди. Курсдошимиз, узок вилоятдан келган, рус тилидан саводи хаминқадар, илжайиб чиқиб келди. Ўқитувчи «Рус тилидаги сўз туркумлари» мавзуси юзасидан савол берди. «Имя существительное» ҳақида гапиринг. Курсдош ҳеч нарса гапиролмади. Ҳеч бўлмаса, айтингчи, «Имя существительное» ўзбекчада нима дейилади? Яна жим. Шу пайт курсдошлар ёрдам бермоқчи бўлиб, шивирлай бошлашди. «От, от, от дегин...» Йигит «от» демоқчи бўлди-ю, лекин ўзича буни русчага ўгириб айтиш керак деб ўйлади, чоғи, «лошадь» деб юборса бўладими!

– Что?!

– Лошадь...

– Какой лошадь?! – фифони чикди ўқитувчининг. Курсдошимиз шоша-пиша хатосини тузатмоқчи бўлди.

– Измените, измените, не лошадь, а конь, конь!..





САРҲИСОБ ҚИЛМОҚЧИ БЎЛГАНИМ

Бир куни нимадир сабаб бўлди-да, тўхта-чи, дедим ўзимга ўзим: «Сен ҳам, мана, анча йўлни босиб қўйдинг, набиралар кўрдинг. Сочинг бинойидай мош-гуруч бўлиб қолди. Қувватинг ҳам, хаминқадар, гарчи тан олгинг келмаса-да... Ҳар ҳолда, кучинг танангга сиғмай юрган кечаги Файбулла эмассан. Анчагина вазмин тортиб, ўзингга, атрофингга танқидий назар билан қарай бошладинг. Насиҳатгўйликка майл пайдо қилгансан. Бу ниманинг аломати, биродар! Демак, йиллар ўз ҳукмини ўтказяпти ва билиб-билмай унинг измига тушыпсан. Энди дўппини аста тиззангга олиб қўйиб, шу чоққача ўтган умринг ҳақида, аввал бошда ниятлар қандай эди-ю, улар қай даражада амалга ошди, нималар қилмоқчи эдинг, нималар қила олдинг? Шуларни бир хотира элагидан ўтказиш, сарҳисоб қилиш вақти келди! Бу дегани, шоир айтмоқчи: кўнгил қолди орзулардан ҳам, дея ҳамма нарсага қўл силташ эмас. Худо хоҳласа, олдинда ҳали ҳаёт бор, демак, нималардир қилишга имкон бўлади. Фақат, одам боласи маълум бир манзилга етганда, ортига бир қараб олиши керак. Ортга қараш ортга қайтиш эмас. Аксинча, бу нарса келгуси манзиллар йўналишини аниқ белгилаб олиш учун зарур-ку деган фикрга келдим. Шу каби «файласуфона» ўй-хаёллар таъсирида нимагадир иқроп бўлдим, нимагадир яна умид боғладим ва буям бир гап-да, дедим-да, ёзув столига ўтирдим.

Нимадан бошласам экан? Ҳа, бўлди, бир бошидан бошласам, тўғри бўлар дедим-да, катта сахнадаги биринчи қадамларим, биринчи ролларим хусусида фикр юритишни лозим топдим.

Ўзбек давлат драма театри (собик «Ёш гвардия»)да:

1. Мар Байжиевнинг «Тўй муборак, қариқиз» асарида (режиссёр Бахтиёр Ихтиёров) бош қаҳрамон – бастакор, дирижёр йигит ролида чиқдим. Асар собик Иттифоқ танлови (1977 йил)да иккинчи ўринни олди.

(Шундан сўнг бир ярим йил ҳарбий хизматда бўлиб қайтдим.)

2. Максим Каримовнинг «Интилганга толе ёр» асари асосида ишланган спектаклда (режиссёр Пўлат Файзиев) бош ролни ижро этдим.

3. Ўткир Ҳошимов асари асосида ишланган «Баланд дорга осилма» спектаклида (режиссёр Рустам Бобохонов) Мўъминжон Комилович ролини ижро этдим.

4. Вампиловнинг «Гуноҳкор авлиё» асари асосида сахналаштирилган спектаклда (режиссёр Наби Абдурахмонов) Федя шайтон ролини ўйнадим.

5. Поляк драматургининг «Тун қиссаси» спектаклида (режиссёр Убайдулла Омон) бош ролни ўйнадим.

6. Ҳамзанинг «Майсаранинг иши» комедиясида (режиссёр Баходир Йўлдошев) Мулла Рўзи Аъламни ўйнадим.

7. Нозим Ҳикматнинг «Тентак» асари асосида сахналаштирилган спектаклда (режиссёр Ҳотам Файзиев) рус эмигрант офицери ролини ўйнадим.

8. Тўра Мирзонинг «Сочидан салом» асари асосида кўйилган спектаклда (режиссёр Наби Абдурахмонов) бош қаҳрамон Файбулла ролини ўйнадим.

9. Машраб Бобоевнинг «Ўттиз ёшлилар» асари асосида сахналаштирилган спектаклда (режиссёр Бахтиёр Ихтиёров) профессор ролида чиқдим.

10. Ўткир Хошимовнинг «Сендан угина...» асари асосида сахналаштирилган спектаклда (режиссёр Рустам Бобохонов) ҳам профессор ролини ўйнадим.

11. Ўлмас Умарбеков қаламига мансуб «Отилмаган ўқ» асари асосида ишланган спектаклда (режиссёр Бахтиёр Ихтиёров) босмачи Абдуллани ўйнадим.

12. Александр Гельман қаламига мансуб «Зинуля»да (режиссёр Баҳодир Йўлдошев) курилиш бошқармаси бошлиғи ролини ўйнадим.

13. «Қозон университети» спектаклида (режиссёр Рустам Бобохонов) Никонов ролини ижро этдим.

14. Исфандиёр қаламига мансуб «Отасининг қизи»да (режиссёр Бахтиёр Ихтиёров) бош қахрамон Бахтиёр ролини ўйнадим.

15. Ҳайитмат Расулнинг «Узоқ кишлок» асари асосида сахналаштирилган спектаклда (режиссёр Баҳодир Йўлдошев) эпизодик роль – архитектор ролида чиққанман. (Бир сафар бош қахрамон ижрочиси касал бўлиб қолганида ўша ролни ҳам ижро этганман. Бу ҳақда «Баҳодир аканинг сабоқлари» деган ёдномамда айтиб ўтдим.)

16. Абдуқаҳҳор Иброҳимовнинг «Биринчи бўса» асари асосида сахналаштирилган спектаклда (режиссёр Эргаш Масафоев) Ҳамид ролида чиққанман.

17. Муҳаммад Хайруллаевнинг «Тинмасин соз» асари асосида сахналаштирилган спектаклда (режиссёр Омон Абдураззоқов) Дўснат ролини ўйнаганман.

18. «Чернобиль фожиаси» спектаклида (режиссёр Баҳодир Йўлдошев) АЭС директори ролини ижро этдим.

19. «Метродаги можаро» спектаклида (режиссёр Арсен Исмоилов) сержант Троттер ролини ўйнадим. (Америка ҳаётидан)

20. «Шайтон фаришталари» спектаклида (режиссёр Баходир Ёўлдошев) сержантлар мактаби талабаси ролида чиққанман. (Америка ҳаётидан)

Ўзбек Миллий академик драма (собиқ Ҳамза номидаги) театрида:

1. Шукруллонинг «Ўғрини қароқчи урди» асарида (режиссёр Рустам Ҳамидов) Ибодхўжа ролини ўйнадим.

2. Иззат Султоннинг «Абдулла Қодирийнинг ўтган кунлари» деган асари асосида сахналаштирилган спектаклда (режиссёр Латиф Файзиев) НКВД комиссари ролини ўйнаганман. Шу асарда бир йилдан кейин Ёўлдош Охунбобоев ролида ҳам чиққанман. (Ўрни келиб қолди, чамаси, бир мақтаниб кўяй. Бунақа ходисалар, илгари айтганимдек, ҳаётимда кўп такрорланган. Иссиқ жоннинг иситмаси бўлади, айрим бир вазиятлар юз бериб қоладики, актёр келолмай қолади. Чипталар сотилган, ҳатто томошабинлар тўпланиб бўлган, томошани тўхтатиб бўлмайди. Шунда кўпинча мен «бошимни кундага кўйиб» сахнага чиқиб кетаверардим. Чунки унда бошқаларнинг сўзлари ҳам ёдимда қолаверган экан-да).

3. Шекспирнинг «Кореолан» асарида (инглизчадан Жамол Камол таржимаси, режиссёр Рустам Ҳамидов) салбий қаҳрамон Тув Авфилий ролида чиқдим. Шу ролим учун 1988 йил якунида бадиий кенгаш томонидан йилнинг энг яхши актёри сифатида эътироф этилдим.

4. Чўлпоннинг «Ёркиной» асарида (режиссёр Носир Отабоев) Ўлмас ботирни ўйнадим.

5. Эркин Воҳидов қаламига мансуб «Истанбул фожиаси» асарида (режиссёр Носир Отабоев) турк комиссари ролида чикдим.

6. Абдурауф Фитрат қаламига мансуб «Абулфайзхон» драмасида (режиссёр Марат Азимов) Ҳакимбий оталиқ ролини ижро этдим. 1994 йил Бадиий кенгаш томонидан йилнинг энг сара актёри, деб эътироф этилдим.

7. Абдулла Қодирийнинг «Меҳробдан чаён» асарида (режиссёрлар: Турғун Азизов, Мунаввара Абдуллаева) Солих Махдумни ўйнадим. 1995 йил «Тошкент баҳори» театр фестивалида «Энг яхши эркак роли» номинациясига лойиқ деб топилдим.

8. Салоҳиддин Сирожиддиновнинг «Фигон» асарида (режиссёр Марат Азимов) Амир Насрулло ролида чикдим.

9. Шекспирнинг «Қирол Лир» асарида (режиссёрлар: Турғун Азизов, Сергей Каприелов) граф Глостерни ижро этдим.

10. Иброҳим Содиқовнинг «Афандининг беш хотини» асарида (режиссёр Марат Азимов) Насриддин Афанди ролини ижро этдим.

11. Нодира Рашидованинг «Усмон Носир» асарида (режиссёр Марат Азимов) Носир хожи ролини ижро этдим.

12. Ҳайитмат Расулнинг «Пири коинот» асарида (режиссёр Валижон Умаров) Аҳмад ал-Фарғоний ролини ижро этдим.

13. Кристофер Марло асари оҳангларида Асрор Самад пьесаси «Соҳибқирон Темур»да (режиссёр Карим Йўлдошев) турк султони Йилдирим Боязидни ижро этиб, Амир Темур жамғармаси мукофотини олдим.

14. Абдулла Ориповнинг «Соҳибқирон» асарида (режиссёр Олимжон Салимов) Хожа Аҳмад Яссавий хазратлари ролини ижро этдим. 1996 йилнинг «Энг яхши эркак роли» номинациясига сазовор бўлдим.

15. Мақсуд Шайхзоданинг «Мирзо Улуғбек» асарида (режиссёр Турғун Азизов) Бобо Кайфий ролини ижро этиб, устоз Наби Раҳимов дуосини олганман.

16. Иззат Султон ва Уйғуннинг «Алишер Навоий» асарида (режиссёр Турғун Азизов) Уста Жалолиддин меъмор ролида чиқдим.

17. Усмон Азимнинг «Кундузсиз кечалар» асарида (режиссёр Валижон Умаров) Абдурауф Фитрат ролини ўйнадим.

18. Усмон Азим қаламига мансуб «Бир қадам йўл» асарида (режиссёр Валижон Умаров) хорижлик меҳмон ролида чиқдим.

19. Муҳаммад Хайруллаевнинг «Жар» асарида (режиссёр Сергей Каприелов) институт домласи (салбий роль)ни ўйнадим.

20. Ҳайдар Муҳаммаднинг «Бир жиноят изидан» асарида (режиссёр Марат Азимов) Барзанги ролини ўйнадим.

21. Ҳайитмат Расул қаламига мансуб «Муҳаббат султони» асарида (режиссёр Марат Азимов) Мажнуннинг яқин дўсти ролини ижро этдим.

22. Одил Ёқубов қаламига мансуб «Бир кошона сирлари» асарида (режиссёр Турғун Азизов) Имом ролида чиқдим.

23. Эркин Хушвақтов қаламига мансуб «Қаллиқ ўйини»да (режиссёрлар: Турғун Азизов, Ҳамида Маҳмудова) Мулла бува ролида чиқдим.

24. Ҳайдар Муҳаммаднинг «Хотинлар гапидан чиққан хангома» комедиясида (режиссёр Марат Азимов) терговчи ролини ўйнадим.

25. Ҳайитмат Расул, Йўлдош Муқимовларнинг «Муқаддас тахти зар»ида (режиссёр Арсен Исмоилов) Ҳоким ароба ролини ўйнадим. Бу мен учун Миллий театримиз

сахнасидаги сўнги ижро бўлди. Факат премьерарада чикдим. Кейин хасталик бошланди...

26. Шекспирнинг шох асари «Гамлет»да (режиссёр Турғун Азизов) Полоний ролини тайёрлаган эдим, афсуски, сахнага чиқиш насиб этмади.

**«Ўзбектелефильм» студияси,
Ўзбекистон телевидениеси ва катта
экранларда намойиш этилган фильмларда
ижро этган ролларим:**

1. Шавкат Жунайдуллаев режиссёрлигидаги «Чархпалак» сериалида (Ш.Бошбеков асари) Хурсандбек ролида чикдим.

2. Дилором Каримова режиссёрлик қилган «Қуёши ботмайдиган юрт» кўп қисмли видеофильмда (Н.Норқобилов асари) кайнота ролини ўйнадим.

3. Шавкат Жунайдуллаев режиссёрлигидаги «Қайтар дунё» сериалида кичик бир сўзсиз сахнада чикдим (Бу хасталикдан кейинги биринчи қадамим бўлди).

4. Саид Мухтор режиссёрлигидаги «Шаббона» бадий фильмида Абдуқодир ота роли.

5. Санжар Шодиев режиссёрлигидаги «Ортиқча омад» бадий фильмида Донишманд роли.

6. Шавкат Жунайдуллаев режиссёрлигидаги (Равшан Қуттумов асари) «Умидингни сўндирма» сериалида Аброр ота роли.

7. Баҳодир Аҳмедов режиссёрлигидаги (Ш.Бўтаев асари) «Қалдирғочлар яна қайтади» сериалида Пўлат тоға роли.

8. Санжар Бобоев режиссёрлигидаги (Ш.Бўтаев асари) «Дил пайванди» сериалида Абдулҳамид роли.

9. Ориф Йўлдошев, Нажмиддин Фуломов режиссёрлигидаги «Укубат» бадий фильмида эпизодик салбий ролни ўйнадим.

10. Баҳодир Ортиқов режиссёрлигидаги «уч Д» форма-тидаги «Папагандус – афсонавий гиёҳ» фильмида профессор Музаффар Сирожиддинович роли.

11. Жавоҳир Қосимов режиссёрлигидаги «Занги ота» ҳужжатли фильмида Хожа Аҳмад Яссавий қиёфаларида чиқдим.

12. Дилором Каримова режиссёрлигидаги (Х.Даврон асари) «Алғул» фильмида Амир Шоҳ Валий роли.

13. Шавкат Жунайдуллаев режиссёрлигидаги «Аммажоним, аммажон» сериалида маҳалла оқсоқоли роли.

14. Мақсуд Юнусов режиссёрлигидаги (С.С. Бухорий асари) «Имом Бухорий» кўп қисмли видеофильмда Абу Ҳафс Кабир роли.

15. Мақсуд Юнусов режиссёрлигидаги (Алишер Навоий асари) «Лайли ва Мажнун» кўп қисмли видеофильмда Мажнуннинг отаси роли.

16. Мақсуд Юнусов режиссёрлигидаги (Чўлпон асари) «Кеча ва кундуз» кўп қисмли видеофильмда Шарофиддин Ҳожи жаид роли.

17. Ҳамид Қахрамонов режиссёрлигидаги (Мақсуд Шайхзода асари) «Жалолиддин Мангуберди» икки қисмли видеофильмда Бадриддин роли.

18. Файрат Убайдуллаев режиссёрлигидаги (А.Абдураз-зоков асари) «Ўртоқ Бойкенжаев ва бошқалар» видео-фильмида Йўлдош Васильевич роли.

19. Толибжон Ҳамидов режиссёрлигидаги (Анор асари) «Фидойи» видеофильмида бош қахрамон Эдик роли.

20. Мақсуд Юнусов режиссёрлигидаги (П.Қодиров асари) «Бобур» кўп қисмли видеофильмда Узун Ҳасан роли.

21. Мақсуд Юнусов режиссёрлигидаги (У.Отажон асари) Алишер Навоий ҳақидаги туркум видеофильмларда бир қатор ролларни ўйнадим.

22. Ҳамид Қахрамонов режиссёрлигидаги (Агата Кристи асари) «Қопқон»да бош қахрамон Жаюс роли.

23. Ҳамид Қахрамонов режиссёрлигидаги (Проспер Мериме асари) «Осмон ва дўзах» видеофильмида Дон Пабло ролини ўйнадим.

24. Ҳамид Қахрамонов режиссёрлигидаги «Бир актёр театри» туркумида қирқ беш дақиқали бир қатор асарларни жонли эфирда ижро этганман. Масалан, Ҳамид Олимжоннинг «Роксананинг кўз ёшлари» асари, Султон Жўранинг «Жордано Бруно» асари, Михаил Шолоховнинг «Нафрат мактаби» асари ва бошқалар.

Ўзбекистон радиосида тайёрланган радиопостановкаларда ижро этган ролларим:

1. Ғойибназар Искандаров режиссёрлигидаги (А.Суюн асари) «Сарбадорлар»да Абу Бакр Калавий роли.

2. Ғойибназар Искандаров режиссёрлигидаги (О.Ёқубов асари) «Улуғбек хазинаси»да Мирзо Улуғбек роли.

3. Гулчехра Ғиёсова режиссёрлигидаги (П.Қодиров асари) «Она лочин нидоси»да Мирзо Улуғбек роли.

4. Раҳмат Жумаев режиссёрлигидаги (У.Қўчқор асари) «Имом Бухорий»да Имом Бухорий роли.

5. Қурбонали Искандаров режиссёрлигидаги (С.Сиёев асари) «Султон-ул орифиннинг сўнгги сафари»да Хожа Аҳмад Яссавий роли.

6. Раҳмат Жумаев режиссёрлигидаги (О.Мухтор асари) «Амир Темур ва Ҳофиз Шерозий»да Ҳофиз Шерозий роли.

7. Собиржон Содиков режиссёрлигидаги (Т.Содиков асари) «Фалакнинг гардиши»да Толибжон роли.

8. Рустам Расулов режиссёрлигидаги «Файзулла Хўжаев»да Файзулла Хўжаев роли.

Дубляжда

Дубляж соҳасидаги дастлабки фаолиятим 1994 йил «Насриддин Бухорода» фильмидан бошланган эди. 1943 йил суратга олинган мазкур фильмда Насриддин Афанди ролини маҳорат билан ижро этган рус актёри Лев Свердлинга овоз берганман. Кейин 1947 йилда олинган «Насриддиннинг саргузаштлари» фильмида устоз Раззоқ Хамроевга овоз бердим.

Дубляжда иштирок эта бошлаганимга Мирғиёс Мирсоатов исмли дубляж режиссёри сабаб бўлган эди. Бир куни «Афандининг беш хотини» спектакли тугаб, гримхона томон бораётсам, биров чақириб қолди. Қарасам, Мирғиёс ака, Тўти опа миз (Ўзбекистон халқ артисти Т.Юсупова)нинг хўжайинлари. «Сен эртага телефильмга бориб, Камолиддин Усмоновга учрашсанг, – деди. – У «Насриддин Бухорода» фильми учун Афандига овоз қидириб юрибди. Кўриб турибман, хойнаҳой, эплаб кетасан...»

Эртаси кун Камолиддин акага учрашдим. Овозим тўғри келди. Лекин, тажрибам йўқ эмасми, бир ҳафталик иш бир ойга чўзилди. Камолиддин ака сабр билан ўргатди. Мени қўйинг, барибир қўлимдан келмайди, дейишимга қарамай, кеча-кундуз тиндирмади. Бир ойлик машаққатлар бекор кетмабди, шекилли, иккинчи фильм – «Насриддиннинг саргузаштлари»ни овозлаштириш анча осон кўчди.


Хуллас, шу тарзда дубляждаги фаолиятим бошланиб кетди. «Қусто командасининг сув ости саргузаштлари» (114 қисм), хинд эпоси «Рамаяна» (77 қисм), Миср киночиларининг «Оқибат» сериали (18 қисм), яна «Қундуз бобонинг эртаклари», «Денгиз итлари», «Қирол шер», «Соҳибжамол ва махлуқ» каби мультфильмлар... Булардан ташқари, Англия, Америка, Италия, Япония, Туркия,

Россия, Қозоғистон, Франция, Араб фильмларига овоз берганманки, санайверсам, бир неча юздан ошиб кетади. Аввалига, хали айтганимдек, битта фильмга бир ой вақт кетган бўлса, кейинчалик бир ойда бир неча фильмларни ўзбекчалаштиришга ярай бошладим. «Кўз қўрқок, қўл ботир» деганларидек, ҳамма нарсанинг онаси меҳнат, ҳаракат экан. Яна шуниси ҳам борки, сенинг ҳаракатинг, меҳнатингни тўғри йўналтириб, имкониятинг, иқтидорингни юзага чиқарувчи устозинг борлиги ҳам катта аҳамиятга эга экан. Мен бу ўринда Камолиддин Усмонов, Йўлдош Абдукаримов, Мукамбар Раҳимова, Рустам Қурбонов, Ҳожимурод Валиев, Баходир Қосимов каби дубляж режиссёрларининг, кейинчалик уларнинг издоши сифатида бу соҳага кириб келган Матёқуб Орзиев, Комилжон Турсунбоевлар ғамхўрлиги, фидойилиги, сабр-матонатини миннатдорлик билан эслаб ўтгим келади. «Дубляж ўзига хос мураккаб санъат, – дерди раҳматли устоз Камолиддин Усмонов. – Фильмда роль ўйнаган актёр камера олдида келгунча ойлаб машқ қилади. Сиз беш дақиқа ичида ўша актёр ҳолатига тушишингиз, уни ҳис қила олишингиз керак бўлади. Дубляж ана шунақа хозиржавобликни талаб қилади».

Дубляж усталаридан таниқли актёрлар Фарзиддин Фаёзов, Омон Абдураззоқов, Иноғом Одиллов, Ҳожиакбар Нурматов, Римма Аҳмедова, Мукамбар Раҳимова, Афзал Рафиқов, Ёқуб Аҳмедов, Ойбарчин Бакирова, Гулчехра Жамилова, Диас Раҳматов, Ширин Азизова, Фарҳод Аминов, Теша Мўминов, Маҳмуджон Дўсматов, Эркин Комиловлар билан бирга ишлаганим мен учун катта ижод мактаби вазифасини ўтади, улардан сўз орқали ҳолатни бериш, кайфиятни ифодалай олиш, қолаверса, образ яратиш санъати сирларини ўргандим. «Ўзбектелефильм»

қошидаги дубляж студияси директори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Баходир Абдуллаевнинг қилган яхшиликлари, уларнинг берган йўл-йўриқлари мен учун муҳим аҳамиятга эга бўлган. «Ўзбекфильм» киностудияси муҳаррири, таниқли таржимон Қодир Мирмуҳамедов билан мулоқотларимдан ҳам кўп нарсаларни ўрганганман.

Мен бир ўринда айтиб ўтгандим: ёшлигимда кўрганим Йўлдош Аъзамовнинг «Ўткан кунлар» фильмидан, аниқроғи, севимли актёрим Ўлмас Алихўжаев талқинидаги Отабек ролидан таъсирланиб, актёрликка бўлган ҳавасим қатъийлашган эди. Қарангки, дубляж шарофати билан орадан ўттиз йиллар ўтиб, худди шу асарнинг бошқа бир вариантыда, айнан ўша севимли актёрим раҳматли Ўлмас Алихўжаев яратган Мирзакарим қутидорга овоз бердим. Бундан мен бениҳоя хурсанд бўлдим, фахрландим. Худди шу ҳолат ёшлигимда кўриб, хайратга тушганим икки қисмли «Клеопатра» фильмида ҳам содир бўлди. Цезарга овоз бердим. Ҳали айтганимдек, «Насриддиннинг саргузаштлари»да Раззоқ Ҳамроев устозимга овоз берганим ҳам мен учун ғоятда қувончли воқеа бўлган эди. Мана шулар сабаб бўлибми, дубляж санъатига қизиқишим ортгандан ортиб борди. Бу соҳанинг ўзига хос машаққатлари менга роҳат бағишларди. Овозлаштириш асосан тунда бўларди. Театрдан чиқиб, кеч соат ўн бирдан эрталаб тўрт-бешга қадар дубляж қилардик. Ҳозир ўйлаб қарасам, дубляж ижодкорлари – режиссёрлар, ассистентлар, муҳаррирлар, муҳандислар... ҳамма-ҳаммаси ўз касбининг чинакам фидойилари экан. Ҳали-халигача ўша кунларни кўмсайман, тушларимда дубляж студияларида юриб, уйғониб кетаман. Алланечук маъюс тортаман. Иложи бўлса, лоақал бир соатга бўлса-да, ўша кунларга қайтгим, устозларим, сафдошларим билан (бугун уларнинг бир қанчаси раҳматли бўлиб кетишган) дийдорлашгим келади...



ХОТИМА ЎРНИДА

2003 йилдан бу ёғига ҳаёт тарзим бир қадар ўзгарди. Энди ҳар эрта туриб, одатдагидай репетицияга, кечкурун спектаклга ошиқмайман. Дубляж, радио, телевидениега ҳам... кейин тўй бошловчилигига ҳам... Шундай бўлса-да, минг шукурки, уйда ўтириб қолмадим. Ҳамон съемкаларга таклиф этиб туришади, теленовеллалардан тортиб, бадий фильмлар, телесериалларгача катта-кичик роллар ижро этишга яраб турибман. Кейин, барака топишсин, газета, телевидение, радио ижодкорлари ҳам тинч қўйишмайди. Гох уйимда, гох муҳарририятларда, радио-телевидениеда турли суҳбатлар, учрашувларда қатнашаман. Маҳалла, мактаб, коллежлардаги йиғинлар, тўю маъракалардан... ва умуман айтилган жойдан қолмайман, албатта боришга ҳаракат қиламан. Бу, биринчидан, менга «сут билан кирган мижоз» – болалигимдан сингдирилган шарқона тарбиям мажбурияти бўлса, иккинчидан, шифокорлар талабини бажаришга интилишим: улар доимий ҳаракатда бўлинг, дейишган.

Жонажон театримга ҳам бориб тураман, албатта. Табиийки, роль ўйнагани эмас, сахнани, жамоамни – устозларим, сафдошларим дийдорини соғиниб бораман. Кулизда, сахнада, томошабинлар залида сокин хаёллар измида кезинаман. Ўтган устозлар – салафларимиз овозини эшитишга, ҳар бирининг нафаси, ўзига хос муаттар бўйи-

ни туйишга интиламан. Залдаги орқа ўриндиклардан бирига ўтириб, бўм-бўш сахнага тикиламан, бир пайтлар ўйналган спектаклларнинг айримларини хаёлан тиклашга интиламан. Ўзимни оддий бир томошабин ўрнида кўриб, актёр Файбулла Ҳожиев ижросини таҳлил қиламан. Баъзи ўринлардан кўнглим тўлади, баъзан «э, шу ери чиқмади, эпллмади!» деб юбораман. Мана бундай қилса, мана бундай деса яхши бўларди-ку, дейман жаҳлим чиқиб. Кейин эса... буларнинг ҳаммаси рўё эканлиги, у кунлар ортга қайтмас бўлиб кетгани ёдимга тушиб, ўкинаман. Лекин дарҳол донишманд боболар ўгити – ўнглаб бўлмас нарсага қайғуриб, бугунингни бой берма, деган ҳикматни эслаб, ўзимни кўлга оламан. Ўкинчу армонларни ўзимдан нари ҳайдаб, атрофга жилмайиб боқаман, томошабинлар олқиши, устозларимнинг хайрихоҳ, миннатдор нигоҳларини туйиб, таскин топаман, дилим ёришади.

Театрдан чиқиб, кадрдон Навоий кўчаси бўйлаб йўлга тушаман. Бугун ғоятда ўзгариб, гўзаллашиб кетган муаззам кўчанинг яқин ўтмишдаги қиёфасини хаёлимда тиклашга ва шу аснода хотираларим дунёсини жонлантиришга уринаман. Чорсу бозорини айланаман. Таниш-билишлар билан гурунглашаман. Ҳунармандлар расталарини айланаман. Бир пайтлар телевидение ходимлари билан биргаликда «Руҳият манзаралари» кўрсатуви учун суҳбатдош излаб юриб, ғоятда дилбар бир отахон – темирчи уста Мақсуджон хожи отани учратиб қолганимиз ёдимга тушади. Мақсуджон отанинг болалиги шу атрофда – Миллий театримизнинг эски (ҳозирги Ўзбек Миллий академик драма театри) биноси яқинидаги ховлида ўтган бўлиб, у бирорта театр томошасини ўтказиб юбормас экан. Айрим спектаклларни ўттиз-қирқ марталаб қайта-қайта кўраверганидан бутун бошли

томошалар ёд бўлиб кетаркан. У етмиш-саксон ёшларида ҳам Навоий, Отелло, Гамлет монологларини хотирасида сақлаб, улфатлари даврасида, баъзан биз каби ёшларнинг илтимосларини ерда қолдирмай айтиб юргувчи, завқи баланд, пири бадавлат бир отахон эди раҳматли. Жойлари жаннатда бўлсин. Отахон ҳаётлигида мен кўпинча бозордан чиқиб, у кишининг зиёратига – Илғор маҳалласидаги янги ҳовлисига – саккиз қиз, икки ўғилни уйлаб-жойлаб учирма қилган шинам ва меҳмондўст хонадони томон ошиқардим. Энди эса Шайх Зайниддин бува қабристонига қараб йўлга тушаман...

Мана неча ўн йилларки, Тошкентда илдиз отиб, таниш-билишлар, дўстлар, куда-андалар орттириб яшаб келаётган эканман, бу азим шаҳар қабристонларини ҳам тез-тез зиёрат қилиб туришга ўзимда эҳтиёж сезаман. Чунки, уларнинг аксариятида энди менинг ҳам яқинларим, дилбандларим ётибди. Минорда ҳам, Камолонда ҳам, Чифатойда ҳам...

Бир куни Чифатой қабристонини зиёрат қилиб юрсам, шундоққина орқамдан «Ҳой, Файбулламисан?!» деган янғрок овоз эшитилди. Қарасам, устозим Зикр ака – Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ артисти Зикр Муҳаммаджонов. Ажабланиб, кўзларига ишонмай турибди.

– Ҳой, сен бола ҳам биласанми шунақа жойларни, кеп турасанми, – дейди ўзига ярашган соддалик билан.

– Ҳа, – дедим илжайиб, – қанчадан-қанча устозлар ётибди бу ерда, зиёрат қилиб, эслаб туриш керак-ку, устоз.

– Ҳа, баракалла, мени хурсанд қилдинг, – дедилар устоз. Энди бўлмаса, болам, менга ҳамроҳ бўласан, бирга айланамиз, сен тиловат қиласан, бўптимиз, – дедилар.

– Бўпти, – дедим мен. Эсимда, ўшанда икки соатча қабристон айланган, ва устоздан ҳар бир қабр олдида

ўша қабр соҳиби ҳақидаги ҳеч кимдан эшитмаган кўплаб ибратли гапларни эшитгандим. Раҳматли Зикр ака хазина эди, яхшиям устозда ёзувчилик иқтидори ҳам бор экан, жуда кўп қимматли фикрлар, насихатлар, ибратли фикрларни, ёдномаларни китобларида қолдириб кетди.

Чифатой қабристонини... Не-не азизлар қўним топган пойтахтдаги энг муаззам бир зиёратгоҳ. Саҳнамиз, санъатимиз, маданиятимиз дарғалари – Маннон Уйғур, Аброр Ҳидоят, Шукур Бурҳонов, Олим Хўжаев, Наби Раҳимов, Шариф Қаюмов, Лутфулла Назруллаев, Тошхўжа Хўжаев, Раззоқ Ҳамроев, Обид Жалилов, Зикр Муҳаммаджонов, Домла Ҳалим Ибодов, Юнус Ражабий, Комил Ёрматов, Йўлдош Аъзамов, Мухтор Ашрафий, Ботир Зокиров... Устозларим Неъмат Аминов, Нажмиддин Комиловлар... Яна айтаверсам, эҳ-хе... юраги ҳаприкиб кетади одамнинг... Маҳзун торгсанг – қабристонга бор, кибрга берилсанг – қабристонга бор, деган мазмундаги боболар ўғити бор. Мен бу ердан ҳар сафар руҳан тозариб, енгиллашиб қайтаман. Авлиёлар қабридан тўққиз минг йилгача қувват таралиб тураркан, деган гапни устоз Садриддин Салим Бухорийдан эшитгандим. Чифатойда мен шундай қувватни сезаман. Дарвоқе, бу ерда ётганлар ҳам ҳазилакам инсонлар эмас-да!..

Институтда бизга устозларимиз машғулотлар орасида ҳаётда ўзлари гувоҳ бўлган, бошқалардан эшитган ёки китоблардан ўзлари ўқиган буюк санъаткорлар ҳақидаги воқеа-ҳодисаларни сўзлаб беришарди. Устозимиз – Ўзбекистон халқ артисти, профессор Назира Алиева айтиб берган бир воқеа сира эсимдан чиқмайди. Назира опа: «Шариф-жоннинг (Ўзбекистон халқ артисти Шариф Қаюмов) дубляждаги овозини эшитсам йиғлаб юбораман, телевизорни ё ўчираман, ёки бошқа каналга оламан, – дерди. – Шариф-

жоннинг дафн маросимига тумонат одам йиғилганди, — дея давом этарди устозимиз, — лекин Шукур Бурҳонов кўринмади. Ажабландим, бу мумкин эмас эди-да. Кечкурун кўнғироқ қилдим, Шукуржон, Шариф аканинг жанозасида кўринмадингиз, дедим. Шундай дейишимни биламан, Шукур Бурҳондай зот ўкраб йиғлаб юборса бўладими! Э, Назихон, биласиз-ку, Шариф ака менинг ҳам акам, ҳам устозим эди-ку. Мен унинг жонсиз жасадини кўрсам, ўша ернинг ўзида ўлиб қоламан-ку! Шариф акам менинг кўз ўнгимда тириклигича қолсин, дедим, Назихон. Шунинг учун уйимда қамалиб ўтирдим, бўлганимча бўлдим... деганди. Кўрдиларингми, буюклар муҳаббати ҳам қанчалар буюк бўлади, ҳеч бир андазага сифмайди...»

Қабристон оралаб кетган йўлақлар бўйлаб одимларканман, хотиралар мени яна ўз измига ола бошлайди. Минг тўққиз юз саксон еттинчи йилнинг августи. Яқиндагина мен, курсдошларим Маҳмуд Исмоилов ва унинг аёли Шоҳидахон ҳамда Рустам Каримовлар собиқ «Ёш гвардия» театридан Миллий театримизга ишга ўтган, оёғимиз ерга тегмай юрган кунларда мудҳиш бир воқеа юз берди: Шукур Бурҳонов вафот этди. Видолашув театр биносида бўлиб ўтди, ҳаммаси рисоладагидек, ўта тартибли, буюк актёрнинг мавқеига яраша салобатли бир вазиятда адо этилди. Лекин менинг хаёлимга муҳрланган ва ҳамон юрагимда симиллаган оғриқ кўзғаб турадиган бир ҳолат қабристонда юз берди. Майит қабрга қўйилиб, энди тупроқ тортила бошлаганди ҳамки, бир чеккадан ўта тиниқ ва янғроқ овозда Қуръон тиловати эшитилди. Тик турган тумонат жамоа гурра ўтирди. Сукутга чўккан «коммунистлар мозори» (илгариги номи шунақа эди, чамамда) узра илоҳий калима янграркан, бутун борлиқ сомеъ бир ҳолатга берилгандай эди, назаримда. Ўшанда, биласиз, шўро мафкураси қайтадан қилич

қайраган, мансабдор шахслар, хатто, ота-оналарининг жанозаларида қатнашишдан чўчиб қолган бир даврлар... Бу ерда – Ўзбек совет театри санъатининг атоқли намояндаси дафн маросимида эса «Таборақ»нинг маҳзун кироати янграмоқда. (Театримизнинг таниқли актёри Салоҳиддин Зиёмухамедовнинг шахсий журъати эдими бу, ёхуд бошқа бир юраклироқ кимсанинг топшириғи биланми, ҳар ҳолда, қабр бошига диний уламо келтирилган эди.) Ниҳоят, сура яқунланди ва жамоа дуога қўл очди. Ёшлик қизиқиши устунлик қилиб, секин бош кўтариб одамларни кузатдим. Мингдан ортиқ одамлар орасидан атиги 15–20 чоғли одам (уларга ҳалиям ачинаман) бошларини эгишганича, қипқизариб ўтиришибди. Дуо қилинаётганда ўтган бир-икки дақиқалик фурсат бу одамлар учун нақадар чўзилгани ва улар қўлларини қаерга бекитишни билмай, қийналиб кетганликлари аниқ эди. Бугунги ёшлар айтишлари мумкин, кўп қатори улар ҳам фотиҳа қилишса, осмон узилиб тушармиди, ёки бўлмаса, тумонат одам орасида биров кўриб, билиб турибдими, деб. Ишонинг, у даврларда бундай ҳолатлар фавқулодда ҳодиса ҳисобланиб, албатта, сезгир нигоҳлар таъқибига учрар ва кўп куттирмасдан «осмон узилиб тушар», кимлардир аввал чўнтақларидаги қизил ҳужжатларидан, кейин эса амалларидан мосуво бўларди. Яқингина ўтмишимизда шундай эди. Бундоқ дўштини тиззага қўйиб, ўйлаб қарасак, ўта даражада ачинарли, айни чоқда, ўта даражада шафқатсиз, кўрқинчли бир даврларда яшаб ўтганимизга иқрор бўламиз. Ва янада теранроқ тафаккур қиладиган бўлсак, шундай хулосага келамизки: бизлар, биз тенгиларнинг кўрганлари ота-боболаримиз қисмати олдида ҳолва бўлган экан, ҳолва!..

Бир галги зиёратда, Ўзбекистон халқ артисти Саттор Ярашев қабри олдида юрган қизларга кўзим тушди. Улардан бири қабртошни артиб, бошқаси гулларга сув қуйиб, яна бири қабр атрофини супуряпти. Хурсанд бўлдим, булар неваралари бўлса керак, деб ўйладим. Секин улар томонга юрдим, қизлар ишдан тўхтаб салом беришди. Шу маҳал ўнг тарафда, пастда Шукур Бурҳонов, Наби Раҳимовлар қабри ёнида юрган уч-тўрт йигит-қизларга кўзим тушди. Уларнинг ҳам кўлида челак, супурги... Қизлардан: «Сизлар Саттор аканинг невараси бўласизларми, қизларим», – деб сўрадим. Шунда улар: «Йўқ, биз абитуриентлармиз. Вилоятлардан келганмиз. Санъат институтига, консерваторияга ҳужжат топширганмиз. Эрта-индин имтиҳонлар бошланади. Синовлар олдидан улуф санъаткорларимиз зиёратларига келганмиз», дейишди. Жуда хурсанд бўлдим. Ёшларимиз сиймосида ўзлигимизга, ота-боболаримиз қадриятларига қайтаётганимизни кўриш хайрли эврилиш нишонаси бўлиб туюлди менга. Ва эзгу ниятли бу йигит-қизчаларнинг эрта-бир кун санъатимиз фидойилари бўлиб камол топишига ишонгим келди, дуолар қилдим...

Бухорога тез-тез бориб тураман. Тўй-маъракалар, ўтганларимизнинг хотира кунлари баҳонасида, баъзида ҳеч бир баҳонасиз ҳам кетавераман. Қизиги, руҳиятимда алланечук маҳзунлик пайдо бўла бошладими, йўл ҳаракатига тушаман. Салим поччам – Муқаддам опамнинг хўжайини, бугунги кунда қариндош-уруғларимиз орасида ёши улугимиз. Жудаям куйди-пишди, ўзига етгунча донишманд инсон. Барча тадбирларимиз, тўй-маъракаларимизга бош-қош. Тўғри бориб шу кишининг хонадонига қўнаман. Шу куни барча яқинларимиз билан кўришаман, аниқроғи, улар барчаси мени кўргани келишади. Хонадон ҳаммани бағрига сиғдиради.

Кейинги кун эрта тонгдан поччам етовида маҳалладаги, кўшни маҳаллалардаги лозимотларга бир-бир кириб чиқамиз. Кўнгил сўраймиз. Кейин эса ёлғизлик истаб қоламан, Бухорои шариф зиёратига чиқиб кетаман.

Шу ўринда устозимиз Садриддин Салим Бухорийнинг бир шеърини (нокамтарлик бўлса-да) келтириб ўтишга эҳтиёж туғилади менда. Мана ўша шеър:

Орзуларим орзуларга айланди,
Қанотларим орзуларга бойланди.
Осмонларда кезар эдим эрта-кеч,
Осмонларга орзуларим жойланди.

Орзуларим сароб бўлмас, биларман,
Орзуларим хароб бўлмас, биларман!
Қуримагай ҳаргиз орзум дарахти,
Вужуддек хок-туроб бўлмас, биларман!

Бир кун гуллар, гуллар Орзум Дарахти!
Шунда гуллар, билинг, Файбулло бахти,
Жаҳон кездим орзу билан ва лекин
Бухородур орзуларим пойтахти!..

Қадим шаҳар кўчалари бўйлаб одимларканман, раҳматли устозим қаламига мансуб бошқа бир сатрлар ҳам миямда чарх уради: «Бухорода Бухорони соғиниб, Мен ҳар тонг умид-ла ташлайман назар...» Бу надоматли мисралар битилган даврларда Бухоро моҳиятан асл Бухоро эмас, унинг афтода суврати эди, холос. Асл Ватан – Ибн Сино, Имом Бухорий, Нақшбандийларни дунёга келтирган шариф шаҳар эса унинг, у каби барча бухорийларнинг буюк армони эди. Ҳа, барча бухорийларнинг...

Бир ўринда айтиб ўтгандим: талабалик пайтларим бир неча курсдошим билан Миллий театримизда қўйиладиган спектаклларнинг оммавий сахналарида қатнаша бошлаганман ва устозимиз Назира Алиеванинг айтишича, нимадир бўлиб, машҳур санъаткор Олим Хўжаевнинг назарига тушиб қолган эканман, деб. Назира опанинг гапида жон бор эди, дарҳақиқат, буюк актёрнинг илиқ муносабатини пайқай бошлагандим. Бир куни у мени кулисда учратиб қолди-да, қўлтиғимдан олиб, ўз хонасига бошлади. Бухоро ҳақида, унинг одамлари, гузарлари, бозорлари ҳақида суриштирди. Мен Индустириалний кўчасида туғилганман, деганимдан кейин, э, шунақами, дея кулумсираб, бошқа кўчаларни ҳам суриштирганди ва мен Калинин, Стрелковий, Чернишевский, Красний партизан дея бирма-бир санаб бергандим. Кечагидай эсимда: Олим ака ўшанда билинар-билинимас хўрсиниб қўйганди-да, биласизми, Писархон, мени болалигимда сиз айтган гузарларни Хожай Порсо, Пойи Остона, Хожай Рўшнои, Эшони пир, Кўкалдош дейишарди. Яна Бозори алаф, Мадрасаи ғойбиноқ, Имоми Қозихон гузарлари бўлгучи эди...

Бугунги кундаги нуқтаи назарим, ақлим билан мушоҳада қилиб кўрсам, гарчи очик-ойдин айтмаган, сездирмаган эса-да, гузарлар номини аташи, эсга олишидаги ҳолатида буюк актёрнинг буюк ва сўнгсиз соғинчи, армони, дарди, алами мужассам топган экан.

Ҳозир Бухоро гузарларининг азалий номлари тикланиб, шўровий атамалар эса аллақачон одамлар ёдидан кўтарилиб улгурибди. Сабаби – қадимда бирор расмий маҳкама буйруғи билан гузарга ном қўйилмаган. Балки, бу шунчаки табиий равишда рўй берган. Яъни, ўша ҳудудга алоқадор бирор тарихий обидами, қадамжо ё мақбарами, масжидми, ўша

ерда яшаб ўтган алломами, қисқаси, халқ кўнглига ўтирган нимадир ўз-ўзидан ўша гузарнинг номига айланиб кетган. Кўчаларимизга ҳеч бир алоқаси йўқ, беписандларча, ҳатто масҳара қилган каби зўраки тиқиштирилган Индустириалний, Красний партизанга ўхшаган номлар эса етмиш йилда ҳам халқ дилига сингдади, сингишга ҳақли ҳам эмасди. Шу сабабли улар фақат деворларга михланган кўрсаткич тахтачаларда яшаб, тахтачалар олиб ташланиши билан номнишонсиз йўқолди.

Мана шунақа шукрона ўй-хаёллар билан туғилиб ўсганим Хожай Порсо гузаридан Пойи Остонага ўтаман. Ҳали чиллак ўйнаб юрган болалик пайтларимда кўрардим, ёши улуғ кишилар бу кўчалардан ўтаётиб, қандайдир нураб, тўкилиб турган эски бузрукворлар қаршисида бирпас тек қотиб қолишар, пичирлаб нималарнидир ўқишар, кейин юзларига фотиҳа тортиб, йўлларида давом этишарди. Энди билсам, ўша эски харобалар ҳар бири Бухорони шариф шаҳарга айлантирган азиз-авлиёлар, алломалар мақбаралари, даҳмалари экан-да. Пойи Остонада камида олти аср илгари бунёд этилган табаррук масжид борки, айтишларича, Баҳовуддин Нақшбанд ҳазратлари шаҳарга келганларида айнан мана шу масжиди жомеда ибодат қилар эканлар...

Пойи Остонадан кейинги гузар Саид побанди кушо деб аталади. Побанди кушо – оёқлар бандини ечувчи, озод қилувчи дегани. Демак, бу гузарда шундай хислатга эга бўлган кароматли зот яшаган ва унинг турбати эҳтиёжманд кишилар юкиниб келадиган зиёратгоҳ бўлган. Шу ўринда айтиб ўтишим лозим, Ўзбекистон халқ артисти, менинг меҳрибон устозларимдан бири Теша Мўминов мана шу Саид побанди кушо гузарида туғилиб ўсган. Теша ака, мен бир ўринда алоҳида тўхталиб ўтганим, Бухоро вилояти

театрининг етакчи режиссёри ва актёри, навқирон ўттиз олти ёшида ноҳақлик қурбони бўлиб кетган Азизжон Маҳмудовнинг биринчи учирма қилган шогирди ҳисобланади. Тошкентга келиб, Театр ва рассомчилик институтига ҳужжат топширганидан кейин мени институт домлалари Арсен Исмоилов, Нина Ивановна Тимофееваларга таништирган ҳам Теша акам эди. Ўшанда айтган эдики, мана шу болада, назаримда, нимадир бор. Сизлардан илтимос, сизлар профессионалларсиз, уни элақдан ўтказиб кўринглар, агар актёрлик иқтидори бўлса, имтиҳонларга кирсин, бўлмаса, вақтини ҳам, умрини ҳам бекор ўтказмай ортига қайтсин. Мабодо менинг юз хотиримни қилиб, унга ёрдам берманглар, деган. Яширмайман, ўшанда бу гаплар менга унчалик ёқмаган, гўр бўлганман-да. Лекин кўп ўтмай, у кишининг қаттиққўллиги сабабини тушуниб етганман. Теша ака бу билан мени мустақилликка, бировга эмас, ўз кучимга суяниб ҳаракат қилишим, қаттиқроқ тайёрланишимга ундаган экан. Омадим бор экан, имтиҳонларни аълога топшириб, ўқишга қабул қилиндим. Ўшанда Теша акамни худди ўзи муваффақиятга эришгандай қувонганини кўриб, ҳаммасини тушунганман ва у кишидан миннатдор бўлганман.

Теша аканинг оталари тўқсон, оналари саксон йилдан ортиқроқ умр кўрдилар. Иккаласи ҳам ўта нуроний, фариштадай бир инсонлар эди. Улар ўн уч фарзанд кўришган, лекин бирортаси турмагани сабабли ўн тўртинчи фарзандларининг исмини Теша деб қўйишган экан.

Ҳар гал Бухорога борганимда Теша аканинг илтимоси билан, албатта уларнинг ҳовлисига кириб ўтар, қизиғи, ҳар гал ош устидан чиқардим ва «ғойибона»дан баҳраманд бўлардим. Бошқа ерларда ҳам бунақа одат бўлса керак, албатта. Яъни, таом сузилганда ғойибдан келгувчи

меҳмонга деб, алоҳида бир идишга овқат сузиб кўйилади. Буни Бухорода «ғойибона» дейишади. Чол-кампирлар Тешавойнинг меҳмони деб атрофимда парвона бўлишар, қорним тўқ, ҳозиргина овқатланиб келдим, дейишимга қарамай, «ғойибона» билан сийлашарди. Жойлари жаннатда бўлсин, кўш каптардай бир-бирларини суяб, авайлаб-асраб яшаб ўтдилар.

Саид побанди кушо гузаридан ўтилгач, икки азим мадраса кўзга ташланади. Чап томондагиси Абдулазизхон, ўнгдагиси Мирзо Улуғбек мадрасаси. Мақсуд Шайхзоданинг «Мирзо Улуғбек» фожиасида Мирзо Улуғбекнинг шундай сўзи бўларди. «Саид Обид, Бухорога борганмисиз, ҳа, кўп боргансиз пирлар олдиға. Ва кўргансиз мадрасамнинг нақ пештоқиға мен ўйдирган ушбу ҳадисни: «Талабун илм фаризатун ало кулли мусилману муслиматан», яъни, илм олмоқ бирдай фарз эрур, мусулмоннинг эрлари-ю аёлларига...» Мен бу ердан неча қайта ўтсам ҳам, ҳар гал буюк актёр Шукур Бурҳон талқинидаги Улуғбекнинг гуриллаган овозини эшитаман ва ҳар иккисининг ҳақиға дуою фотиҳалар қиламан.

Бир-бириға юзланиб турган, темурий ва шайбонийзода ҳукмдорлар қурдирган бу икки мадрасадан ўтилгач, Тоқи заргарон келади. Заргарлар тоқиси, яъни, савдо растаси. Бухорода бешта тоқи бўлган, шундан учтаси омон қолган, булар – Тоқи саррофон (пул майдаловчи, айирбош қилувчилар), Тоқи телпакфурушон (бош кийим билан савдо қилувчилар) ва Тоқи заргарон.

Кўз олдимда Мир Араб мадрасаси, унинг рўпарасида Масжиди Калон, Минораи калон, яъни, Пойи Калон мажмуаси намоён бўлади. Масжиди Калон ва унинг минораси Бухоронинг минг йиллик тарихиға гувоҳ десам

янглишмайман. Тўғри, улар неча бор ёндирилган, култепага айлантирилган ва лекин, ҳар сафар яна ўз ўрнида, ўз номи билан қайта-қайта қад ростлайверган. Қорахоний подшо Арслонбек ташаббуси билан уста Бақо бошчилигида барпо этилган Минораи Калон, мана неча асрларки, Бухорои шариф рамзи, фахри, маёғи бўлиб яшаб келмоқда. Яна Устоз сатрлари (Садриддин Салим Бухорий) ёдга тушади. «Илдиз отдик Минори Калон, Минг йилларки бир ерда яшаб...»

Мир Араб мадрасаси олдида катта супа бўларди. Уни ёши катталар «хто большой супаси» дейишарди. Бир куни сабабини суриштирганман. Хто большой дегани, аслида «кто больше» деган ўрисча сўз экан. Қизил боскин пайтида эгасиз шаҳар аҳли роса қирғинбарот қилинган, таланган, тўпланган ўлжа эса «ким ошди» савдосига қўйиб сотилган экан. Аукцион худди мана шу супада бир неча кун давом этганидан, «кто больше?» деган еб тўймаслар бақириқлари бухороликлар қулоғига «хто большой» тарзида ўрнашиб қолган экан. Ҳа, бу қадим шаҳарнинг ҳар бир тоши тарих ҳақида сўзлайди...

Бухоро арки. Бу тарихий обида зиёрати чоғида киноларда кўрганим, китобларда ўқиганим, одамлардан эшитганим кўпдан-кўп воқеа-ходисалар бир-бири билан таллашиб, араллашиб, қоришиб, хаёлимга ёпирилиб келаверади. Арк машҳур обида, у ҳақдаги гап-сўзлар ҳам, албатта сизларга маълум. Шу боис, мен бу ўринда бир хангомани, бир чимдим кулгини қистириб ўтишни лозим топдим.

Эмишки, қадимда дехқонми, боғбонми бирор турдаги ҳосил етиштира, ҳосилнинг аввалини Амирга илинарган. Амир уни татиб кўриб, оғзига ёкса, совға-салом билан тақдирлар экан. Афанди ҳам бир сафар омадини синаб

кўрмоқчи бўлибди. Боғидаги анжирдан бир сават кўтариб, Аркка қараб йўлга тушибди. Амирга ёқибди, шекилли, бир чеккадан анжирни тушираверибди. Ҳар биттасини кўлига олганда битта савол бераркан, анжирни ўзингиз экканмисиз, деркан-да, оғзига соларкан, ўзингиз парвариш қилганмисиз, деркан-да, оғзига соларкан. Афанди бўлса, ҳар гал шундоқ амирим, шундоқ амирим, деб бош ирғаб ўтираверибди. Саватдаги анжир тугабди. Амир лаб-лунжини артибди-да, «ҳа, баракалло» дебди-да, омин қилиб ўрнидан турибди. Совға-саломдан дарак бўлмабди. Афанди шумшайиб, пастга – Регистонга тушиб келибди. Бу ерда ошпазлар, сомсапазу кабобпазлар ўз таомларини мақтаб, пуллаб ётишган экан. Афанди мантипаз олдига борибди. Келинг, Афандим, келинг, дебди мантипаз. Афанди унинг олдига чўкка тушибди-да: бисмилло, деб мантига қўл узатибди. Ҳар сафар қўл узатганда, Амирга ўхшаб саволга тутармиш: Хўш, хамирни ўзингиз қорганмисиз, ҳа, яшанг деркан-да, мантини оғзига солармиш, кетидан, баракалло, деб қўярмиш. Гўштини ўзингиз тўғраганмисиз, деркан-да, жавобини ҳам кутмасдан, мантини ямлаб, ютармиш. Пиёзини ўзингиз тўғраганмисиз, ҳа, яхши, баракалло, дермиш. Хуллас, қирқ-эллик мантини паққос туширибди-да, охирида яна бир марта, баракалло, деб ўрнидан қўзғалибди. Мантипаз шаппа унинг гирибонидан олибди, ҳақи-чи, ҳақини бермайсизми, дебди. Қанақа ҳақ, дебди Афанди кўзини лўқ қилиб. Жанжал бошланибди. Униси у дебди, буниси бу дебди. Арк тепасида томошани кузатиб ўтирган Амир уларни бу ёққа олиб чиқинг, дебди. Ҳа, нима гап, нима тўполон, дебди Амир. Э, афандини қаранг, амирим, элликта мантимни паққос тушириб, ҳақини бермай жуфтакни ростламоқчи, дебди мантипаз. Амир Афандига юзланибди. Амирим, дебди Афанди, ўзидан сўранг-чи, ҳар

битта еган мантинга баракалло дебманми, йўқми. Ҳа, ана! Элликта манти еган бўлсам, элик марта баракалло, дедим, буни мақтадим. Яна энасини ҳақи қолдими, менда. Мана сиз, Амирим, қирқта анжиримни еб, бир мартагина баракалло, дедингиз. Мен бир нарса демадим-ку, ҳақини сўрамадим-ку! Тўғрими, ўзингиз айтинг?! Амир баралла кулиб юборибди-да, тўғри, тўғри, дебди. Шундан кейин ҳар иккисига – арзгўйга ҳам, айбдорга ҳам бир ҳамёндан тилла бериб, жўнатган экан...

Аркдан ўтилгач, Болойи Ҳовуз масжиди ва шу номдаги маҳалла келадики, талабалик йилларимда бу маҳаллага йўлим кўп тушган. Ҳали юқорида айтиб ўтганимдек, катта сахнадаги илк фаолиятим «Ёш гвардия» (ҳозирги Ўзбек давлат драма) театрида бошланган. Ўзбекистон халқ артисти Бахтиёр Ихтиёров театр бош режиссёри эди ва мен каби бир неча ёш йигит-қизни ишга қабул қилиб, дастлабки қадамларимизни қўллаб-қувватлаб, оёққа туриб олишимизга мислсиз ёрдам берган эди. 1977 йил апрель охирларида Мар Байжиевнинг «Тўй муборак, қариқиз» спектакли премьераси бўлиб ўтди. Мен унда бош қаҳрамонни ўйнадим. Бу дебют ролим эди. (Сахнага қандай чиққаним, Бахтиёр аканинг ўз режиссёрлик маҳорати билан мени қандай руҳлантиргани тафсилотларини «Илк қадам» сарлавҳали эсдалигимда айтиб ўтгандим). Премьерадан кейин Тошкентга сиғмадим-да, қувончимни онам ва яқинларим билан бўлашгани Бухорога йўл олдим. Бахтиёр ака ҳам худди шу кунни Бухорога учиши керак экан. Бироқ, қандайдир фильм съёмкасида банд бўлиб, режиссёрдан руҳсат ололмабди. Ва мендан илтимос қилдики, узримни уйимдагиларга етказсанг, шунақа бўлиб қолди, деди. Битта мактуб ҳам берди, буни фақат дадамнинг қўлларига тутқазгин, деди.

Болойи Ҳовуз маҳалласига бориб, керакли манзилни излаб топдим. Бахтиёр аканинг отаси машҳур бастакор Аҳмад Ихтиёров ҳақида кўп яхши гапларни эшитиб юрардим, бироқ ҳали ўзини кўрмагандим. Бахтимга Аҳмад аканинг ўзи эшикни очди. Мактубни қўлига олиши билан, хм, яна келолмас экан-да, деди димоғи куйиб. Шунақа бўлиб қолибди, режиссёр рухсат бермабди, дедим минғирлаб. Ҳа, ўрганиб қолдик, деди ошхонада куйманиб юрган кампири томон қараб қўйиб. Аҳмад ака – ижодкор одам, фильм олиш мураккаблиklarини тушунарди, албатта. Лекин аёли... онаизор тушунармиди, тушунишни хоҳлармиди?!

Аҳмад ака, майли энди мен борай, дедим бир лаҳза жимликдан кейин. Аҳмад ака ялт этиб қаради: «Борай? Қаёққа?!» Нима дейишимни билмай тургандим, деярли буйруқ оҳангида: «Қани, кир бу ёққа», – деди. Мени бир хонага бошлаб кириб, хонтахта ёнига ўтказди-да, ошхона томонга – кампири ёнига кетди. Ҳаяллади. Ҳар холда, ўғлим ана келади, мана келади деб зориқиб юрган онани юпатиш, этини ўлдириш осон эмас-да. Ва ниҳоят, ҳа, ўтирибсанми, деганча қўлида бир коса «Бамаза нахўт» (бухороча аталиши шунақа) кўтариб кириб келди Аҳмад ака. Маълум бўлишича, ўғилларининг келишига атайин қўй сўйишиб, у хуш кўрадиган таомни тайёрлаб ўтиришган экан. «Бамаза нахўт» дегани катта қозонга сув, яримта, битта қўй танаси, шунга яраша нўхат, ҳар турли зираворлар солиниб, бир кеча-кундуз қайнатилиб тайёрланади. Нўхат мазаси гўштга, гўштники нўхатга уриб, шунақанги хушхўр бўлиб кетадики, қўяверасиз. Хуллас, маза қилдим. Кейин яна рухсат сўрадим: Аҳмад ака, энди мен...

– Қаёққа, – деди Аҳмад ака кулумсираб. Ҳали рухсат йўқ сенга! Бу биринчи коса ўзингнинг насибанг эди. Энди устозинг учун яна бир коса...

– Йўге, Аҳмад ака, бошқа кетмайди, тўйдим, – дедим мен.

– Тўйдиминг нимаси?! Бахтиёрдан салом опкелдингми, опкелдинг, хат опкелдингми, опкелдинг! Энди устозинг... Ростанам устозингми у, ахир?! Бўпти-да, энди устозингнинг ҳақини ҳам еб кетасан, – деди Аҳмад ака. Тилим боғланди, хўп, дедим. Иккинчи косани ҳам (айтмоқчи, косамас, шокоса эди икковиям) бўшатиб, Аҳмад аканинг қистовига қараб, нон билан ялаб қўйдим. Шу десангиз, роса икки кун тўйган қўзидай, овқатнинг бетига қаролмай юрганман. Ҳа, нима бўлди, дейишса, овқат планини тўлдириб юборибман, дейман.

Шундан кейин ҳам (асосан Бахтиёр ака сўзининг устидан чиқолмай қолган пайтларда) кўп марталаб бу хонадоннинг меҳмони бўлганман, устозимга аталган «Бамаза нахўт»лардан ва энг муҳими, Аҳмад Ихтиёровдай билимдон зотнинг дилкушо суҳбатларидан баҳраманд бўлганман. Аҳмад ака Мухтор Ашрафий, Мутаваккил Бурҳонов, Олим Хўжаев, Раззоқ Ҳамроев каби санъатимиз дарғалари билан яқин дўст бўлган. У Бухоро вилоят театри спектакллари учун, симфоник эстрада ансамбллари учун кўплаб мусиқалар яратган ва жуда кўп ёшларга санъатнинг катта йўлига чиқиб олишига ёрдам берган, кифтини тутган, раҳнамолик қилган бағрикенг, фидойи бир инсон эди. Болойи ховуздан (айтмоқчи, машҳур драматург, раҳматли Максим Каримов ҳам шу маҳалла фарзанди эди) ўтиб, шинам боққа кираман. Бу боғдаги Бухоронинг энг қадим обидаларидан бири Исмоил Сомоний мақбарасини, Чашмаи Аюбни зиёрат қиламан. Сўнгра, улкан бир зиёратгоҳ томон йўл оламан. Бу – Абу Ҳафс Кабир қабристонини. Абу Ҳафс Кабир Бухоро алломаларининг, жумладан, ҳадис мулкининг султони Имом

ал-Бухорий хазратларининг ҳам устози аввалидир. Бу зотни Имоми Хожатбарор ҳам дейишади. Садриддин Салим Бухорий устозимиз Абу Бакр Ҳафс шахсияти, илмий мероси устида жуда кўп тадқиқотлар олиб борган эди. Садриддин аканинг сценарийси асосида телевизион бадиий фильм (режиссёр Тожибой Исроилов) олинган, унинг беш қисмли «Имом Бухорий» фильмига ҳам (режиссёр Мақсуд Юнусов) Абу Ҳафс Кабир образи алоҳида сахна қилиб киритилган эди (ва мен бу фильмда айнан Абу Ҳафс Кабир ролида чиққанман).

Истиқлол йилларида қабристон бутунлай қайтадан обод қилинди. Имоми Хожатбарор турбатлари устида улкан мақбара қурилди. Эсимда, Бухорога бир борганимда Садриддин акам ҳаяжон билан мени бу ерга бошлаб келган, биргалашиб зиёрат қилган эдик. Умуман, Истиқлол шарофатидан Садриддин акадай қувонган, дунёга қайта келгандай енг шимариб ишга киришиб кетган фидойи бир ватанпарвар одамни кам кўрганман. У бир шеърида мен яшайдиган замон келди, деганди. Афсуски, умр вафо қилмади... Қаранг-да, яқингинада биз у билан бу ерга зиёратга келган эдик. Энди эса одамлар унинг зиёратига келишади... Ҳа, Садриддин Салим Бухорий ҳам энди шу қабристонда, буюк Имом мақбарасининг шундоқ ёнгинасида.

Устоз қабри томон одимларканман, унинг ўтли нафасини туйдим, қулоғим остида ўктам овози жаранглаб кетгандай бўлди.

«Дард келса, ғам келса, ютдик биз,
Кутдик биз, кутдик биз, кутдик биз.
Қабр деб атаманг бу жойни,
У уйдан бу уйга ўтдик биз...»

Қабристон сукунатига сомеъ кулоқ тутиб, секин одимлайман. Ҳар қадамда таниш исми шарифлар: Тошпўлат Ҳамид (шоир), Мутаваккил Бурҳонов (бастакор), Максим Каримов (драматург), Олтин Мавлонов (полвон), отабола Фуломжон ва Саломжон Фаниевлар (ҳар иккиси ҳам Ўзбекистонда хизмат кўрсатган агроном), жафокаш она биби Самаджон...

Ва ниҳоят, бобожоним Муҳаммад Сафо Бухорий қабрлари ёнида тиз чўкаман. Дуойи фотиҳа қиламан. Ёндош қабр томон юзланаман, онаизорим Музайямахон... Шу ўринда бир мўъжизавий ходисани айтиб ўтсам. Раҳматли Хайрулла акам ҳайратланиб гапириб берганди уни. Онам вафот этганларида гўрков тўрт-беш жойга кетмон уриб кўрибди, бўлмабди. Кейин акамга онангизнинг бирор яқини борми қабристонда, дебди. Бор, дебди акам. Ота-оналари бор. Ҳа, ўшалар чақиряпти, отасининг гўрини кўрсатинг менга, дебди гўрков. Бориб қарашса, шундоқ бобомнинг қабри биқинида бир кишилик жой бор эмиш. Гўрков бисмилло деб кетмон уриши билан тупроқ деганлари худди кулдек кўчиб чиқаётганмиш. Қарангки, онам оталаридан роса йигирма уч йилу йигирма уч кун ўтиб вафот этдилар. Мана шу йигирма уч йилда ҳам, тифиз қабристонда – бобомнинг ёнидаги бўш жойга ҳеч кимнинг назари тушмабди...

Сиз нима дейсиз, билмадим-у, мен бунда ҳам бир ҳикмат кўраман. Одилона ҳикмат. Онам ҳаётликларида Сиддиқа бувим билан бирга эдилар, вафотларидан кейин эса падари бузрукворлари – Муҳаммад Сафо Бухорий бобом билан ёнма-ён кўшни бўлиш насиб этди онаизоримга...

Шу тарзда зиёратда давом этаман. Машҳур Лаби Ҳовузда ҳам бўламан. Биласиз, бу ерда Насриддин Афанди хайкали бор. Ҳайкал ёнида туриб суратга тушаман. Албатта ўз

ихтиёрим билан эмас, мухлислар илтимос қилиб туриб олишади: сиз ҳам Афандини ўйнагансиз, келинг, бирга расмга тушайлик, бизга Бухородан эсдалик бўларди, дейишади. Йўқ деёлмайман, очиги, бу менга ёқади ҳам. Ҳар ҳолда, шуҳратга ўчлигимдан бўлмаса керак, деб ўйлайман, чунки унақа хавfli ёшдан ўтиб бўлганман. Бир мухлис сени муносиб кўриб, бирга суратга тушмоқчи экан, бу яхши-ку. Санъаткорни кадрлаш – санъатни кадрлаш-да, шундай эмасми?!

Зиёратим давом этади: энди етти пир зиёратига чиқиб кетаман: Абдухолик Фиждувоний, Ориф Ревгарий, Махмуд Анжир Вағнафий, Хожа Али Ромитоний, Бобои Самосий, Саид Амир Кулол, Хожа Баҳовуддин Нақшбанд... Қай ерда бўлмай, дилим равшан тортади, руҳим енгиллашади. Ободончилик, бунёдкорлик, хайрли эврилишлар. Бир замонлардаги аянчли манзаралар бир-бир кўз ўнгимдан ўтади. Отам билан Хожа Баҳовуддин зиёратига келганимни эслайман. Зиёратгоҳ дарвозасидаги занг босган ва симпеч қилинган катта қулф пешонамиздан чиқади. Ичкарига йўл йўқ. Катталар мана шу дарвоза ёнида тик турганча пичирлаб тиловат ўқишади. Нураган деворлар оша ичкарига бўйлаб-бўйлаб қарашади. Биз болалар бўлсак, дарвоза тагига ётиб олиб, дарвоза билан остона орасидаги тирқишдан ичкарига мўралаймиз. Катта даҳмани, нураган қабр тошларини кўрамиз, қувонч билан қийқирамиз. Албатта, ўшанда биз кўп нарсага тушунмаганмиз. Бироқ, ота-боболаримиз кўрсатаётган ихлос-эҳтиромлар орқали бу жойлар нақадар азиз эканлигини туйган бўлсак керак-да!.. Мана энди эса ҳаммаси ўзгача: қулфлар, занжирлар, кишанлар йўлимизни тўсмайди...

Хуллас, бир неча кун ўтиб, сафарим якунлангани сезилади. Ич-ичимдан бир соғинч ғимирлай бошлайди. Бу энди азим Тошкент соғинчи, Тошкент чорлови...

Мен юқорида бир ўринда хасталик ҳаётимни бутунлай бошқа ўзанга солиб юборди, дегандай бир гап қилган эдим. Дарҳақиқат, шундай бўлди. Аввало, илоҳий неъмат – соғлиқнинг қадрига етиш кераклигини теран англаб етдим, соғлиққа бепарволик куфрони неъмат эканлигига амин бўлдим. Сабр, шукр деган тушунчаларнинг мағзи-маъноси томирларимдаги қон каби юрагимга куч берди. Яна бир нарсага ақлим етдики, одамнинг ёмони бўлмас экан, бизнинг хатомиз бир-биримизни тушунмасликда экан.

Тўғри, хасталик туфайли имкониятларим чекланди ва бундай ҳолатга кўникишим, очиғи, қийин бўлди. Ҳар ҳолда, оила бошлиғиман, отаман, икки фарзандим ҳам талаба эди, ҳали улар оёққа туриб олишлари учун менинг бир неча йиллик кўмагим лозим эди. Қолаверса, актёр сифатидаги орзуниятларим, ўйналмаган ролларим армонга айланди. Шуларни ўйлаб баъзан сабрсизлик қилган, бошимга тушган кўргиликлар ноҳақликдай туюлган ва бунинг учун кимлардандир ўзимча домангир бўлиб юрган онларим ҳам бўлди. Ҳозир эса ўйлаб қарасам, катта хато қилган эканман. Яхшиямки, бу ҳолат узоқ давом этмади. Вақтида ўзимни тўхтатиб қолдим. Акс ҳолда, шу кунларга ета олармидим. Кеку адоват, аламу нафрат билан бирор кимса яхшилик топганмидики, мен топсам. Яратганга шукур, У мени ёлғизлатиб қўймади. Аҳли аёлиму қариндошлар, ҳамкасблар, ёру дўстлар, мухлислар... ҳамма-хаммаси менга мададкор бўлди.

Фарзандларимдан ташвишда эдим, шукр, бировдан кам бўлишмади. Ҳар иккиси ҳам ҳаётда ўз ўрнини топиб, тузук-

кина касб-корга эга бўлишди. Яхши келин, яхши куёв насиб этди, ширин-шакар беш нафар набира берди Парвардигор. Ижоддан тўхтамадим. Ҳали айтганимдек, теленовелладан тортиб телесериалларгача анча-мунча, аниқроғи, шу кунгача 18 фильмда роль ўйнадим. Хуллас, Румий ҳазратлари айтганидек, Яратганнинг қаҳрига ҳам, меҳрига ҳам шукр қилган одам кам бўлмас экан. Ҳар бир маҳрумиятда бир муяссарият бор, деганларидек, йўқотганларим эвазига нималарнидир топдим. Топганларим, албатта, моддий ҳолатдамас, уларни қўл билан тутиб кўрсатолмайман, аммо ҳар қандай моддий дунё неъматларидан-да кимматлироқ маънавий неъмат бойлигига эришдим. Ҳаёт аталмиш бу мўътабар неъмат маъносини, инсон кадр-қиммати нимада эканлигини бир қадар тушуниб етгандай бўлдим.

Кўлингиздаги ушбу мўъжазгина ёднома ҳам, азиз ўқувчим, мен оз-моз тушуниб етган ҳаёт хикматларининг бир ҳосиласи сифатида дунёга келдики, мен уни дўстларим даъвати билан ҳукмингизга ҳавола этишга журъат қилдим.





МУНДАРИЖА

АЗИЗЛАРИМ ЁДИ

Илк ғалабам.....	3
Мактаб хангомалари	4
Бобомнинг ўғитлари.....	5
Томтешар болалар ҳимоячиси	7
Қадамжога айланган хужралар	8
Тугунча боиси	10
БОБОМ ВА БУВИМ РИВОЯТИ.....	11
Устозлар бобом ҳақида.....	15
Сафо Махсум.....	16
Бухорода бир беназир шоир бор эди.....	23
БОБОМНИНГ РИВОЯТЛАРИ	27
Алломани қойил қолдирган болакай	27
Ер талашган кўшнилари.....	28
БОБОМНИНГ ШЕЪРЛАРИ.....	29
ОТА-ОНАМ ҲИКОЯТИ.....	34
Отам дарахтлар билан гаплашарди.....	39
Рақамланган арава.....	39
Отам бизни санъатга ошно этган	40
Онам ёпган нонлар ва... ..	41
Сабоқ	42

Онамнинг дуоси	45
Отамнинг армони.....	50
Қумрабoтнинг қовуни.....	51
Муҳтарама опамнинг тўйларида	53
Тоза тийнатли инсонлар фарзанди.....	54
Маҳалламиз момолари	59
Устозларимдан бири	63

ТЕАТР – ТАҚДИРИМ..... 66

Устози аввалим	66
Имтиҳон	69
Илк қадам	71
Майсаранинг «қалтис» иши	73
Баҳодир аканинг сабоқлари	74
Буюклар мардлиги.....	75
Устоз ибрати.....	76
Устоз назарига тушганим ва... ..	78
Зикр ака ҳақидаги ўйларим	79
Буюклар сири	85
Қатъият.....	86
Мардлик.....	88
Комилжон ҳофиз танбеҳи.....	89

ХАСТАЛИК ҲАМ НЕЪМАТ ЁХУД ҲИКМАТ

ИЗЛАГАНГА ҲИКМАТДИР ДУНЁ

Хасталик	92
Бошинг ёстикқа текканида.....	93
Авжи баҳор кунлари эди	96
Армонсиз одам	99
Ўрнига тушган ўғитлар	102
Хасталик ҳикмати.....	104

Оқибат	107
Сўнги суҳбат	111

ҲАНГОМАЛАР

Ошхўрлар.....	113
Дуогўйлар	114
Тожибой аканинг «шамоллаши»	115
Ҳар кун ҳам бўлавермайдиган тасодиф	117
Бўладиган бола	118
Ғалати саломлашув.....	120
Масков бошқаруви.....	120
Рус тили дарсида.....	121

САРҲИСОБ ҚИЛМОҚЧИ БЎЛГАНИМ

122

Ўзбек давлат драма театрида	123
Ўзбек Миллий академик драма театрида	125
«Ўзбектеелефильм» студияси, Ўзбекистон телевидениеси ва катта экранларда... ..	128
Ўзбекистон радиосида... ..	130
Дубляжда	131

ХОТИМА ЎРНИДА

134

Адабий-бадий нашр

Файбулла ҲОЖИЕВ

ХОТИРАЛАР ТЎЛҚИНИ

Мухаррир *Н.Абдурахмонова*

Рассом-дизайнер *Р.Маликов*

Техник муҳаррир *Т.Харитоновна*

Кичик муҳаррирлар: *Д.Холматова, Г.Ералиева*

Мусаххих *Ш.Ҳакимова*

Компьютерда саҳифаловчи *К.Ҳамидуллаева*

Наشريёт лицензияси АІ №158.14.08.09.

Босишга 2016 йил 18 мартда рухсат этилди. Бичими 70x84¹/₁₆.

«Virtec Peterburg Uz» гарнитураси. Шартли босма табоғи 10,9+0,55 вкл

Нашр табоғи 8,26+0,59 вкл. Адади 3000 нусха. Буюртма №16-143.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг
«O'zbekiston» нашриёт-матбаа ижодий уйи. 100011,
Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

Телефон: (371) 244-87-55, 244-87-20

Факс: (371) 244-37-81, 244-38-10.

e-mail: uzbekistan@iptd-uzbekistan.uz

www.iptd-uzbekistan.uz

Ҳожиев, Ғайбулла

Ҳ-59 Хотиралар тўлкини [Матн] /Ғ. Ҳожиев. – Тошкент: «O‘zbekiston»,
2016. – 160 б.+8 б.вкл.

ISBN 978-9943-28-571-2

Мухтарам китобхон! Кўлингиздаги китобда таниқли санъаткор Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Ғайбулла Ҳожиевнинг ҳаёт сарҳадлари, уни босиб ўтиш мобайнидаги мураккабликлар, ҳам машаққатли, ҳам ўзига хос қизиқарли умр йўли ҳақида ҳикоя қилинади.

«Хотиралар тўлкини» сиз мухтарам китобхонларни бефарқ қолдирмайди ва севимли санъаткорингизнинг сурату сийратини янада яқиндан билиб олишингизга ёрдам беради, деган умиддамиз.

УЎК:91.44.071.2(575.1)(092)

792.071(575.1)(092)

КБК 85.374(5Ў)-8

85.334(5Ў)-8

Ғайбулла
Ҳожиёв



*Ҳотиралар
тўлқини*

«O'ZBEKISTON»

ISBN 978-9943-28-571-2

